

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Яраш Ғаффоров

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

5A120302-Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
магистрлар учун ўқув қўлланма

Тошкент-2021

УЎК 377.09
КБК 74.00

Я.Ғаффоров Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. Ўқув қўлланма. Ч.: -156 б.

ISBN 978-9943-6931-1-1

Аннотация

Мазкур ўқув қўлланмада янги педагогик ва ахборот технологияларининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кенгайиб борилаётганлиги ҳисобга олиниб, олий ўқув юртларида ўқиладиган «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» фанини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, ўқув қўлланмада педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи ҳамда махсус фанларни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни, ана шуларга асосланган маъруза ва семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда ташкил этиш услубларини ҳам ёритишга ҳаракат қилинган.

Аннотация

В данном методическом пособии в соответствии с требованиями Национальной программы подготовки кадров и с учётом расширения и углубления использования новых педагогических и информационных технологий сделана попытка показа методов использования новых педагогических технологий при преподавании дисциплины «Методика преподавания специальных наук». Наряду с этим в методическом пособии освещены история развития концепции педагогических технологий и место современных педагогических и информационных технологий в преподавании специальных наук, организация и методы проведения лекционных и семинарских занятий, основанных на этих методах.

Annotation

The following methodical manual considers expanding requirements of new pedagogical and information technologies on national training program. It attempts to demonstrate the use of innovative technologies on “The methodology of teaching specific subjects” which is taught in universities. Also, the manual reveals history of development of the use of pedagogical technology conception, and the role of In and modern pedagogy in teaching specific subjects. It also discusses lectures and seminars organized and conducted on this basis.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 06.10.2020 йил 522-сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат берилган.

Тақризчилар:

- | | |
|----------------------|--|
| 1. Х.Э.Юнусова | тарих фанлари доктори,
профессор (ЎзМУ) |
| 2. А.А.Ерметов | тарих фанлари доктори (ЎзМУ) |
| 3. Ж.Н.Абдурахмонова | тарих фанлари номзоди
доцент (ЧДПИ) |
| Маъсул муҳаррир: | т.ф.н.доцент, О.Н.Носиров |

КБК 74.00

ISBN 978-9943-6931-1-1

© Я.Ғаффоров., 2021.

© «Ишончли ҳамкор» нашриёти, 2021.

МУНДАРИЖА	
Кириш	5
I БОБ. Махсус фанларни ўқитиш технологияси	
1.Махсус фанларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш муаммолари ва вазифалари	10
2.Педагогик технология концепциясининг ривожланиши тарихи	22
3.Янги педагогик технология принциплари	33
II БОБ. Дарс ўтишнинг замонавий методик, педагогик ва ахборот технологиялари	
1.Махсус фанларни ўқитишда дарс ўтишнинг усул ҳамда услублари ва педагогик технология	48
2.Таълим тизимида методика ва технология уйғунлиги	65
3.Махсус фанларни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни	72
III БОБ. Янги педагогик технология тамойиллари	
1.Махсус фанларни янги методик ва педагогик технологиялар асосида ўрганилиши	78
2.Янги педагогик технология тамойиллари ва элементлари	89
3.Махсус фанларни ўқитишда педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари ва ана шуларга асосланган маъруза машғулотларини ўтказиш	107
IV БОБ. Тарих таълимида интерфаол методлар	
1.Тарих таълимида янги педагогик технологияларнинг роли	114
2.Махсус фанларни ўқитишда интерфаол методлар асосида семинар машғулотларини ташкил этиш	125
V.Иловалар ва слайдлар	131
VI.Фойдаланилган адабиётлар	150

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлгани сингари таълим тизимида ҳам ўзига хос янгиликлар қарор топмоқда. Айниқса таълим тизимини технологиялаштириш, таълим самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган янги педагогик технологияларни ўқув жараёнларига қўллаш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Чунки янги педагогик ва ахборот технологияларини тезда қабул қилиш, уларни таҳлил этиб, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулоса чиқариш ҳамда талабаларга етказиб бериш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Педагогик технологияларнинг ривожланиш истиқболлари унинг назарий асосларини танқидий равишда таҳлил қилиш, таълим жараёнига нисбатан самарали ёндошувнинг қарор топиши ҳисобига таъминланади. Яъни маълум бир вақт оралиғида педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан бирга унинг “муаммо майдони”ни ҳам ўзгартириш мумкин бўлади. Таълим жараёнини технологик ёндошув асосида ташкил этиш бир қатор дидактик вазифаларини ижобий ҳал этишни тақозо қилади. Жумладан, дидактик мақсадлар руйхатини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалашда яхлит жараён ҳамда унинг босқичлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, ўқувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча ўқувчилар билим, кўникма ва малакалари даражаларининг тенглашувига эришиш ва ҳақозолар. Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи тамойилларга асосланган бўлиб, ўқувчи шахсини тарбиялашга йўналтирилмоғи лозим. Педагогик технология назариясининг марказида таълим жараёнининг раҳбари, айтилиб, вақтда, ушбу жараённинг ҳам субъекти ҳам объекти бўлган ўқитувчи ва талабалар турадилар. Шундай экан, ушбу субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро мулоқот, уларнинг бир-бирларига нисбатан кўрсатадиган акс таъсирлари энг замонавий талабларга жавоб бера олиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи энг

аввало таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан қўйилувчи талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари, йўллари, ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллар у билан ҳамкорлик қилиш уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, ўқувчи шахси фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, педагогик фаолиятини ташкил этиш жараёнида юзага келувчи муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини ҳосил қилиш, ўқувчи фаолиятини ҳосил қилиш, ўқувчи фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолашга имкон берувчи методлар билан қуролланган бўлишим лозим.¹

Республикамиз олий ўқув юртлари ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдалинилади. Интерактив методлар жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига ҳослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйдагилар киради:

- Ўқувчи-талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмаслигига, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;
- Ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлайди;

¹ Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технологияларни татбиқий асослари. Т. Фан, 2006 й, 42-43 бетлар. Р.Ишмухамедов. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадолигини ошириш йўллари. Т. 2004, 3-бет.

- Ўқувчи-талабаларнинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириш;
- Педагог ва ўқувчи-талабаларнинг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши ва ҳоказолар.

Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технология назариясини шакллантириш ва ундан фойдаланиш механизмини билиш таълим жараёнини ривожлантириш ва бошқаришнинг энг самарали шакл ва методларини аниқлаш имконини берадики, бунинг нафақат назарий, балки амалий аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Маълумки таълим назарияси амалиётида янги педагогик технологияларни тадқиқ этиш иши фанлараро (педагогика, психология, методология, фалсафа, тарих, социология ва бошқа фанлар) алоқадорлик ва боғлиқлик асосида ёндашувни талаб этади. Кўрсатиб ўтилган фан йўналишларининг ҳар бирида таълим технологияларининг маълум назарий жиҳатлари ва технологияни таълим жараёнига татбиқ этишда алоҳида ўрин тутувчи қулай шарт-шароитларни бир қадар тўлиқ таҳлил қилинган.

Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа саналиб, таълим технологияларини яратиш муаммолари бўйича олиб бориладиган умумий ва амалий тадқиқотларга кенг йўл берган ҳолда ушбу назария моҳиятини тўлақонли акс эттирувчи терминологияни шакллантиришни тақозо этади. Бугунги кунда назарий ва амалий жиҳатдан пухта асосланган умумий ишланмаларнинг мавжуд бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Ёки, умумий назарий базага эга бўлмасдан туриб айрим муаммоларни, ҳал этиш мумкин эмас.

Таълим тизимида янги педагогик технологияларнинг моҳияти, уларни таълим жараёнида қўллаш механизмини таълим фалсафаси ва социологияси қаторидан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас. Чунки, мазкур фанлар таълимининг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, шунингдек, ижтимоий вазифа-

ларини ҳар томонлама таҳлил этади, таълим методологияси муаммоларининг чегарасини кўрсатиб беради.

Умуман олганда, бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда, бундай бўлишнинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки таълимнинг ҳар бир босқичида замонавий педагогик технологияларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда жамият муносабатларини ислох қилиш, яъни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, таълимни инсонпарварлаштиришга самарали таъсир кўрсатадиган илмий-амалий асосга эга бўлгандагина қўллашга мувофиқдир.

Қўлланилаётган технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига енгиллик олиб келиши, ўқувчининг хоҳлаб, қизиқтириб боришига имкон бериши ва жамият тараққиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини кафолатлаши керак. Ўқитишда замонавий педагогик технологиялар қўлланилишидан олдин мослашувдан ўтиши педагогик шарт-шароитлари, моддий-техник база ҳисобга олиниши лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек “Бугунги кунда олдимизда янада муҳим ва долзарб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, унинг нафақат давр билан ҳамоҳанг бўлишини, балки замондан олдинда юришини таъминлаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг илғор усулларида кенг фойдаланиш, бу ишларни хориждаги нуфузли марказлар билан ҳамкорликда олиб бориш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва домлаларнинг машаққатли ва

маъсулиятли меҳнатини ҳар тарафлама рағбатлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизга катта куч бўлиб кираётган янги авлодимизни камол топтириш учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар сафарбар этилади”.¹

Ушбу ўқув-қўлланмада режада кўрсатилган айрим мавзулар меъёрига етмаган бўлиши мумкин, албатта бундай камчиликлар бўлиши табиийдир. Мазкур ўқув-қўлланма муаллифи барча мулоҳаза ва таклифларни, танқидий фикрлар билдирганларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

¹ Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.:”Ўзбекистон”, 2019-йил, 1-жилд, 24-25 бетлар.

I БОБ. МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1.1.Махсус фанларни янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш муаммолари ва вазифалари

Мамлакатимизда мафкуравий мўлжалларнинг тубдан янгиланиши, миллий истиқлол ғоясининг омма онгига узлуксиз сингдириб борилиши педагогик тафаккурни ҳам ўзгартирмокда. Мафкуравий жараёнлар педагогик воқеликни акс эттирадиган таълимий фаолият лойиҳаларини асослайдиган фан соҳаси, тасаввурларини қамраб олмасдан иложи йўқ. Янги педагогик билимлар кўлами Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кенгайиб бормокда, тадқиқот йўналишлари эркин шахсни шаклланиши муаммоларига қаратилаяпти. Бу эса таълим-тарбия тизимида янгича методик ёндашувларни юзага келтираётир.

Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги мавқеи миллий мафкура доирасида янада кўтарилиб, уларнинг олий мактабда ўқитилишига, мазмунини янгिलाшга қўйилган талаблар ҳам кун сайин ошиб кетаяпти. Шу боисдан янги 2002-2003 ўқув йилининг илк ойларида бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий Университети, Самарқанд ва Фарғона Университетларида «ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш» мавзусида махсус семинарлар уюштирилди ва уларда етакчи олимлар тегишли фан соҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Маърузаларда асосий эътибор ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда таълим мазмунини жамиятимиз ва дунё саҳнасида рўй бераётган объектив жараёнлар, мафкуравий муаммолар, ҳодиса ва воқеалар билан тўлдиришга қаратилди. Одатда дидактика ўқитиш назарияси сифатида иккита саволга жавоб беради: «Нимани ўқитиш керак (мазмун)?», «қандай ўқитиш керак (технология)?». Назаримизда, юқоридаги семи-

нарларда саволнинг иккинчиси жавобсиз қолди, ўз ечимини тўлақонли топмади.

Олиб борилган аналитик-синтетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари амалиётида ҳам «изоҳли тасвирли ёндашув» анъанавий методика ҳали ҳануз устиворлик касб этмоқда, асосий ўқув вақтини эгалламоқда. Бу ерда маъруза ўқитишнинг асосий шакли сифатида сақланиб қоляпти ёки 80 дақиқа (танаффуссиз) давомида ўқитувчи тайёр билимларни узатиш билан овора. У талабаларнинг ўқув билим фаолияти ташкилотчиси бўлиши билан бир қаторда билимлар манбаига айланиб қолаётганлигини кузатиш мумкин.

Тўғри, олимлар олий мактаб ўқитиш тизимида маърузанинг ўрнини алоҳида эътироф этишади ва шу билан биргаликда унинг қатор камчиликларидан холи эмаслигини уқтиришади:

- маъруза – ўзгалар фикрини суст қабул қилишга талабани ўргатиб қўяди, мустақил фикрлашни бўғайди;
- маъруза – мустақил шуғулланишга мойилликни йўқотади;
- маъруза дарсликлари йўқ ёки кам бўлган ҳоллардагина керак;
- маъруза давомида баъзи талабалар мулоҳаза юритишга улгуришади бироқ кўплари матнни механик, тарзда ёзиб боришади аудиторияни бошқариш мураккаблашади, тескари алоқанинг йўқлиги ўқитувчига ўз фаолиятини тузатишга имкон бермайди.

Бу бир томондан. Бошқа томондан маърузани узлуксиз ўқиш учун ўқитувчи катта ички энергия сарфлайди, натижада руҳий зўриқиш келиб чиқади.

Учинчидан, энг асосийси, ўқитишнинг анъанавий шаклида эркин шахсни шакллантириш жараёни суст боради мустақил фикрлайдиган ва келажакда эркин фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлаш каби давлат буюртмасини амалга ошириш қийинлашади.


Демак, педагогик лойиҳалаш технологиясини қўллашда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, таълим жараёнининг маълум босқичида дарсга тайёрлаш имконияти, ўқувчиларнинг ўз-ўзини

ривожлантириш қобилиятларини ўстиришни асосий масалалар сифатида тан олсагина муваффақият қозонади. Ўқувчи фаолиятида келажакка мўлжалланган ва тезкор лойиҳалаш турли дарсларда турлича мослаштирилади. Педагог лойиҳалашда киришда хоҳ у дарс, хоҳ у тарбиявий тадбир бўлсин, ҳар бир педагогик вазифанинг яхлит педагогик жараён тизимидаги ўрнини билиши лозим.

Педагогик технология фан мавзулари бўйича олдиндан лойиҳаланиши ва у ўқитиш текислигига кўчирилса яқиний натижани (талабанинг ўқув материалларини камида 55% ўзлаштиришини) кафолатлаши билан фарқланишини эслатиб ўтамыз! Шу билан биргаликда ҳар қандай педагогик технология асосини илмий жиҳатдан қурилган дидактик жараён ташкил қилади. Ана шу жараёнда ажратилган ўқув вақти доирасида амалга ошириш олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик маҳоратини даражалаб беради.

Қуйида умумий ҳолда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишни илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришга асосланган, бу жараёнда ўқитувчи ҳамда талабанинг тутган мавқеини ойдинлаштирадиган педагогик технология тузилмасини келтирамыз (чизмада).

Асосий канал (1) орқали ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув элементларининг тузилган рўйхати мазмуни ўқитувчи томонидан маълум вақт оралиғида талабаларга етказилади. Бу жараёнда янги билимларни қабул қилиш, англаш, ўзлаштириш амалга оширилади.



Талабадан тескари алоқа (3) ёрдамида тегишли ахборотлар ўқитувчига етиб боради, яъни ўқитиш жараёни натижалари тўғрисида маълумот олинади. Бугун қўлланилаётган рейтинг тизими айнан шу вазифани уддалаши лозим. Ўқитувчида талабанинг ўзлаштириш даражалари тўғрисида аниқ маълумотлар бўлсагина у ўқув билиш фаолиятини самарали бошқаради, таълимий ахборотларнинг мазмунига зарурий тузатиш кирита олади шу ерда бир зиддиятли ҳолатини келтириб ўтамиз. Профессор-ўқитувчи ўртасида хали-ҳануз давом этаётган тортишувларга сабаб бўлаётган ҳолат - талабалар билимларини қайси метод ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш керак? Ёзма ёки оғзаки сўров маъқулми ё тест-рейтинг маъқулми? Бироқ ўқитувчи эътиборидан рейтингдан кўзланган асосий мақсад-натижалар асосида ўз фаолиятини коррекциялаш зарурияти четда қолиб кетаяпти. Ўқитувчи нима учун бир хил ўқув фонди ва шароитида талаба А ўқув материалларини яхши ўзлаштираяпти, талаба Б эса аксинча суст ўзлаштираяпти, деган саволга жавоб топиш керак.

Ана шунда ўз фаолиятини тузатиш, яъни асосий ўқув материаллари сифатида талабаларга узатилаётган ахборотлар мамунининг мақбул ҳажмини режалаштириш мумкин. Шу мақсад учун 2-канал ишга тушади. Фаннинг аниқ мавзуси бутун фан юзасидан талабанинг эгаллаши лозим бўлган билим ва кўникмалар тизими (стратегик мақсад) олдиндан белгиланади ва уларга дарс давомида таянилади. Фақат ўқитиш жараёни натижалари олдиндан белгилансагина педагогик технологиянинг асосий тамойили-якуний натижанинг кафолатланишини таъминлаш мумкин бўлади.

Ўқув вақтининг асосий қисми талабанинг ўз-ўзини бошқариш жараёнига сарф бўлиши керак. Талабалар муайян мавзуга тегишли бўлган ўқув элементларга ишлов бериш учун "қўшимча ахборотлар манбаи"га мурожаат қилишади. Бу манбани ўқитувчи ўз фани бўйича аудиторияда яратиши лозим. Шундагина унинг педагогик маҳоратини ижобий баҳолаш мумкин. Улар китоб (дарслик қўлланма, ишланма, маърузалар матни, монография, журнал, газета мақолалари в.б.), ўқишнинг

техник воситалари, компьютер, интернетдан иборат бўлиб, талабаларнинг мустақил ишлашига, ўз-ўзини ўқитиш ва назорат қилишга қулай имконият туғдиради. Бу вақт умумий ўқув фондининг 70% ни ташкил этиши мумкин, қолган 30% ўқитувчи ихтиёрига берилаяпти. Ана шу вақт сарфини ўқитувчи мавзу бўйича ўқув элементларининг сони ва мураккаблик даражасига боғлиқ ҳолда тақсимлайди.

Шундай қилиб, қаралаётган технологик жараён тузилмасининг самарадорлигини ошириш учун:

1. талабаларга узатилаётган илк ўқув ахборотларининг оптимал мазмунини аниқлаш;
2. талабаларнинг билиш фаолиятини самарали бошқаришни режалаштириш ва амалга ошириш;
3. "ўз-ўзини ўқитиш" асосида талабанинг ўқув материални ўзлаштириш имкониятидан кенг фойдаланиш;
4. талабанинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилишни ташкил этиш.

Энди бевосита фан мавзулари бўйича ўқитиш технологияларини лойиҳалаш қонунларини ўрганиб чиқиш:

I. Фан мавзуси бўйича мақсадни белгилаш қонуни.

Кузатишлардан маълум бўлишича, бугун олий ўқув юртлари ўқитувчилари фан мавзулари бўйича ўқув мақсадларини қуйидагича белгилашмоқда:

1) Мақсадни ўрганилаётган мавзу мазмуни орқали белгилаш. Мисол учун "Марказий Осиё минтақасидаги мафкурвий жараёнларни ўрганиш" ёки "Педагогик тадқиқот методларини ўрганиш" ва ҳоказо. Мақсадни бундай ифодалашда ўқув жараёнини қуриш учун бирор бир конструктив ечим қаралмаяпти. Шу боисдан мақсадни бу тарзда ўрнатишни педагогик технология тарафдорлари етарли эмас, деб ҳисоблашади.

2) Мақсадни ўқитувчи фаолияти орқали белгилаш. Мисол учун, "Талабаларни интерфаол методлар тузилмаси билан таништириш", ёки "Диққатни бошқаришни тренинг ёрдамида намойиш қилиш" ва ҳоказо. Мақсадни "Ўқитувчи томонидан бундай ўрнатилиши ўқитувчининг шахсий фаолиятига қаратилган, бироқ ўқитувчи ўз ҳатти-ҳаракатларидан келиб

чиқаётган ўқитишнинг реал натижалари билан, рўй бериши мумкин бўлган ҳолатлар билан солиштирмай белгилайди, чунки кутилаётган натижалар мақсадни белгилашнинг бу усулида қаралмаган.

3) Мақсадни талабанинг ўқув фаолияти орқали белгилаш. Мисол учун "ҳўжаликда рўй берган иқтисодий тенгликни ечиш" ёки "педагогик тизимни лойиҳалаш бўйича машқ қилиш" ва ҳоказо. Бир қарашда ўқув мақсадларини бундай ифодалаш дарсни лойиҳалаш ва ўлғазишга бирмунча аниқлик киритади. Бироқ бу ерда ҳам диққат-марказдан ўқитишдан кутилаётган натижа, унинг оқибатлари четда қолиб кетяпти.

Педагогик технология тарафдорларининг фикрича, ўқитиш мақсадларини ўқитувчи ёки ўқувчи фаолияти, предмет мазмуни орқали белгилаш кутилаётган натижалар тўғрисида тўлиқ тасаввурни бермайди. Юқоридаги ҳолатларда ўқув мақсадлари талабага ҳаракатларда акс этган ва кафолатланиши зарур бўлган ўқув натижалари орқали белгиланмаяпти. Ана шу ҳолат педагогик технологияга зид эканлигини таъкидлаш жоиз.

Агар таълимий учлик-"мақсад - жараён (восита) - натижа"да Ўзбекистонлик ва Россиялик олимлар асосий эътиборни ўқитиш жараёни муаммоларига қаратишган бўлса, ғарб педагоглари томонидан занжирнинг икки четдаги ҳаволалари бирмунча чуқур тадқиқ қилинган. Шу боисдан америкалик психолог ва педагоглар (Б. Блум, В. Герлах Б. Скиннер ва б.) томонидан "ўқув мақсадлари таксономияси" концепциясига ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб асос солган бўлсада, у бугунгача ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фан мавзулари бўйича ўқув мақсадларини аниқ ўрнатиш педагогик технологияни лойиҳалашнинг дастлабки шарти ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш учун ўқитувчи асосий эътиборни янги мавзу бўйича ўқув элементлари рўйхатини тузишга қаратиши лозим. Ўқув элементи деганда ўрганиш мақсадида танланган фаннинг барча объектлари тушинилади. Рўйхатга киритилган ўқув элементлари бошқа ижтимоий тажриба мавзусидаги тушунча, ходиса, жараёнлардан ажралиб

туриши лозим. Мисол учун, "Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари" (Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар фани) мавзуси бўйича 7 та ўқув элементи алоҳида ажратиб кўрсатилган: 1. Ватан равнақи. 2. Юрт тинчлиги. 3. Халқ фаровонлиги. 4. Комил инсон. 5. Ижтимоий ҳамкорлик. 6. Миллатлараро тотувлик. 7. Динлараро бағрикенглик. Булар мавзу бўйича белгиланган умумий мақсадларни ва мазмунни ифодалайди. Ўқитувчи белгиланган ҳар бир умумий мақсадларни ва мазмунни ифодалайди. Ўқитувчи белгиланган ҳар бир умумий мақсадни-микромақсадларга айлантириш керак бўлади. Мисол учун "Комил инсон" (№4 ўқув элементи)ни ўрганишда қуйидаги микро мақсадларни алоҳида белгилаб олиш мумкин: комил инсон ғоясининг миллий ва умумбашарий моҳияти; тасаввуф илмида комил инсон тушунчаси; Ўрта аср алломаларининг ижодида баркамол шахсни ифодалаш; Миллий дастурда баркамол шахс тарбияси; янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлод тарбияси в. б.

Мавзу мақсадини аниқ; ўрганиш борасидаги кейинги қадам бу ажратиб кўрсатилган ўқув элементлари бўйича талабаларнинг бошланғич билим даражаларини тегишли педагогик воситалар (тест, ёзма, оғзаки сўров, компьютерли назорат) ёрдамида ўлчаш ва баҳолаш ҳисобланади. Бу амални бажариш зарур, акс ҳолда ўқитувчи машғулот давомида "Американи кашф этиши" мумкин. Бошқача айтганда, ўқитувчи қайси ўқув воситаларини талабалар бирмунча чуқур ўрганиши ёки қай бирини юзаки-эпизодик тарзда тушунтириш мумкинлиги тўғрисида ахборот олади ва ўз фаолиятини олинган натижаларга мос равишда ўзгартиради.

II. Фан мавзуси бўйича ўқув ахборотларини саралаш қонуни.

Мавзу мақсадини ўрганишда иштирок этган ўқув элементлари бу босқичда ҳам иштирок этишди, бироқ улар энди рўйхат кўринишидан матн кўринишига ўтади. Мазмунни саралашда ўқитувчи, асосан, икки ҳолатни, яъни ўқув материални баён қилишнинг илмий тили ёки фан ривожининг абстракция поғоналарини инобатга олиш шарт.

Ҳар бир ижтимоий фан ўз хусусий ривожланиш тарихига эга. Фан тараққиёти олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида ривож топган. Фан объектларидан ўқув элементлари ажратиб олинади ва ўқув дастури тузилади. Шубҳасиз, ўқув элементлари (ЎЭ) фан объектларидан (ФО) кичик бўлади, яъни ЎЭФО.

Олимлар Фан ривожининг қуйидаги абстракция поғоналарини эътироф этишади ва ўқитувчи ЎЭга ишлов беришда уларга таяниб иш кўриши лозим.

Биринчи абстракция поғонада (**феноменологик**) нарсa ва ходисаларнинг баёнини тавсифлаш чекланган, объектларнинг муайян тартибли рўйхати келтирилган бўлади, уларнинг сифат ва хусусиятлари қайд этилади. ЎЭ оддий, одатдаги тилда тушунтирилади. Мисол учун, ўқитувчи "комил инсон" тушунчасини ҳазрат Навоий таърифи билангина етказди.

Иккинчи абстракция поғонада (**аналитик-синтетик**) Фан учун хусусий бўлган тушунча ва атамалар, қонуниятлар ЎЭнинг асосий таркибини ташкил этади. ЎЭ Фан тилида баён қилинади. Мисол учун, "комил инсон" тушунчасини ёритишда ўқитувчи қатор алломаларнинг, замонавий олимларнинг, Президентнинг таърифларини таҳлил қилади ва синтезлаб, "ягона ҳулоса" чиқаради.

Учинчи абстракция поғонада (**башоратловчи**) фанга тегишли маълум ходисаларни уларнинг сонли назариялари асосида тушутирилади, қонун ва хусусиятларни аналитик тасвирлаш амалга оширилади. Ҳодиса ва жараёнларнинг кечиш муддати ва сонини олдиндан айтиб бериш имкониятлари мавжуд бўлади. Ривожланган фан тили вужудга келиб, ЎЭ баёни фанлараро боғланишлар асосида олиб борилади. Мисол учун, "комил инсон" тушунчаси психология, фалсафа, педагогика, социология фанлари мавқеидан келиб чиққан ҳолда талабаларга етказилади, соғлом авлоднинг мамлакатимиз равнақини ривожлантиришдаги ўрни жонли мисоллар ёрдамида тушунтирилади.

Тўртинчи абстракция поғона (**аксиоматик**) нарсa ва ходисаларни тушунтириш ўқув материалининг кенг қамров-

лиги, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб бориш билан тавсифланади. Фаннинг предметлараро тили мавжуд бўлиб улар ёрдамида илмий билишнинг амалий йўналишлари қайтадан илмий асосланади. Мисол учун, ўқитувчи "Комил инсон" моҳияти, уни шакллантириш босқичлари, комиллик мезонлари, баркамол шахсни тарбиялаш методлари, шакллари ва бошқа қирраларни илмий-тадқиқот институтлари билан алоқа ўрнатган ҳолда ўрганади ва дарс давомида талабаларга етказди. Бу ўқув элементи бўйича фандаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланган ҳолда ўқитувчи маъруза матнининг илмийлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, ўқитувчи бутун маъруза матнини тўрт даражада ёритиш, яъни таълим мазмуни белгиланган ЎЭ ёрдамида ифодалаши мумкин экан. Бироқ ўқув материалининг мураккаблашуви талабаларнинг ўзлаштириш даражасига нечоғлик тўғри келади? Бу саволга жавоб топилгандагина белгиланган таълим мақсадларига эришиш мумкин бўлади.

2.Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари. Ўз навбатида талабалар ЎЭни қайси даражада ўзлаштиришлари ёки маҳорат билан бажаришлари керак? Бу саволга психологлар томонидан яратилган фаолият назарияси жавоб беради. Ахборотлардан фойдаланиш ҳарактерига қараб фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номахсул ва махсулдор.

Талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражалари номахсул фаолиятда танишув ва алгаритмик даражада, махсулдор фаолиятда эса эвристик (қисман изланувчан) ва ижодий даражада бўлиши мумкин. Бошқача айтганда гуруҳдаги талабалар ўз иқтидори ва қобилиятига кўра тўрт даражага бўлинар экан. Энди айтинг-чи, танишув даражада фаолият кўрсатадиган талабага аксиоматик поғонада сараланган ўқув материалларини тавсия этиб бўладими? Асло, йўқ! Унга фақат феноменологик поғонага тўғри келадиган ўқув материални бериш керак. Худди шу жараёнда табақалаштирилган таълимни жорий этиш зарурати мавжуд. Гуруҳни ўзлаштириш даражасига мос равишда кичик гуруҳларга ажратиш ва уларга алоҳида

ишланган ўқув ахборотларини тавсия этиш лозим (қаранг: "Кичик гуруҳда ишлаш" "Маърифат", 30 октябрь, 2002 йил).

III. Дидактик жараёни кўриш ва ўқув вақти давомида амалга ошириш қонуни.

Фан мавзулари бўйича дидактик масалаларни (мақсад, мазмун, талабанинг ўзлаштириши) аниқ, белгилаш асосида самарали дидактик жараёни-технологияларини амалиётга тадбиқ этиш мумкин.

Дидактик жараён ўзаро боғлиқ бўлган учта компонент-мотивация, талабанинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқаришдан иборат.

Мотивацион босқичда ўқитувчи талабалар диққатини мавзуни ўрганишга турли методлар ёрдамида жалб этади, уларда ички талаб, эҳтиёжни вужудга келтиради. Бундай методлар сарасига муаммоли вазиятларни машғулот бошланишида талабаларга таклиф этиш, тарихий материаллардан фойдаланиш, у ёки бу мавзуга оид қисқа метражли кино кадрлар кўрсатишни киритиш мумкин. Улар талабаларда кучли мотивларни вужудга келтириш билан мавзуни зўр ҳиссиёт билан ўрганишга ундайди.

Ўқув фаолияти натижасида талабалар билимларни ўзлаштирадилар, кўникма ва малакаларни эгаллашади. Тадқиқотлар тахлили шуни кўрсатадики, ҳар қандай ўқув фаолияти умумий лойиҳа бўйича кўрилади ва ўзида мўлжалли бажарувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи ҳаракатларни мужассамлаштиради. Бу ҳаракатларни талабалар бевосита ўқитувчи ёки дарслик ёрдамида турлича тўлиқликда ва турлича таълим назариясига таянган ҳолда бажариши мумкин. Ўқитувчи талабанинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиш ва фарқлай олиши лозим. Ўқув ҳаракатларининг ҳар бир ЎЭни ўзлаштиришининг маълум босқичида намоён бўлади. Мисол учун, мўлжалли ҳаракатнинг бажарилиши ва ўқув топшириқларини ўзлаштириш қуйидагича боради: а) ўзи учун топшириқни фаол қабул қилиши; б) топшириқларни тушуниб етиш; в) уларни бажариш кетмакетлигини ўрганиш методикасини эгаллаб олиш; г) мустақил равишда ўқув топшириқларини ўрганиш.

Бажарувчи ҳаракатлар ҳам ўзлаштиришнинг турли босқичларида бўлиши мумкин: а) асосий ўқув ҳаракатларининг бажарилиши (тахлил, ўзлаштириш, таққослаш, моделлаштириш); б) алоҳида ҳаракатларнинг айрим ЎЭ бўйича бажарилиши; в) бир масаланинг ечимига қаратилган ва йирик блокларга қўшилган ҳолда амалга ошадиган бир қатор ўқув ҳаракатларни бажариш; г) бу блокларни англаш даражасида (кўникма) ёки "автоматик" (малака) даражасида амалга оширилади.

Кейинги босқич-назорат қилувчи ҳаракат мавзу бўйича ЎЭни ўзлаштириш даражаси бўлиб, ўқувчининг ўз-ўзини назорат қилиши эвазига амалга оширилади ва эталон билан солиштирилади. Агар ўзлаштириш даражаси паст (5.5%) бўлса, у ёки бу ҳаракат босқичида йўл қўйилган хатолар ўқув фаолиятининг тузатувчи босқичида аниқланиб, тузатишга оид қўшимча дидактик жараён ташкил этилади.

Ўқув фаолиятининг муҳим кўрсаткичи унинг натижасидир: объектив ечимнинг тўғрилиги, натижани олгунга қадар ҳаракат ва қадамлар сони, вақт сарфи; субъектив-талаба учун ишнинг муҳимлиги; яқундан субъектнинг қаноатланиши учун сарфи ва бошқалар.

Дидактик жараённинг сўнги таркибий қисми ўқув билиш фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Кўникма циклик турдаги бошқариш тизими дидактик жараён учун қўл келади. Сабаби, зарурий ўқув ахборотлари ўқитувчидан талабаларга, тўғри алоқа ёрдамида узатилади. Асосий ҳаракатларни бажарганлиги ҳақидаги маълумотларни эса тескари алоқалар ёрдамида талабалардан ўқитувчига узатиш имконияти мавжуд бўлади. Бошқаришнинг муҳим жиҳати шундаки, агар ўқув фаолияти талаба томонидан бажарилса, бошқариш алгоритмини ўқитувчи томонидан ёки талаба ҳам бажариши мумкин. Бунинг учун ўқув топшириқларининг тўғри жавоблари этолонлари талабаларга ҳам берилади. Шунда талабалар ўз фаолиятларини текшириш ва ҳаракатларини тузатиш имкониятига эга бўладилар.

Шундай қилиб, дидактик жараённи кўриш қонунларини қисқача баён қилдик. Хўш, ўқув вақти дидактик жараён босқичларида қандай тақсимланади? Юқорида биз 30 % ўқув вақти

ўқитувчи ихтиёрига берилишини таъкидлаган эдик. Ана шу вақт мотивацион ва бошқариш босқичлари учун сарф бўлади. Асосий ўқув вақти (70 %) талабанинг ўз-ўзини ўргатишга яъни ўқув фаолиятига ажратилишини пайқаш қийин эмас.

Албатта, дидактик жараён ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари асосида амалга оширилади. Ўқувчи мавзунинг мураккаблиги ёки дидактик жараённи татбиқ этиш вақтини ҳисобга олган ҳолда фаол ўқитиш шаклларида фойдаланади.

Савол ва топшириқлар

1. Махсус фанларни ўқитишнинг мақсади, таълим-тарбиявий вазифалари ва ғоявий мафкуравий асосларини тушунтириб бера оласизми?
2. Махсус фанларни ўқитиш усуллариининг асосий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари нималардан иборат?
3. Махсус фанларни ўқитишда ўтмиш ва замонавий фанлар алоқадорлигини тушунтириб беринг?
4. Замонавий тарих таълимига бўлган талаблар қандай белгиланади?
5. Ўқитиш технологияларини лойиҳалаш қонунлари –
 - а) фан мавзуси бўйича мақсадни белгилаш қонуни;
 - б) фан мавзуси бўйича ўқув ахборотларини саралаш қонуни;
 - в) дидактик жараённи кўриш ва ўқув вақти давомида амалга ошириш қонуни ва бошқаларни биласизми? Тушунтира оласизми?

1.2. Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи

Бугун мамлакатимиз истиклоли шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада ўрганиш ва ҳаётимизга

татбиқ этиш даври келди. Миллий дастурда таъкидланганидек якин келажакда "кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади".

Бу фаслда биз педагогик технология назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихига назар ташлаймиз.

30-йилларда "педагогик техника" тушунчаси махсус адабиётларда пайдо бўлди ва у ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усул ва воситалар йиғиндиси сифатида қаралди. Шунингдек, бу даврда ПТ деб ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан муомала қилишни уддалаш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш тушунилди.

40-50-йилларда ўқув жараёнига ўқитишнинг техник воситаларини жорий этиш даври бошланди. Айниқса кино, радио, назорат воситалари, улардан фойдаланиш методикаси ПТга тенглаштирилди.

60-йилларнинг ўрталарида бу тушунча мазмуни чет эл педагогик нашрларда кенг муҳокамага тортилди. 1961 йилдан бошлаб АҚШда "Педагогик технология" (Educational Technology), 1964 йилдан Англияда "Педагогик технология ва дастурли таълим" (Technology and programmed Learning), Японияда эса 1965 йилдан "Педагогик технология" (Educational Technology) журналлари чоп этила бошланди. 1971 йилда худди шу номли журнал Италияда чиқарила бошланди. (20-бетдаги чизмага қаралсин).

Ривожланган мамлакатлар ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР марказлари

Давлат-лар	АҚШ		АНГЛИЯ		ЯПОНИЯ		ИТАЛИЯ	ВЕНГРИЯ	Совет СССР
Йил	1971 ↓		1976 ↓		1965 ↓		1973 ↓		1965 ↓
Марказ-лар	Коммуникация ва технология Ассоциацияси		Педагогик технология Миллий Кенгаши		Умумият Педагогик технология Марказий Кенгаши		Педагогик технология Миллий Кенгаши		Ўқитиш технологияси Давлат Маркази
Йил	1961	1971		1970	1964	1965		1971	
Журнал-лар	Педагогик технология	Аудио визуал таълим	Аудио визуалли коммуникация баёни	Педагогик технология Журнали	Педагогик технология дастурли таълим журнали	Педагогик технология	Педагогик технология	Педагогик технология	Мактаб ва ишлаб чиқариш

ПТ муаммосининг ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, унинг илмий асосларини тадқиқ қилиш мақсадида махсус корхоналар тузилди. Мисол учун, 1967 йилда Англияда педагогик технология Миллий Кенгаши (National council for Educational Technology) ташкил этилди ва 1970 йидан бошлаб "Педагогик технология журнали" (Journal of Educational Technology) чиқа бошлади. АҚШнинг қатор университетлари ва илмий марказларида ҳам ПТ муаммоларига жиддий эътибор берилди. 1971 йилда махсус "Коммуникация ва технология Ассоциация"си (Association for Educational Communications and Technology) фаолият кўрсата бошлади. Ҳозирги кунда бу ташкилотнинг барча штатларда ва Канадада 50 дан зиёд филиаллари ишлаб турибди.

Японияда ПТ муаммолари билан тўртта илмий жамият шуғулланмоқда, фаол ҳаракатдаги педагогик технология Марказий Кенгашининг 22 та давлат университетларида марказлари мавжуд. Ҳар уч ойда япон тилида чиқадиган "Педагогик технология соҳасидаги тадқиқотлар" (Educational Technology Research) журналларида йирик олимларнинг илмий ишлари ўз ўрнини топмоқда. Яқинда Умумяпон педагогик технология Марказий Кенгаши (The Japanese Council of Technology Centers) тузилиб, бу соҳада халқаро алоқалар ўрганиш ишлари билан машҳур.

Дидактиканинг бу йўналишига эътибор нихоятда ошиб боришини 70-йилларда ўтказилган қатор халқаро конференциялар тасдиқлайди. Шундай халқаро конференциялар 1966 йилдан бошлаб ҳар йили баҳорда Англияда ўтказилиб келинади ва анжуман материаллари "Педагогик технология жиҳатлари" (Aspects of Educational Technology) номида нашр қилинади.

Шу каби маълумотларни келтиришни ғарб давлатлари мисолида яна ҳам давом эттириш мумкин, бироқ чизма бунга эҳтиёж қолдирмайди. Юқоридагиларнинг ўзидаёқ ПТ педагогика назарияси ва амалиёти соҳасидаги алоҳида ходиса сифатида диққат марказда турганлигини, 60-йиллардан бошлаб чет элларда янги йўналиш сифатида шаклланганлигини таъкидлаб турибди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, бу даврда ПТ икки йўналишда муҳокама қилинди ва ривожлантирилди: биринчиси

ўқув жараёнига техник воситаларини қўллаш билан боғлиқ бўлса (шу жумладан дастурли таълимнинг техник воситалари), иккинчиси - ўқитиш технологияси масалаларини, яъни ўқув материалларни таҳлил қилишдан тортиб таълим жараёнини турлича нашрли ва техник воситалардан жамулжам фойдаланган ҳолда тизимли ташкил этишга қадар бўлган кенг доирадаги муаммоларни қамраб олади.

Шу ерда биринчи конференция материаллари (1966 йил) тўпламнинг кириш мақоласида ёзилган жуда муҳим далилни келтириш ўринлидир: "икки тушунча-"педагогика" ва "технология"ларни қўшиш мантикий тортишувларга сабаб бўлаяпти. Чунки "технология" сўзи синф хонасига техникани киритиш ва "дегуманизация" (инсонпарварликдан воз кечиш) ғояси билан тавсифланиши педагогик касб вакиллари чўчитиши мумкин". Албатта, бу фикр маълум даражада тўғри бўлиши мумкин. Бироқ технократик фикрлаш (техниканинг инсон ва унинг қадриятлари устидан устунлиги) фанда қораланади ёки инсон ҳеч қачон "темир машина"га тобе бўлмайди, балки уни ўз ақл-заковати билан яратади ва бошқаради. Бу муаммонинг психологик жиҳатлари бўлиб кам ўрганилган соҳа.

70-йилларнинг бошига келиб ўқув жиҳозларининг турли ҳилларини ва ўқитишнинг предметли воситаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурий шартлардан бирига айланди, уларсиз илғор методика ва ўқитиш шакллари самарасиз бўлиши, таълим сифатига эришиб бўлмаслиги англаб етилди. Шу боисдан собиқ социалистик лагердаги давлатларда ҳам бу соҳада маълум ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1965 йилда собиқ СССР Педагогика Фанлари Академиясида "Ўқув жиҳозлари ва ўқитишнинг техник воситалари" илмий текшириш институти ташкил этилди ва ҳозир ҳам Россия таълим академияси институти сифатида фаолият кўрсатаёпти. 1973 йилда Венгрияда "Ўқиш технологияси Давлат Маркази" бевосита ЮНЕСКО ташаббуси ва дастури асосида ташкил этилди ва унинг асосий вазифаси ўқитиш технологиясининг янги қирраларини кашф этиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини

такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш каби масалалардан иборат бўлди.

ЮНЕСКО инсонпарвар ва тараққийпарвар ташкилот сифатида халқаро муаммоларни ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. 1971 йилда ЮНЕСКО собиқ бош директори Рене Маис Франция Бош вазири (айни вақтда Таълим вазири) Эдгаро Форага мурожаат қилиб махсус гуруҳга раҳбарлик қилишни, тезкор ўзгаришлар рўй бераётган бир шароитда жаҳон таълими олдига қўйилган мақсадни ва уни амалга ошириш учун ақлий ва моддий воситалар миқдорини белгилаб беришни илтимос қилди.

Шундай қилиб, 1972 йилнинг кеч кузида Буюк Британия ва Франция китоб дўконларида "Яшаш учун ўқиш. Дунё тарбияси бугун ва эртага" (Learning to be The world of education today and tomorrow) китоби пайдо бўлди. Бу воқеага роппа-роса 35 йил вақт ўтган бўлса-да, маърузанинг асосий ғояларини эслаш фойдадан холи бўлмайди. Боз устига бу китоб бошқалари каби мамлакатимиз кенг аудиториясига кириб келмади, кутубхоналаримиз бойлигига айланмаган.

Комиссия томонидан жаҳон таълимининг жорий ҳолати таҳлил қилиниб асосий йўналишлари белгиланди. Комиссия миллий Концепция, шунингдек маориф ва тарбияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун ўз тавсияларини ифода этди. Бу концепциянинг бош ғояси: инсон бутун ҳаёти давомида тикланиш ҳолатида бўлади, демак у ўз потенциалини фақат узлуксиз таълим жараёнидагина амалга оширади доимо янгиликларни билишга ва мавжуд тажрибаларини фаоллаштиришга интилади. Шу боисдан маълумотлилик фақат маълум ҳажмдаги билимларни узатиш билан боғлиқ ҳолда эмас, инсон ўз ҳаёти давомида тикланиш жараёнининг мантиқини аниқлайдиган омил сифатида тушуниш керак. Энг асосийси, Эдгаро Фора томонидан "замонавий технология таълимни модернизациялашда ҳаракатланувчи куч" эканлиги қайд этилди.

Бу даврда таълим тизимидаги ўзгаришлар турли мамлакатларда турлича кечди: баъзи бирлари амалиётдаги мавжуд таълимни такомиллаштиришни афзал кўрсалар, бошқалари ўз

олдиларига ҳозирги таълим тизимини янгисига алмаштиришни мақсад қилиб қўйди. Ниҳоят, учинчилари эса жамиятни ўзгартирмасдан туриб таълим тизимини ислоҳ қилиш мумкин эмаслигини, вақтни бой бермасдан ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларнинг янги тизимини яратишга киришиш кераклигини эътироф этадилар.

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир. Шу сабаб биз бу педагогик феноменнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқдамиз.

1977 йилда Будапештда ўтказилган ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семинарда таълимни технологиялаштириш жараёни билан боғлиқ омилар рус олими С.Г.Шаповаленко томонидан қуйидагича белгиланди: техникани билиш ва мукамал эгаллаш; аудиовизуал фонди билан таниш бўлиш; техник воситалардан фойдаланиш методикасини эгаллаш.

Бироқ бу фикрнинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташланади. Ундан фарқли ўлароқ ғоялар шу семинар иштирокчилари томонидан айтилди. Мисол учун, венгер олими Л.Салаи ўқитиш технологияси доирасини бир мунча кенгайтиришга уринади: режалаштириш, мақсад таҳлили, ўқув тарбиявий жараёни илмий асосда ташкил этиш, мақсад ва мазмунга мос келадиган методлар, воситалар ва материалларни танлаш бевосита ИТни лойиҳалашдаги ўқитувчи фаолиятига хослигини таъкидлайди. Шунга яқин фикрлар, яъни ўқитиш технологияси ўзида ёрдамчи восита ва янги тизимни камраб олган ҳолда ўқув жараёнини ривожлантиришга, унинг ташкилий шаклларини, методларини, мазмунини ўзгартирган ҳолда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг педагогик тафаккурлашига таъсир кўрсатиши Ж.Целлер томонидан таъкидланди. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, 70-йиллар охирига келиб чет элларда техника ривож ва

таълимни компьютерлаш даражасига боғлиқ ҳолда ПТнинг иккита жиҳатлари алоҳида ажратилиб кўрсатилган ва тадқиқ қилинган: 1) ўқув жараёнига техник воситаларни жорий этиш; 2) амалий масалалар ечимини топишда билимлар тизимидан фойдаланиш. Мисол учун, Японияда бу даврда олиб борилган тадқиқотлар ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг биринчи йўналиши, яъни таълимнинг янги техник воситаларини яратиш ва ўқув жараёнига қўллаш билан бевосита боғлиқ бўлган (Noshinisono Harou, Edicational Technology in Japan, Audio shal Instinction, November, 1979).

Бундай ҳолат бошқа катор давлатлар учун ҳам характерли бўлиб, ПТнинг иккинчи йўналиши назарий дидактик жиҳатлари 80-йилларнинг бошида АҚШ ва Англияда тадқиқот объектига айланди. Чунки "технология" сўзи кенг маънода назарий билимларни амалиёт мақсадига кўчириш, бу кўчиришнинг аниқ йўллари ишлаб чиқиш зарурати эътироф этилди.

Шундай қилиб, 80-йилларда ПТнинг моҳиятини ойдинлаштиришга бўлган уринишлар янада давом эттирилди. Бу соҳа Россиялик педагог олимларнинг диққатини ҳам жалб эта бошлади. ПТнинг ривожланиш тарихи Т.А.Ильинанинг илмий мақолаларида буржуа дидактикасининг йўналиши сифатида талқин этилсада, у биринчилар қаторида ўз ҳамкасбларини бу муаммо билан шуғулланишга даъват этади ва чет эл мактаблари ва педагогикасида бу соҳадаги янги ва қизиқарли нашрларнинг барчасини кузатиш фойдали эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу боисдан 80-йилларнинг охири, 90-йилларда ПТнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш Россияда кенг йўлга қўйилди. Академик В.П. Беспальконинг 1989 йилда нашр этилган "Слагаемне педагогической технологии" (5) китоби бу соҳадаги йирик тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, 80-йиллардаёқ Владимир Павлович томонидан ПТнинг илмий мактаби яратилган эди ва китоб муаллифи ҳам шу даргоҳда таҳсил олганлигини алоҳида фахр билан тилга олади: Устоз ғояси: "ПТ-амалиётга жорий этиладиган маълум педагогик тизим лойиҳасидир". Бугунги кунда ана шу концепция педагогик ҳамжамият томонидан тан олинди ва

олимлар томонидан таълимий технологияларни лойиҳалаш ва ривожлантиришда фойдаланиб келинмоқда. Фикримизнинг далили сифатида "Педагогика" журналича чоп этилаётган қатор мақолаларни келтириш мумкин [14; 16; 29].

Хўш, ПТ мамлакатимиз таълим тизимида, қолаверса, педагогик нашрларда илмий тушунча тарзда қачон пайдо бўлди? Шубҳасиз, янги соҳа 1997 йилда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида долзарб тадқиқот объекти даражасига кўтарилди ва ижтимоий буюртма сифатида юзага қалқиб чиқди. Шу билан биргаликда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бу муаммага қўл урилди, аниқроғи 1993 йилда "Халқ таълими" журналича чоп этилган мақолада биринчи марта ПТ тушунчаси моҳияти, унинг таърифи ва маълум педагогик тизим доирасидаги талқини ёритилди [20].

Бугун эса ПТ мавзуси бўйича мамлакатимизда назарий ва амалий конференцияларни уюштириш, вақтли матбуотларда мақолаларнинг тез-тез кўзга ташланиб туриши ижтимоий воқеликка айланиб бораётганлиги қувончлидир. 1997 йил май ойида Самарқанд Давлат университетида ўтказилган "Олий таълимнинг ҳозирги долзарб муаммолари" Олий ўқув юртлари аро илмий-методик конференциянинг ялпи йиғилишида "Педагогик технология: концептуал таҳлил" мавзусида маъруза қилинди [21]. Маърузада таълимни технологиялаштириш жараёни ижтимоий буюртма сифатида мавжудлиги эътироф этилди, ПТ таърифи, моҳияти ва тарихи ҳамда замонавий лойиҳаси методологик ёндашувлар асосида таҳлил қилинди.

ПТ муаммоларига оид олимларнинг фикрлари вақтли нашрларда, "Маърифат", "Учитель Ўзбекистана" каби газеталарда мунтазам равишда ёритилиб турибди. Демак, бу мавзу назарияси ва амалиёти кўп минг сонли аудиторияга кириб борапти, ўқитувчилар кунлик фаолиятларида улардан фойдаланаётганлиги маълум.

XXI асрга қадам қўйиш арафасида Г.К.Селевко томонидан ПТга оид йирик методик асар - ўқув қўлланма яратилди ва унда педагогик технологиялар таснифи келтирилади [24]. Олим ПТларни ўн икки турга ажратади:

1. Қўлланиш даражаси бўйича (умумпедагогик; хусусий предметли; локалли, модулли, тор педагогик).
2. Фалсафий асос бўйича (материализм, идеализм, диалектик метафизик инсонпарвар, ноинсонпарвар, антропософия, теософия, прогматизм, экзистенциализм, сционизм).
3. Рухий ривожлантиришнинг етакчи омиллари бўйича (биогенли, социогенли, психогенли, идеалистик).
4. Ўзлаштириш концепцияси бўйича (ассоциатив-рефлекторли, ривожлантирувчи, беҳевиористик гештальт-технология, суггестив, нейролингвистик).
5. Шахс тузилмасига йўналтирилганлик бўйича (информацион, операцион, ҳаяжонли-бадий, ҳаяжонли-ахлоқий, ўз-ўзини ривожлантирувчи, эвристик ва амалий).
6. Мазмуни ва тузилиш характери бўйича (таълимий ва тарбиявий, дунёвий ва диний, умумтаълим ва касбга йўналтирилган, гуманитар ва технократик турлича соҳавий технологиялар, хусусий предметли ҳамда монотехнологиялар, политехнологиялар).
7. Ташкилий шакллар бўйича (синф-дарс, муқобилли, академик, яқка тартибли, гуруҳли, жамоа бўлиб ўқиш усуллари, табақалаштирилган таълим).
8. Билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тури бўйича (маърузали классик ўқитиш; аудиовизуалли техник воситалар ёрдамида ўқиш; "маслаҳатчи тизим"; китоб ёрдамида ўқитиш; "кичик гуруҳ" тизими; компьютерли ўқитиш; "репетитор" тизими; "дастурли таълим" - В.П.Беспалько).
9. Болага ёндашиш бўйича (авторитар, дидактоцентрик шахсга йўналган технологиялар, ҳамкорлик технологияси, эркин тарбиялаш технологияси, эзотерик технологиялар).
10. Устувор методлар бўйича (репродуктив, тушунтириш - кўрсатиш, ривожлантирувчи таълим, муаммоли таълим, ижодий; дастурли таълим, диалогли, ўйинли таълим, ўз-ўзини ўқитиш таълими, информацион таълим).
11. Мавжуд анъанавий тизимларни янгилаш йўналишлари бўйича (муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосида; болалар фаолиятини фаоллаштириш ва

жадаллаштириш асосида; ташкиллаштириш ва бошқариш самардорлиги асосида; ўқув материалларни методик ва дидактик реконструкциялаш асосида; табиатан монандлик муқобиллик технологиялари; муаллифлик мактабининг ягона технологияси).

12. Тахсил олувчилар тоифаси бўйича (оммавий технология, олға одимловчи таълим, тўлдирувчи; ўзлаштирмовчилар билан ишлаш технологиялари, иқтидорлилар билан ишлаш технологиялари).

Бу таснифни келтиришдан асосий мақсад педагогларни ўтмишда қўлланилган, ҳозирги кунда жорий этилаётган ва келажак фаолиятда қўллаш мумкин бўлган технологиялар билан тўлиқ таништиришдир. Уларнинг кўпчилиги сизга мутлақо нотаниш эканлигига ҳам ишонамиз, бироқ бундан ташвишга тушишга ҳожат йўқ. Бу ҳақда Г.К.Селевконинг китобидан тўлиқ маълумотларни олишингиз мумкин (24). Таснифдан кўриниб турибдики, олимнинг ўзи ҳам ҳар доим илмий жиҳатдан асосланган ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлган технологияларни келтириш лозимлиги олдида ҳисоб беравермайди.

Шундай қилиб, ПТ концепциясининг ривожланиш тарихини кузатиш натижалари асосида бу соҳада сермашаққат изланишларни олиб бораётган тадқиқотчиларни фаолият даражаларига боғлиқ ҳолда шартли уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Баъзи "жонкуяр" олимларнинг ПТни педагогикадаги замонавий йўналиши, деб анъанавий ёндашишлари ва ўз имкониятлари доирасида муаммога илк бор қўл уришлари. Улар "тасодифий" гуруҳ вакиллари.

2. Таълимнинг бугунги ахволига қайғурадиганлар ва уни информатика инқироздан қутқарувчи куч технологиялаштириш, деб қарайдиган "қисман ижодкор" гуруҳига мансуб тадқиқотчилар.

3. Бу гуруҳ аъзолари технологиялаштиришни объектив жараён, деб ҳисоблайдилар ва янги сифатий муаммоларни ечиш учун таълимни эволюцион жараёнга кўтариш шартларидан бири эканлигини эътироф этган ҳолда ижод қилмоқдалар. Улар "илмий" гуруҳни ташкил этадилар.

Савол ва топшириқлар

1. Янги педагогик технология назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи қачондан бошланган?
2. XX асрнинг 70-80 йилларига келиб нима учун собиқ иттифоқ (СССР) ҳудудларида ўқитишнинг техник воситаларига бўлган эътибор ва қизиқиш кучайди?
3. Г.К. Селевко томонидан яратилган янги педагогик технологиялар таснифини биласизми?

1.3.Янги педагогик технология принциплари

Янги технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш маълум қонуниятларга асосланади. Бу асослар ПТнинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб беради. Бошқача қилиб айтганда уларни ПТ принциплари деб аташ мумкин.

Принцип - латинча "principium" сўзидан олинган бўлиб асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади. Дидактикада олимлар принципларни турлича талқин қилишади: педагогик фаолиятни йўлга соладиган дидактик ҳолатлар, тавсиялар (В.И.Загвязинский, Л.И.Гриценко), ўқитишнинг меъёрий асоси (М.А.Данилов), дидактика ва методиканинг барча саволларини ечиш учун умумий талаблар (И.И.Кобиляцкий), дидактик мақсадларга эришиш усуллари (И.Я.Лернер) ва ҳоказо.

Биз педагогик технология принциплари деганда лойиҳаланган ўқув-тарбиявий жараёнини амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар ва талабларни тушунамиз. Демак у ёки бу педагогик ҳодиса принцип бўлиши мумкин, бироқ; уни ўқув жараёнида ҳисобга олиш (риоя қилиш) зарур бўлса, яъни унга таянилса.

Олиб борилган аналитик-синтетик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ПТ принциплари дидактик принциплардан тубдан фарқ

қилади ва ўзида муҳим сифат кўрсаткичларни мужассамлаштиради. Дарвоқе, таълимнинг тарихий ривожланиш босқичларида ўқув-тарбиявий жараёни амалга ошира оладиган ПТ мавжуд бўлганми ёки бу феномен бугун пайдо бўлди? Бу саволга академик В.П.Беспальконинг жавоби қуйидагича: "Педагогик технология ҳар доим ҳар қандай ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида мавжуд, бироқ энг мақбул ўқитиш ва тарбиялаш технологиясини танлаш ва англаган ҳолда бошқариш педагогика фани ва мактаб амалиёти имкониятлари доирасидан четда қолябди"[5,176]. Аслида ҳам мактаб (олий ўқув юрти) амалиётида ПТнинг моддий ташувчилари китоблардан, техник воситалардан ва ўқитиш методикаларидан кўпдан буён фойдаланиб келинади ёки олдиндан режалаштирилган таълим-тарбия жараёни ўқитувчи фаолияти орқали амалиётга жорий этилябди. Шу билан биргаликда ПТ - бу қотиб қолган, қисувга олинган яланғоч лойиҳа эмас, балки таълим ва тарбия самарадорлигини белгилловчи қатор омилларни баҳолаш имконини бера оладиган ижодкорлик яратувчилик фидойилик фаолияти натижасидир.

ПТ принципларини аниқлашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади: 1) мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади; 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари; 3) таълим-тарбия жараёнини амалга оширадиган шарт-шароитлар.

Янги ПТни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳам тузилиш ҳам моҳият жиҳатдан яхлитлик принципига асосланади. Бу принцип технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимининг барча элементларини ўзаро таъсир остида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади. Яъни, таълим мақсадининг қатъиян аниқланиши (нега ва нима учун?), ўқув жараёни мазмуни (нима?), ташкилий шаклларни (қандай?), ўқитиш методлари ва воситаларини (нима ёрдамида?) саралаш ва танлашга кўмаклашиши, шунингдек, ўқитувчининг маҳорат даражасига боғлиқ ҳолда дидактик жараён самарасини аниқлашга имкон бериши керак.

Яхлитлик принципи педагогик технологияни ташкил этувчи элементлардан бирини янгилаб ёки ўзгартириб, қолганларига тегмасликни, қайта кўрмасликни инкор этади. Мисол учун, таълим мақсадини ўзгартириб, унинг мазмунини ёки ўқитиш жараёнини эскича қолдириш мумкин эмас. Нима учун бугунги кунда Республикамиз халқ таълими тизимида чуқур ўзгаришлар ва ислохотлар амалга ошириляпти?

Биринчидан, таълим-тарбия мақсади янгиланди эркин фикрлайдиган фуқарони, баркомол инсон шахсини шакллантириш зарур. Иккинчидан, бу ижтимоий буюртма ўз навбатида таълим мазмунини тубдан қайта кўришни, янги ўқув дарслик-лари ва дастурларини яратишни келтириб чиқаради. Учинчидан, таълим-тарбиянинг янги мазмуни ахборотларни ўқувчи(талаба)-ларга маълум вақт доирасида етказиш жараёнини тезлаштирувчи воситаларни талаб этади. Ана шу ваздан янги педагогик ва ахборот технологияларини яратиш президентимиз томонидан олимларимиз олдида кўндаланг вазифа қилиб қўйиляпти. Педагогик фаолият юргизаётган ҳар бир шахс бу муаммоларни тўғри англаб олиши ва таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндашишлари зарур.

ПТ **мақсадли** таълим-тарбия жараёнини тавсифлайди. Агар анъанавий педагогикада мақсад муаммосига назариячилар ва амалиётчилар кам эътибор қаратишган бўлса, ПТда бу марказий муаммо ҳисобланади ва унинг икки жиҳати амалда ажратилиб кўрсатилади: 1. Ташхисланадиган мақсадли таълим ва ўқув материални ўзлаштириш сифатини объектив назорат қилиш. 2. Умумий ҳолда шахсни ривожлантириш.

ПТ ўқув-тарбиявий жараёни олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани синф (аудитория)да амалга оширишни кўзда тутди. Шу боисдан ПТнинг муҳим принципи - бу бўлажак ўқув-тарбиявий жараёни **олдиндан лойиҳалаш** принциpidир. Тўғриси айтганда ҳамма ҳам лойиҳа муаллифи бўлавермайди. Ўқитувчи бу шарафли ном-"педагог-технолог" соҳиби бўлиши учун шу китобда кайд этилган дидактик масалалар ва уни ҳал этиш технологияларини лойиҳалаш қонуниятлари билан чуқур таниш бўлиши керак. Бу эса, табиийки,

ўқитувчидан ижодкор фаолиятни талаб этади. Лойиҳаланган технология дарс мавзуга ажратилган вақт доирасида жорий этилиши лозим. Ўқув вақти ПТни олдиндан кўришда муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва ўқитувчи уни ҳисобга олиши шарт. Лойиҳаланаётган дидактик жараён синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасига мос келиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши жуда муҳимдир. Шундагина **якуний натижа** қўлга киритилади.

Якуний натижанинг **кафолатланиши** ПТнинг яна бир муҳим принциpidир. Бу тушунча аслида нисбий ҳарактерга эга, чунки тузилган технология амалга оширилгач, яхшими ёки ёмонми, ҳар қалай маълум натижалар бўлиши ўқувчиларнинг ўқув материалларини турли даражада ўзлаштириб олишлари табиий. Бироқ бу ерда якуний натижа тасодифий ва паст кўрсаткичга эга бўлади. Гап мавжудлик алгоритмининг (Ма) кейинги икки босқичида кетяпти: назорат қилувчи ҳаракат (Нх) дидактик жараённинг натижавий якунини аниқлаб беради ва тузатиш амали (Туз) ўқувчиларнинг паст ўзлаштиришига сабаб бўлаётган дидактик жараён хатоларини йўқотиш усулларини кўрсатади. Хўш, якуний натижа қайси саҳтда бўлиши керак?

Бу саволга жавобни ПТнинг жуда муҳим принципи-ўқитишнинг тугалланганлик принципи жавоб беради. Ўқувчининг тажрибаларни ўзлаштириш сифати (α) ўзлаштириш коэффиценти (K_α) билан аниқланишини таъкидлаган эдик. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, агар $K_\alpha \leq 0,7$ бўлса ўқитиш жараёни якунига етган, тугалланган деб ҳисобланади ва кейинги ўқув мавзусини ўрганишга киришиш мумкин, Агар $K_\alpha \geq 0,7$ бўлса ўқувчилар билан янги мавзунини ўрганиш фақат "ўзлаштирамовчилар" сонини кўпайтиради. Шу ўринда қуйидаги ҳолатга алоҳида тўхталиш лозим. Мамлакатимиз ўқув юртларида ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати - $K_\alpha \geq 0,55$ бўлса, яъни ўқув материалининг 55 фоизи ўзлаштирилса "қониқарли" деб ҳисобланапти. Фикримизча, бу кўрсаткич таълим тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичлари учун етарлидир. Сабаби узоқ йиллар давомида шаклланган эски таълим тизими совет педагогикаси инкирозга юз тутди ва мамлакатимизда миллий таълим модели яратилди. Унинг келгусидаги ижобий "портлаш эффекти" прези-

дентимиз томонидан илмий асосланди. Ана шу "эффект" натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифати ҳам ошиб бораверади ва келажакда ривожланган давлатлар даражасига кўтарилади. Демак K_{α} ўзгарувчан қийматга эга бўлиб, турли давлатларнинг ижтимоий-сиёсий соҳасидаги туб ўзгаришларни ҳисобга олади. Мисол учун, америкача бихевиорстик концепцияда "муваффақият қонуни" мавжуд бўлиб, ўқувчилар 95 фоиз саволларга тўғри жавоб берсагина таълим муваффақияти тўғрисида фикр юритилади.

Замонавий ишлаб чиқариш ўзида эгилувчан автоматлаштирилган тизимни мужассам этганлиги билан ажралиб туради. Бугун янги технологиялар алмашувчанлик хусусиятига эга: зарурат туғилса янги маҳсулот турига мос ҳолда ишчи ўринлар қайта жиҳозланиб, технологик жараён тузилмаси зудлик билан ўзгартирилади. Технологиянинг бу сифат кўрсаткичи эгилувчанлик деб юритилади.

Эгилувчанлик янги ПТларга хос асосий принцип ҳисобланади ёхуд у ПТнинг қўлланиш соҳаларини таълим мазмуни хажмига мос ҳолда бирмунча кенгайтиради. Гап шундаки, у ёки бу мавзу бўйича лойиҳаланган технология ҳеч бўлмаганда фан бўлимлари чегарасида эгилувчанлик хусусиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчида кам куч ва кам вақт сарфи эвазига фан мавзулари бўйича дидактик жараён тузилмасини ташхисли мақсадга мувофиқ тарзда алмаштири олиш ёки қайтадан лойиҳалаш имкони мавжуд бўлади. Мисол учун, физика фанининг "Куч" мавзуси бўйича лойиҳаланган технология аниқ ўрнатилган мавзу мақсадига мувофиқ кичик ўзгаришлар билан "Иш" мавзуси учун ҳам қўллаш имкони бўлса, шубҳасиз, лойиҳа муаллифи эгилувчанлик принципига таяниб иш кўрган бўлади. Эгилувчанлик принципи асосида яратилган ПТлар таълим босқичларининг турлари учун ҳам қўл келади. Бу ерда фан дастури мавзулари бўйича ЎЭ сони ва уларнинг мазмуни хажм жиҳатидан ўзгаради, холос. Бу фикрни мисол ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Маълумки, кимё фани тегишли бўлган барча таълим муассасаларида (умумий ўрта мактаб академик лицей, касб-хунар коллежи, олий мактаб) ўқитилади. Шу

фаннинг "Кислоталар" мавзуси бўйича олий мактаб талабалари учун лойиҳаланган технологияга қисман ўзгартиришлар киритган ҳолда умумий ўрта мактаб ўқувчилари учун ҳам қўллаш мумкин. Бу ерда ўқув материалининг ҳажми (Q) ва ўқувчиларнинг юкланганлик коэффиценти (ε) ҳисобга олиниши керак.

Шундай қилиб, ПТнинг эгилувчанлигини таъминлаш ўқитувчидан дидактик жараёни кўриш қонуниятлари билан чуқур таниш бўлишни тақозо этади.

Янги педагогик технологиянинг сифат кўрсаткичлари нималардан иборат? У бошқа соҳа технологияларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади? Ана шу саволларга жавоб топиш учун кўплаб педагогик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилишга тўғри келди ва натижада бу кўрсаткичларнинг асосий мазмуни аниқланди:

1) Замоनावийлик: Таълим амалиётига илмий асосланган ва тажрибада текширилган дидактикага оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб-қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлиги Миллий дастур ғоясидир. Аслида ҳам таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фан-техника янгиликлари билан тавсифланади. Педагогик жараёнда сусткашликка, ҳаракатсизликка йўл қўйиш мумкин эмас, акс ҳолда таълим инкирозга учрайди. Шу жиҳатдан олганда таълим мазмунини узлуксиз янгилаб бориш янги ПТнинг жиддий шартларидан биридир. Бу йўналишда олиб бориладиган ишлар, биринчи навбатда, ўқув дастурларидан таълим-тарбиявий аҳамияти кам бўлган тарихий материалларни чиқариб ташлаш мақсадини белгилайди. Бу ҳаракатлар ўқув предметини шундай тасаввурлаш имконини берсинки, натижада ўқувчиларда у ёки бу фан тўғрисида мантиқий хулосалар шаклланиши, ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнини енгиллаши, эгалланган билимларни амалиётга қўллаш имкониятлари вужудга келсин. Ўқув материалларини тизимлаш фанлараро алоқаларни ҳам тифизлаштиришга, ихчамлаштиришга имкон бериши билан биргаликда баъзи бир ўқув ҳаракатларининг автоматлашувига ҳам замин яратади, ўқув вақтини тежашга, ўқувчилар ўзлаш-

тириши зарур бўлган билим ва кўникмалар ҳажмини камайтиришга олиб келади.

2. Илмийлик таълимнинг дидактик масалаларини белгилашда фаннинг абстракция поғоналаридан (3) тўғри фойдаланиш ҳисобига эришилади. Ўқитиш назарияси ва ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш техникасини доимий равишда ривожлантириш шарт. Шундагина замонавий таълим тўғрисида ижобий фикрлар айтиш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия жараёнини узлуксиз тадқиқ қилишни, унинг натижаларини амалиётда қўллаш зарурлигини кўзда тутди.

"Ўқитиш технологияси - бу таълимни илмий асосда такомиллаштириш синоними ёхуд **илмийлик** биринчи галда у ёки бу ечимнинг қиммати тўғрисидаги хусусий фикрга эмас, балки қабул қилинаётган ечимларнинг илмий далилларга таянишини белгилайди" [31].

3. Ўқув жараёнини мақбуллаштириш - кам куч сарфи эвазига ўқитувчи ва ўқувчи(талаба)нинг ўқитиш мақсадига эришишдир. Бу эса таълим жараёни учун энг мақбул шароит яратишни, лойиҳаланаётган дидактик жараён босқичларига мос ҳолда ўқитиш методларини, шакллари, техник воситаларни танлаш белгиланган мавзу мақсадига мувофиқ тарзда ва ўқув вақти миқдорини ҳисобга олиб амалга ошириш кераклигини талаб этади. Албатта, бу талаб ўқитиш жараёни қаерда кечаяпти, ўқитувчининг касб маҳорати, имкониятлари қандай, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига таълим мазмуни тўғри келади-ми, деган қатор саволларга ҳам жавоб топиш кераклигини ўқтиради (Ю.К.Бабанский).

4. Ўқитувчи ва ўқувчи(талаба)нинг дастурли фаолияти ўқув жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва пировард натижада-кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. Дидактик жараённи лойиҳалашда ўқитувчи "технолог" сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ ўрганиши, ўтилаётган ўқув материалларни мазмунини саралашда ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини (а), фанни баён қилишнинг илмий тилини (Р) ҳисобга олиши керак

ва нихоят, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараёни ташкил этади. Бу кўрсаткич талабга мос ҳолда ўқув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман ўқув жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг таълим мақсадига мос келишини чамаламасдан, шунингдек, ўқитиш давомида юзага келадиган ноқулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб ўқув жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

5. **Ахборот технологияси ва техник воситалар** самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий ПТнинг энг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда ўқув-тарбиявий жараёни бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Бироқ ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение)дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

а) ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзунини аниқлайдиган дидактик материалларни ишлаб чиқиш;

б) ўқитувчиларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараёни компьютерлаштириш истиқболли йўналишлардан бири ва ПТнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

6. **Ўқув жараёни учун замонавий моддий-техник базанинг** мавжуд бўлиши ПТнинг навбатдаги сифат белгисидир. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун янги база яратиш, унинг таркибий тузилишини лойиҳалаш ҳам назарий ва эмперик тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Мисол учун, қувватли техник-технологик воситалардан фойдаланиш архитектурага оид қатор ечимларни ўқув биноси лойиҳаланаётгандаёқ ҳисобга олишни ва тегишли қулай шароитлар (иқлим, ёруғлик, мебел, ва бошқа) билан таъминлашни

тақозо этади. Демак, аудиториядан тортиб то нашриёт базасига таълим воситалари таркибига кириб, уларсиз замонавий технологияларни тасаввур қилиб бўлмайди.

7. Ўқув-тарбия жараёни натижаларини **объектив назорат қилиш ва сифатли баҳолаш** ПТнинг ўз олдига қўйган натижавий мақсадидир. Маълумки, жаҳон педагоглари уюшмаси томонидан тан олинган икки назорат тури мавжуд: **субъектив** ва **объектив**. Субъектив усулда билим ва кўникмаларни текшириш ўқувчи(талаба) олдига қўйилган саволга олинадиган жавобни эшитишдан ҳосил қилинган таассурот остида ўқитувчи амалга оширилади ва ўқувчи жавоби ҳеч қандай ўлчов ва сифат мезони билан таққосланмайди. Мисол учун, имтихон саволларига оғзаки жавоб беришни баҳолаш ёки ёзма ишларни текшириш субъектив назоратдир, сабаби баҳолаш сифатининг объективлигига қўйилган талаблар олдиндан шакллантирилган ўлчов билан солиштирилмайди.

Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг объектив усулида ўқитувчи ўз ҳукмини ўқувчининг жавоби (ёки амалий ҳаракати)ни белгиланган таълим мақсадига мос ҳолда маълум усуллар ёрдамида аниқланган сифат мезонларини акс эттирувчи ўлчовлар билан солиштириш асосида қабул қилади. Субъектив назорат қилишда нафақат мулоҳазалаш ва баҳолаш аниқлиги йўқолади, балки бўлажак мутахассис шахсини шакллантиришда тузатиб бўлмайдиган зиён етказиш мумкин. Мисол учун, ўқувчида баҳога нисбатан нигислистик (баҳонинг тўғри қўйилганини инкор этиш) ёндашишни юзага келтириб чиқариш мумкин. Афсуски, қатор йиллар давомида биз ўқувчилар билимини субъектив усулда назорат қилиб келдик. Бу эса, табиийки, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳар доим ҳам ижобий муносабатларни шакллантиришга кафил бўла олмайди.

Тест объектив назорат қилиш усули бўлиб, бугун амалиётда кенг қўлланиляпти. Тестга қатор талаблар қўйилиб, уларнинг ичида асосийлари: мослик (адекватлилик), оддийлик, аниқлик ва муайянликдир.

Мослик. Тестнинг мослиги дейилганда тест топшириқларининг ўқувчи(талаба)лар эгаллаши зарур бўлган билимлар

мазмунни ва маъноси билан тўлиқ равишда ва аниқ мос келиши тушунилади. Тестнинг мазмунан мослиги дастлаб назарий таҳлил (экспертиза) орқали, сўнгра эса экспериментал усулда текшириб кўрилади. Назарий таҳлил давомида тестнинг мазмунни ўқув дастури ва ўқув қўлланмаси билан таққосланиб, унинг тўғри ёки нотўғри тузилганлиги ҳақида ҳулосага келинади. Бу борада ўқитувчи фаоллик кўрсатиб, ҳар бир фандан тузилган тестни комиссия кўригидан ўтказиши керак. Акс ҳолда тест мослик талаби чегарасидан чиқиши мумкин.

Аниқлик. Тестни лойиҳалашда уларнинг аниқлик даражасига алоҳида эътиборни қаратиш керак. Ўқувчи(талаба) тестни ўқиши билан дарҳол қайси фаолиятни бажариш зарурлигини, қандай билимларни ва қайси ҳажмда намойиш қилиш чегарасини чуқур англаб олиши керак. Тестнинг аниқлик даражасини таъминлаш учун улар кетма-кет серияли экспериментлар ёрдамида текширилиб кўрилади.

Оддийлик. Бу талаб тест мазмунида мумкин қадар топшириқларнинг ифодаланиши фаолият турига қараб содда ва тўғри чизиқли ҳолатда бўлишини эътироф этади. Бунинг учун тест топшириқлари маълум доира чегарасида ечилиши мумкин бўлган масалалардан ташкил топиши керак. Агар бир топшириқнинг ўзида ечимини кутаётган бир нечта масалалар мавжуд бўлса, у ҳолда биз ўқувчи учун сунъий ҳолда қийинчилик туғдирамиз. Чунки улар тестдаги барча саволларни англаб олиш ва уларни хотирасида доимо сақлаб туриши керак улардан бирига жавоб бера бориб, бошқаларига ҳам жавоб беришни унутмаслиги керак. Агар ўқувчи номаълум сабабга кўра саволларнинг бирини унутса ва унга жавоб бермаса, бу ҳол унинг билимини нотўғри баҳоланишига сабаб бўлиши мумкин, аслида сабаби эътиборсизлик бўлишига қарамай. Яхшиси, тестларни ечишда ўқувчилар фаолиятини тааллуқли бўлмаган саволлар билан чалғитиш ва мураккаблаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Уларга оддийлик талабига жавоб бера оладиган кетма-кет тест таклиф этилгани маъқул.

Муайянлик. Тестга қўйилган бу талаб унинг бажарилиш сифатини барча экспертлар (имтиҳон олувчи, мутахассис ва ҳ.к.)

томонидан баҳолашда қарама-қаршилиқлар юзага келмаслиқни тақозо этади. Бу деган сўз тест таркибида ишончли ишлов беришга имкон бера оладиган аниқ ва ўзгармас натижа олиш мумкин бўлган топшириқлар алоҳида ажратилиб кўрсатилиши керак. Шунинг учун тестни тузишда маълум фаолиятни акс эттирадиган топшириқни ифодалаш билан чегараланмасдан, балки ўзида ўлчов тизими ва баҳолаш сифатини мужассамлаштира олган эталонни ишлаб чиқиш керак. Ўқувчининг фаолиятини бажариш сифати ҳақида хулоса чиқарувчи бундай бўлинмалар тестнинг муҳим (жиддий) амаллари дейилади. Умуман тест амали деганда синалувчининг тест шартига биноан уни ечишда бажарган алоҳида ҳаракати тушунилади. Жиддий амаллар эса маълум предмет бўйича ўқувчи билимини текширишнинг мақсадини аниқ ифода этувчи амаллардир. Тестнинг бу амаллар сонини ажратиш ва ҳисоблаш учун уларни тез топиш мақсадида эталонда турли усуллар билан белгиланади (тартиб рақами билан белгилаш, ажратиб кўрсатиш, қавс ёрдамида ва ҳ.к.)

Ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнини объективлаштириш мақсадида тест топшириқларини юқорида тилга олинган талабларни ҳисобга олган ҳолда **табақалаштириш** зарур. Фақат шу йўл билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Табақалаштиришда ҳар бир ўқувчининг маълум фан бўйича ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади. Биз олиб борган илмий тадқиқотларда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси тўрт синфга бўлинди (бу фаолият даражаларига мос келтирилган сондир) ва шунга мос ҳолда тест топшириқлари ҳам табақалаштирилади.

Биринчи даражали тест - номахсул фаолиятни ифодалайди.

Иккинчи даражали тест - алгоритмли фаолият.

Учинчи даражали тест - махсулдор эвристик фаолият.

Тўртинчи даражали тест - махсулдор ижодий фаолият билан тавсифланади.

Топшириқларни табақалаштиришда бир неча кўрсаткичлар эътиборга олиниши керак. Жумладан, топшириқ ҳажми (чизма

ишнинг, математик ҳисоблашнинг салмоғи, саволлар сони ва ҳ.к.); уни бажариш учун зарур бўлган фикрлаш фаолиятининг тури (олдиндан маълум бўлган маълумотларни қайтариш, одатдаги шароитда билимларни қўллаш, ўқув муаммосини ечишнинг янги усулини топиш ёки қўшимча адабиётлардан янги маълумотларни олиш); дастурлаштирилган жавобларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги. Дастлабки икки гуруҳ тести шу билан фарқланадики, топшириқларни бажариш учун номахсул фаолият талаб этилади холос. Учинчи ва тўртинчи синф тестларини ечиш учун эса ижодий ҳарактерга эга бўлган фикрлаш фаолиятини, яъни ижодкорликни намоён қилиш зарур. Бундан ташқари биринчи ва иккинчи даражали тест топшириқлари мураккаблиги жиҳатидан кам фарқланадиган масалалардан иборат бўлиши мумкин.

Ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолашда автоматлаштирилган назорат воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш ПТнинг шуғулланиши лозим бўлган йўналишидир. Бу борада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Давлат Тест Маркази катта тажрибаларни тўпламоқда ва ўз ахборотномаларида улар билан кенг китобхонлар оммасини таништириб бормоқда.

Шундай қилиб, бу фаслда биз ПТнинг асосий принципларини ёритишга ҳаракат қилдик. Янги ПТ ўзининг педагогика ва қатор бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ, бўлган хусусий назариясига эга бўлиб, у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда қуришга йўналтирилгандир. Ўқитишнинг ахборотли воситаларидан, дидактик материаллардан, фаол методлардан самарали фойдаланишга асосланган ўқитувчиларнинг дастурли фаолиятига педагогик технология замин яратди.

Олий педагогик таълимда интеграл технологиялар. Республикамизда олий таълим тизими янги ривожланиш поғонасига кўтарилди: икки босқичли таълим бакалавриат ва магистратура фаолият кўрсата бошлади; давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди; талабаларнинг мустақил билим олишини якка тартибда амалга ошириш жорий этиляпти, таълим мазмунида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ўз аксини тобора кўпроқ

топмоқда; профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга эътибор кучайтирилганлиги алоҳида таҳсинга лойиқ.

Ўқув-тарбиявий жараёни ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш, унинг иштирокчилари-ўқитувчи ва талаба (магистр) фаолиятини "субъект-субъект" қонуниятлари асосида ташкил этиш зарурати бугун барча олий ўқув юртлирида педагогика ва психология фанларини ўқув режасига киритиш лозимлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Галдаги вазифа - бу фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш, инновацион педагогик фаолиятнинг сиру-синоатларини тадқиқ қилиш асосида амалий хулосаларни қўлга киритишдир. Зеро, кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамиятни тўлиқ, педагоглаштириш муаммосини кун тартибига қўяётгани назардан четда қолмаслиги керак.

Ўзбекистонда шахс манфаати ва таълим устуворлиги эътироф этилган бир даврда педагогика фани эркин шахсни шакллантириш қонуниятлари, ёшлар шахсини ҳаётга мослаштиришнинг шакл ва методлари, мазмуни ва принципларини ўрганади. Эндиликда педагогика ўз предмети, фанлар билан алоқаси, педагогик билимлар тизими ва уларнинг мантикий тузилмаси, назарий педагогик билимларни тарбияга, таълим амалиётига қўллаш масалаларига доир муаммоларни қайтадан янгича талқинда қўймоқда. Демак педагогикада тадқиқотларнинг долзарблиги, бир томондан, жамият эҳтиёжи ўқув-тарбия тизимини янада ривожлантириш билан, бошқа томондан, педагогик билимларнинг янгиланиш ва ривожланиш даражаси билан белгиланар экан.

Бугунги кунда педагогик назария ва амалиёт муаммоларини тадқиқ қилиш технологик ёндашув асосида олиб борилиши лозим. Педагогика мутлоқ технологик фандир ва у таълим доирасининг барча қатламларини қамраб олади.

Педагогика фани предмети жамият эҳтиёжи ва ривожланаётган шахс қизиқишига ҳамоҳанг тарзда сунъий тарбиявий жараёни кўриш қонуниятларини ўрганади ва уни изчил амалга оширади. Ана шу сунъий тизим "Педагогик тизим", унда кечади-ган жараёнлар эса "Педагогик технология" деб аталади. Педаго-

гик тизим ташқарисида ҳеч қандай мақсадли таълим-тарбия жараёни кечмайди ёки педагогик технология - бу амалиётга жорий этиладиган педагогик тизим лойиҳасидир. Бу тизимни такомиллаштириш, асосан, қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

- дидактик бирликларни йириклаштириш;
- ўқитиш натижаларни олдиндан белгилаш, режалаштириш;
- таълим жараёнини психологиялаштириш;
- компьютерлаштириш.

Бугунги кунга келиб, шубҳасиз, бу йўналишлар бўйича маълум ютуқларга эришилди. Агар бу йўналишлар аниқ таълим-тарбия мақсадини ечишга қаратилган ҳолда яхлитлаштирилса ёки интеграл ҳолатга келтирилса, бу амал натижасида кучли технология вужудга келади. Бу технология интеграл технология деб аталади ва юнонча сўз бўлиб, "бир бутунлик", "узлуксизлик" маъноларини англатади. Интеграл технологиялар учун янги машғулоти шакли семинар практикум яратилади. Унинг мазмуни: машғулоти ўтказиш учун талабалар кичик гуруҳларга бирлашади ва ҳар бир гуруҳ, чегараланган вақт давомида бажара оладиган топшириқ, олади. Ана шу топшириқни олгандан бажаришга киришадилар ва бунда таълим-тарбия жараёни объектини тўғри танлаш жиддий аҳамият касб этади. Объект обдон тадқиқ, қилинган, натижалари бўйича кичик гуруҳлар "ҳисоб" берадилар, яъни машғулоти "публик ҳимоя" кўринишида ташкил этилади. қарабсизки, талабалар ўз-ўзини ўқитиш, баҳс, мунозара, мавқеини мустаҳкамлаш орқали ўқув мавзуларини чуқур ўрганадилар ва шу тарзда якуний натижа таъминланади.

Савол ва топшириқлар

1. Янги педагогик технология принципларининг моҳияти нималардан иборат?
2. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларнинг сифат кўрсаткичларини тушунтириб беринг.

3. Тест технологияси ва тестга қўйилган асосий талаблар бўлган мослик, оддийлик, аниқлик ва муайянликни тушунтириб бера оласизми?
4. Олий таълимда интеграл технологиялар ва унинг ривожланиши ҳамда такомиллаштириши ҳақида фикрингиз?

II БОБ. ДАРС ЎТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДИК, ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

2.1.Махсус фанларни ўқитишда дарс ўтишнинг усул ҳамда услублари ва педагогик технология

Педагогик фаолият ўзининг таълим узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг бирламчи асоси бўлган дарсдан фойдаланишлигини ҳам билдик. Дарс ҳақиқий бўлиб ҳисобланиши учун унда талаба, педагог, меъёрий хужжатлар, дарснинг техник воситалари ҳамда ўқитишнинг усул ва услублари бир нуқтада мужассам бўлишлиги шартлигини ҳам эслайлик.

Усул ва услубларнинг методик таърифи билан илгари танишган эдик. Энди бу категорияларнинг педагогикада қўлланиши ва педагогик усуллар тизимини, шу жумладан, технологиялаштирилган вариантини ҳам кўриб чиқамиз.

Педагогикада ўқитиш усули деб, таълимий мақсадларга эришишда қўлланиладиган педагогик чора-тадбирлар йиғиндига айтилади. Ваҳоланки бошқа фаолият соҳаларида буни услуб деб номлайдилар.

Педагогикада яна методика деган тушунча мавжуд. Бу тушунча, таълимий мақсадга эришишда қўлланиладиган педагогик чора, тадбир ва усулларини қўллаш йўриқномаси сифатида тушунилади.

Педагогикада усул атамаси устида бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Чунончи, усулларни педагогик қўллайдиган бўлса ўқитиш усули, талаба қўллайдаган бўлса, ўрганиш усули дейилади. Ўқитувчи ва талабаларнинг билим эгаллаш мақсадида биргаликда қўллайдиган усулларни маърифий усуллар дейилади. Усул ва услублар юзасидан бошқача фикрлар ҳам бор.

Ҳар бир таълимий усулни бир бутунлик (мажму) деб билиб, уни ташкил қилувчи унсурларни таҳлил қилиб чиққанда, уларнинг ҳар бири услуб (приём) бўлиб чиқмоқда. Эътибор беринг, услубнинг фалсафий талқинида, мақсадга етишишда қўлланиладиган усуллар тизими услуб деб айтилган. Педагогикада унинг акси бўлиб чиқмоқда. Яъни педагогик мақсадга эришишда

қўлланиладиган усулнинг бир унсури педагогик услуб бўлмоқда. Бу тушунчалар педагогика илм фанида анъанавий қўлланиб келинганлиги учун, биз ҳам шунга бўйсуниб, педагогикада қабул қилинган тушунчалардан фойдаланамиз.

Таълимий усул мураккаб, кўп поғонали, кўп қиррали диссептив, очик, қайтарилувчан марказлашаган ижтимоий мажму бўлиб, дарс жараёнини амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Педагогик усулларда, таълим жараёнида объектив мавжуд бўлган қонуниятлар, таълим мақсади, мазмуни тамойиллари ва таълим беришнинг шакллари ўз ифодасини топган бўлади. Таълим-тарбия усуллари дидактиканинг барча тамойиллари (принциплари) ўз ифодасини топган экан, улар ўзаро функционал боғлиқ бўлиб, таълим усуллари ўзгариши билан дидактика принциплари ҳам такомиллаша боради ва бутун узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг такомилига ўз таъсирини ўтказади.

Педагогик усуллари таркибида **объектив ва субъектив** услублар деган қисмлар мавжуд. Педагогик усулнинг таркибидаги объектив услубларга, ҳамма усулларда истисносиз ва домий равишда ҳукм сурадиган қонуниятлар қонун ва қоидалардан ҳамда таълимий мақсад, мазмун ва шаклидан келиб чиқувчи услублар киради. Субъективларига ўқитувчи ва педагогнинг шахсий сифаталаридан, ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамда ўқув жараёнининг ўзига хос хусусияти ва шароитидан келиб чиқувчи услублар киради.

Ҳар қандай педагогик усулни шакллантиришда, албатта, объектив услубларга суянилади. Ҳеч қачон субъектив услубларга кенг ўрин берилмаслиги керак. Объектив услублар билан субъективларининг орасидаги муносабатларни оптималлаштириш устида доимий тортишувлар бўлган ва бўлиб келмоқда. Педагогик усулларни ривожлантириш учун, албатта, субъектив услублар билан улар бойитиб борилиши керак аммо бу ҳаракат меъёридан ошиб кетмаслиги лозим. Айнанан субъектив услубларни яратиш ва улардан педагогик амалиётда фойдаланиш педагогнинг ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишганининг белгиси ҳисобланади.

Объектив услублар билан субъективлари орасидаги нисбатни мувозанатда ушлаш жуда қийин. Чунки педагогик усул ўқитувчи ва педагогларнинг дарс беришдаги асосий қуроли бўлиб, ўқитувчи режалаштирган мақсадни, мақсадга эришиш чора-тадбирларини, қўйилган мақсаддан келиб чиқиб ва ечилиши шарт бўлган масалалар тизимини, таълим-тарбия жараёнининг мантиғини, ахборот манбаларини, ўқитувчининг маҳоратини ва бошқа қўплаб нарсаларни ўзида ифодалаши керак.

Кўриб турганимиздек, педагогик усул кўп қиррали ижтимоий борлиқ, унга таъриф берганда, унинг ҳамма томонларини ифодалаш қийин. Шунинг учун унга қуйидагича қисқа таъриф бериш мумкин. Педагогик усул бу таълимий мақсадга эришиш йўлидаги ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликда қиладиган ҳаракатларининг тартиби.

Педагогик усул кўп қиррали бўлгани учун ҳам уни гуруҳлаштирганда истаган жабҳасини асос қилиб олса бўлади. Шунинг учун ҳам педагогик усулларни турларга ажратганда, албатта, педагогик амалиёт талабларидан келиб чиқишлик тўғри бўлади.

Қуйидаги педагогик усуллар таснифларининг баъзи бирларига эътиборингизни қаратамиз.

1. Анъанавий тасниф ўзининг илдизи билан қадимий фалсафий ва таълимий тизимларга бориб тақалади. Шу кунда бу таснифнинг замон талабидан келиб чиқиб, такомиллашган варианты мавжуд. Бу типдаги тасниф ўзига асос қилиб билим манбаларини олган. Билим манбаларига қуйидагилар киритилган: амалиёт ва кўргазмалар (эмпирик билимлар манбаи); оғзаки сўз ва китоб (назарий билимлар манбаи), ахборот технологиялари видео, телевизор, компьютер ва интернет тармоқлари (ҳам кўргазмали, ҳам назарий, ҳам эмпирик билимлар манбаи). Бу тасниф орқали усуллар беш тоифага ажратилган: амалий, кўргазмали, оғзаки, китоб билан ишлаш ва виртуал (видео, компьютер, интернет).

Бу усулларнинг ҳар бирининг ўзини намоён этиш услублари бор.

2.Белгиланган мақсадга қараб таснифлаш. Бунда, дарс босқичларининг кетма-кетлиги умумий асос қилиб олинган. Уларда қуйидаги усуллар ажратилган: билим эгаллаш; кўникма ва малакалар ҳосил қилиш; билимни амалиётда қўллаш; ижодий фаолият; мустаҳкамлаш; билим, кўникма ва малакаларни текшириш жадал ёзилади.

3. Билим фаолиятининг турига қараб усуллар қуйидагиларга ажралади: ахборот-рецептив ёки иллюстратив тушунтириш: репродуктив; муаммоли баён; эвристик ёки ярим тадқиқот ва тадқиқот. Бу турдаги усуллар билиш фаолиятининг кучланишига қараб гуруҳлаштирилган. Бунда усул, ўқувчи ўқитувчи ҳамкорлигида билим олиш жараёнидаги фаолиятида тафаккурини қанчалик ишлатиши билан изоҳланади.

Агар ўқитувчи томонидан ташкил қилинган билиш фаолияти, унинг берган билимларини эслаб қолиш ва уларни қайта айтиб бериш билан боғлиқ бўлса, унда ўқувчилар ақлини фаол ишлатмай, хотирасини ишга солиб, ёд олиш билан чекланадилар. Бундай усул репродуктив усул дейилади. Агар ўқитувчи талабалар тафаккурини юқори куч билан ишлашга мажбур қиладиган усулларни қўлласа, улар ярим тадқиқот ва тадқиқот усуллари дейилади.¹

Ахборотли-рецептив усуллар қуйидаги белгилар билан изоҳланади:

- 1)Ўқувчи ва талабаларга билимлар тайёр ҳолда берилади;
- 2)Ўқитувчи турли услублар билан бу билимларни қабул қилиб олишни таъминлайди.
- 3)Талабалар бу билимларни ўзлаштириб (рецепция), уларни тафаккуридан ўтказиб, хотирасида сақлайди.

Бундай усулларни қўллаганда барча ахборот манбаларидан фойдаланилади (сўз, кўргазмалилик ва хоказо). Баён қилиш жараёнида мантиқнинг индуктив йўли билан бир қаторда дедуктив йўлидан ҳам фойдаланилади.

Репродуктив усулнинг қуйидаги белгилари мавжуд:

- 1) ўқувчи ва талабаларга билим тайёр ҳолда берилади;

¹ Б.Зиёмуҳаммадов. Педагогик маҳорат асослари. Т. “ТІВ-КІТОВ” нашр, 2009 йил, 149-бет.

2) ўқитувчи билимни берибгина қолмайди тушунтириб беради;

3) ўқувчи ва талабалар тушунган ҳолда билимларни ўзлаштирадilar ва хотираларида сақлайдилар. Уларнинг ўзлаштирганлик даражаси, берилган маълумотларни тўғри айтиб бериши репродуктив билан изоҳланади;

4) пухта ўзлаштиришига кўп маротаба қайтариш йўли билан эришилади.

Бу ва бундан олдинги айтилган ахборотли-рецептив усулларнинг афзаллиги ҳамда кенг қўлланишининг сабаби, уларнинг тежамкорлиги билан белгиланади. Бу усуллар орқали кам вақт ичида кам куч сарфлаб, кўп билимни ошириб берса бўлади.

Инсон фаолияти ё репродуктив (билган йўлдан оғишмай уни айнан қайтариш), ёки ижодий (мақсадга етиш йўлини ўзи излаб топади) бўлиши мумкин. Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар қандай ижодий ҳаракатдан олдин репродуктив ҳаракатлар бўлади. Шунинг учун бу усулни менсимаслик жоиз эмас. Аммо, уни қўллашга ҳам қаттиқ берилиб кетмаслик лозим. Энг яхшиси, репродуктив усул билан бир қаторда бошқа усуллардан ҳам бирдай фойдаланиш яхши самара беради.

Муаммоли баён усули оралик усул ҳисобланиб, кўп қорилардек ёд олиш ва уни айтиб беришдан, мустақил фикр юритишга ўтиш учун хизмат қилади. Болалар, ривожланишнинг маълум бир босқичида, мустақил фикр юрита олмайдилар. Ўқитувчи ва педагог талаба-ёшлар олдига муаммони қўйиб уни ечиш йўлларини ўзи баён қилиб беради. Шунда талабалар муаммони ечишда иштирок этмасалар ҳам, ўқитувчининг синф олдига қўйилган муаммони моҳирона ечишини кузатиб илҳомланадилар ва муаммони ўзлари ечишни истаб қоладилар

Эвристик ёки ярим тадқиқот усул қуйидаги белгилар билан характерланади:

1) Ўқувчиларга билим тайёр ҳолда берилмай, у мустақил равишда топилади:

2) Ўқитувчи турли воситалар ёрдамида, мустақил равишда билим олишни ташкил қилади;

3)Ўқувчи ва талабалар ўқитувчи ёки педагог ёрдамида мустақил фикр юритишга ва шу орқали янги билимларни топишга ўрганадилар. Улар мустақил равишда муаммоларни ечиш йўлларини излайдилар. Топилган натижаларни таҳлил қиладилар, таққослайдилар, умумлаштирадилар ва яқун ясайдилар.

Бу усулнинг ярим тадқиқот деб ном олганлигининг сабаби, ўқувчи ва талабалар аввал ҳеч қачон мустақил равишда билим олишмаган бўлишса, бу вазифани бажаришга қийналадилар. Шунинг учун ўқитувчи ва педагоглар уларга ёрдам берадилар. Бу усул қўлланганда ўқитувчи ўқувчи, ўқитувчи ўқувчи схемаси бўйича амалга оширилади. Шунда билимнинг бир қисмини педагог айтиб, қолганини топиш талабаларга қўйиб берилади.

Тадқиқот усулининг моҳияти эса қуйидагича:

1)Педагог талабалар билан бирга муаммони шакллантиради ва уни ҳал қилиш учун талабаларга муддат берилади;

2)Ўқувчи ва талабаларга билим айтилмайди. Уни талабаларнинг ўзлари мустақил равишда излаб топадилар. Шунда, бу билимни топиш чора-тадбирларини ҳам ўқувчиларнинг ўзлари белгилайдилар;

3)Ўқитувчи ва педагогнинг фаолияти талабалар изланишини бошқаришдан иборат бўлади;

4)Бу усулда ўқув жараёни ўта жадал ва юқори қизиқиш орқали кечиши билан, топилган билимлар чуқур, таъсирчан ва инчунин болалар хотирасида узоқ сақланиши билан бошқа усуллардан ажралиб туради. Бу усулнинг камчилиги, унга кўп вақт ҳамда ўқувчи ва ўқитувчилардан анчагина куч сарфланиши талаб қилади.

4.Дидактик мақсадларга кўра усуллар икки гуруҳга ажралади:

1)билимларнинг бирламчи ўзлаштирилишига хизмат қилувчи усуллар;

2) эгалланган билимларни мустаҳкамлашга ва такомиллаштиришга йўналтирилган усуллар.

Биринчи гуруҳга: ахборот ривожлантирувчи усуллар (оғзаки баён, суҳбат, китоб билан ишлаш), эврестик (изланувчан)

усуллар (эврестик суҳбат, муноазара, лабаратория ишлари); тадқиқот усуллари киради.

Иккинчи гуруҳга: машқ (нусхага қараб кўчириш, шарҳланган машқлар, вариантли машқлар ва хоказо) ва амалий машғулотлар киради.

5.Бир неча бор бинар ва ярим бинар усулларни яратишга уриниб кўрилган. Бунда усуллар икки ва ундан ортиқ белгиларига қараб гуруҳлаштирилади. Масалан, билим бериш усуллари билан билим олиш усулларининг бирикувидан ҳосил бўлган усуллар ва хоказо.

6.Дидактикада кенг тарқалган усуллар гуруҳи, бу академик Ю.К.Бабанскийнинг таклиф қилган таснифидир. Бунда уч йирик педагог усуллар гуруҳи ажратилган:

1) ўқиш-ўрганиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш усуллари;

2) ўқиш-ўрганиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивациялаш;

3) ўқиш-ўрганиш фаолиятининг самарадорлигини текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш усуллари.

Ўқиш-ўрганиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш усуллари, ўз навбатида, тўрт гуруҳга бўлинади:

1)Манбалар жиҳатидан оғзаки, кўргазмали ва амалий;

2)Мантикий жиҳатдан индуктив ва дедуктив;

3)Фикр юритиш бўйича репродуктив ва муаммоли изланиш;

4)Бошқарилиши жиҳатидан мустақил ишлаш ва ўқитувчи раҳбарлигида ишлаш усуллари.

Ўқиш-ўрганиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивациялаш усуллари икки гуруҳдан иборат:

1)ўқишга қизиқишни асослаш ва уни рағбатлантириш;

2) ўқишга бўлган маъсулиятини асослаш ва рағбатлантириш.

Ўқиш-ўрганиш фаолиятининг самарадорлигининг текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш усуллари, ўз навбатида, уч бўлакдан иборат:

1) Оғзаки текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш дарслари.

2) Ёзма равишда текшириш ва ўзини ўзи назорат қилиш усуллари:

3) Лаборатория ва амалий машғулотлар орқали текшириш ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш усуллари.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, усуллар асосан қуйидаги функцияларни бажаради: ўқитиш, ривожлантириш, тарбиялаш, ўқишга қизиқтиришни рағбатлантириш, назорат қилиш ва тузатиш. Педагогик усуллар ёрдамида маорифий мақсадга эришилади.

Айтиб ўтилган педагогик усуллариининг биронтаси ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Шунинг учун усуллар назарияси тинимсиз тараққий этиб, барча ўқитувчи ва педагоглар талабига бирдай жавоб берувчи усуллар изланмоқда. Шу изланишлар натижаси сифатида ўқув жараёнининг технологиялашган усули вужудга келади¹.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўп маротаба илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларига олиб кириш зарурлиги ўқитрилган.

Кейинги ўн йил ичида яратилган, педагогикага бағишланган адабиётларда “Педагогик технология”, “Янги педагогик технология”, “Илғор педагогик технология”, “Прогрессив педагогик технология” каби тушунчалар кўп учраб тургани билан, уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи ҳали тузилмаган.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар.

Бу ерда, “Нима учун бугунги кунда педагогик технологияларнинг миллий назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурати туғилди?” деган савол пайдо бўлиши мумкин. “Жамиятимизга қанчадан-қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган педагогика усуллари мавжудку, уларнинг эскириб, талабларга жавоб бермай қолган ва мафкуралаштирилган жойларини ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими?”-деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас.

¹ Б.Зиёмуҳаммадов. Педагогик маҳорат асослари. Т. “ТІВ-КІТОВ”нашр, 2009 йил, 152-бет.

Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аксарияти, айнан мана шу йўлдан бормокда. Бу йўл иложсизликдан излаб топилган бўлиб, қисқа муддат хизмат қилиши мумкин. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узок хизмат қилолмайди. Чунки:

Биринчидан, маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши усун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги:

Иккинчидан, анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “Ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги;

Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижаси ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;

Тўртинчидан, кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмперик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

Бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир.

Педагогик технология юқорида санаб ўтилган бешта шартнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Шу кундаги ижтимоий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маърифий ва маданият соҳаларига, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияни жорий этишни тақазо этмокда.

Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқот олиб боришни кўзда тутди. Бунда, энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

-таълим технологияларини илмий ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;

-таълим мажмуи сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;

-таълим технологиясининг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;

-таълим технологиялари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсадларига қай даражада тўғри келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;

-педагогик технологиянинг мажмуи назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл йўриғини ишлаб чиқиш.

Шуни айтиш жоизки, таълим технологиялари, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш усули бўлибгина қолмай, ижтимоий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши лозим.

Бу зарурият, шу вақтгача ўқувчи (талаба)лар ёпиқ тафаккур парадигма (намуна мисол)лар асосида ўқитилганлиги, уларда ўзгача нуқтаи назарни тан олмаслик, фақат ўз фикрини тўғри деб билиш шакллантирилганлигидандир. Бу ҳол ҳар қандай тараққиётга ғов бўлиб, шу парадигмада юрган кишиларни инқироз сари етаклайди.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада, айниқса, таълим-тарбияда депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларида бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдир.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик тахнологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим.

Педагогик технологиянинг том маъносини билан ва унинг ҳудудимизга мос турини яратиш учун мажмулар назариясини

тўла эгаллаб олиш зарур. Чунки педагогик технология мажмулар назариясининг қонуниятларига 100 фоиз суянган бўлиб, янгича фалсафий тафаккурни, янгича дунёқарашни ифода этади.

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитларда кўрсатган тартибли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ҳодисани педагогик технология деса бўлади.

Педагогик технология ижтимоий зарурият бўлганлигидан, даставвал, АҚШ ва XX асрнинг 70-йилларида фалсафанинг бихивиоризм оқими заминида юзага келиб, бошқа ривожланган мамлакатларга тез тарқалди.

Ер юзи мамлакатлари икки қарама-қарши лагерга бўлиниб, совуқ уруш авжига чиққан даврда социализм тарафдорлари бу ижтимоий ҳодисани мафкура нуқтаи назаридан тан олмай, кўп йиллар давомида уни кўр-кўрона инкор қилиб келишди.

XX-аср 90-йилларининг бошида социализм нураб, унга аъзо бўлган давлатлар бирин-кетин мустақил бўлганидан кейин, ҳар жиҳатдан тараққий этган хорижий мамлакатларга, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам кенг йўл очилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий маърифий алоқалар ўрната бошладилар. Натижада, юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қаторида жаҳондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар ҳам кириб, педагогик жамоатчилигимиз фикрини чулғаб олди.

Охирги йилларда Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияларни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинди. Педагогик технологиянинг ҳудудга мос вариантыни яратишга қўл урган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)нинг пешқадам педагог олимларига тасанно айтиш билан бирга улар йўл қуяётган баъзи камчиликларни айтиш, уларни тузатиб ўтишни лозим кўрдик. Чунки бу камчиликлар педагогик технологияларнинг мазмун ва моҳиятини тўғри тушунишга ҳалал бермокда. Бунинг учун биз, МДХда шу йўналишда фаолият кўрсатаётган педагог олимларнинг “Педагогик технология” тушунчасига берган таърифларини ҳамда улар педагог технология асосида тузиб чиққан дарс лойиҳаларини таҳлил қилиб чиқдик. Таҳлили-мизнинг якуни қуйидагича:

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зурурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П.Беспальконинг фикрича, **“ПТ-бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагог муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир.”**¹

Россия олимларидан В.М.Монахов: **“ПТ-аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир”**, -деган қисқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади.

“ПТ-ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлиги ҳамда педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”², -деди.

М.В.Кларин фикрича, **“ПТ-ўқув жараёнига технологик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидн келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир”**.¹

¹ Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. -М.: «Педагогика», 1989.С.192.

² Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектирован. пед. технологии. -«Педагогика», 1997, №6. С.26.

¹ Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. -М.: «Знание», 1989.С.75.

И.Я.Ларнернинг фикрига кўра, **“ПТ-ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган, аниқланадиган мақсадни ифодалайди”².**

В.П.Беспальконнинг Ўзбекистонлик шогирдларидан Нурали Сайдахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, **“ПТ-бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир”³.**

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л. Фарберман педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: **“ПТ-таълим жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир”⁴.**

Бу таърифларни узоқ ҳорижда берилган таърифлар билан солиштириб кўриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифни келтирамиз. **“ПТ, дейди Сакомото, бу мажмули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуга келтиришдир”⁵.**

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, **“ПТ-бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллаш мажмули ёндашув усулидан фойдаланишдир”¹.** АҚШ ва Германия олимларининг педагогик технологияга берган таърифи ЮНЕСКО берган таърифга тўғри келади.

² Ларнер И.Я. Внимание о технологии обучения// «Сов. Педагогика», 199+0, №3, С.139.

³ Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси.-Т.: 1999. 7-8-бетлар.

⁴ Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар.-Т.: 1999.4-бет.

⁵ Юзвяичене П.А. Теория и практика модульного обучения. –Каунас, 1989.С.126.

¹ Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. Илмий-назарий семинар-Т.: 8-9 апрел, 1993. 3-бет.

Келтирилган таърифларни илмий-услубий нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МДХ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир-бирига яқин келсада, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Жумладан, Сакомато, Неско ва бошқа узоқ хорижий мамлакатларда берилган таърифларда мажму ёнлашув тамойилига алоҳида урғу берилган. МДХ олимларининг ПТга берган таърифларида мажму ёндашув эслатиб ўтилгани билан, ўқув жараёнининг лойиҳасини тузишганда уни мутлоқ унутиб, мажму ёндашув тамойилининг қонун ва қоидаларига сира ҳам амал қилинмаганини кўрамиз.

Ҳақиқатда эса, объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомато айтганидек, “ПТ-ўқув жараёнини муайян бир мажмуга келтиришидир”, деган тушунча кифоя қилади. Бу тушунча орқали ПТнинг бошқа ҳамма хусусиятларини, яъни мақсадга йўналтирилганини, бир неча ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини ва бошқаларни англаб олса бўлади. Чунки бу хусусиятларнинг ҳаммаси, мажмулар назариясига биноан, мажму деб ном олган нарса ва ҳодисаларнинг ажралмас сифатларидир.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сўзсиз, ўқув жараёнига мажму сифатида ёндашишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ҳодисалар ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён мажмуини ташкил қилади. Педагогик жараён мажмуининг муайян бир вақт мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади.

Педагогик технологиянинг анъанавий усулларида асосий фарқи, унинг тўла-тўқис мажмулар назарияси қонуниятларидан келиб чиққанлигидир.

Педагогик технологиянинг аввалги усулларида афзаллиги, у таълим жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим бериш усуллари ва воситалари ҳамда таълим оловчи ва таълим берувчиларни мажмуга келтириб таълим босқичларини лойиҳалаб, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим натижаларини баҳолаш каби қисмларини ўзаро

узвий боғлаб мажмуга келтириб, унинг лойиҳасини тузишидадир.

Унинг анъанавий усулларида кейинги фарқи, у талабаларнинг ўзларига берилган билимни ёдлаб олиб, айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларни бажаришига йўналтирилганлигидадир.

Педагогик технологиянинг бошқа таълим усулларида навбатдаги фарқи, унинг ёрдамида ўқув жараёни ташкил этилганда, дарс натижаси билим берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигидадир. Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам аъло бўлмасда, яхши дарс ўтади. Чунки педагогик технологияни педагог олим, методист ёки илғор тажрибали ўқитувчилар тузади, шу боис уларнинг педагогик маҳорати педагогик жараён лойиҳасида ўз ифодасини топган бўлади. Аввалгидек, “дарсдан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан етиб бўлмайди” ёки “кутилмаган омилларга биноан дарс бузилди” ва шунга ўхшаш гапларда педагогик технологияда ўрин йўқ.

Педагогик технологиянинг юқори қайд этилган хусусиятларидан ва мажмулар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берамиз. ПТ-бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқувчи олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажму сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир.

Жаҳон педагогик тафаккурида таълим-тарбияга бундай ёндашув янги эмас. XVIII асрдаёқ, “Буюк дидактика”нинг муаллифи Ян Амос Коменский таълим жараёнини “унда ҳар бир усул ва нарсалар вақт жиҳатидан шундай жойлаштирилиши керак эдики”, “бутун педагог жараён яхши созланган соат каби беҳато юриши керак” бўлган шаклга солмоқчи бўлганди. Буюк педагог

Коменский етмаган орзуларга XX аср педагоглари етиб, бу ижтимоий ҳодиса педагогик технология номини олиб, бутун дунё ўқитувчи ва педагогларига дастуриамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Педагог назариялар йиғиндиси ҳисобланган педагогикада катта ҳажмда назарий ва амалий билим тўпланган бўлишига қарамай, XX аср иккинчи ярмигача машҳур педагогларнинг биронтаси қайта тикланадиган, яъни издошлари томонидан улар ўтган юқори самарали дасрларни ўзларига ўхшаб ўтиш имконини берадиган педагогик жараён андозасини ишлаб чиқишмаган. Бунинг боиси, машҳур педагоглар усули таркибида ўзларининг шахсий сифатлари етакчи ўринни эгаллаганлигидадир. Маълумки, жамият таркибида машҳурликка даъвогар буюк шахслар жуда ҳам оз. Бизга, улар ҳар бир мактабда, ҳар бир лицей ва коллежда, ҳар бир олий ўқув юртида, ҳар бир синф ва дарс ҳоналарида керак. Бунга етишишнинг бирдан бир йўли машҳур педагогларнинг дарсини педагогик технология шаклига солиб, лойиҳасини тузиш ва кўпайтиришдир.

Технологик ёндашув ишлаб чиқаришдан олинган бўлиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойиҳалаштирилган. Улар ишлаб чиқаришда керакли натижаларга эришиш гарови ҳисобланади. Бу технологияларни қўллаш вақтида ҳудуд ва уларнинг ижроси ўзгарса ҳам, керакли маҳсулот чиқаверади. Таълим-тарбия жараёнида ҳам шунга эришиш учун педагогик технология ишлаб чиқилди.

Бу иш биринчи бор АҚШ олимлари Б.Блум, Д.Кратволь, Н.Гранлунд, Дж. Керолла, Дж. Блок, Л.Андерсон ва бошқалар ҳаракати натижасида амалга ошди.

Педагогик технология, умуман олганда, репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни ўқувчи (талаба)ларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.

Педагогик технологиядаги репродуктив билим бериш жараёнида дарс аниқ бўлакларга бўлиниб, ҳар бир бўлагида ўқувчи (талаба)лар билиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллар дарс мақсадидан келиб чиқиб, модулларга

бўлинган бўлади. Ҳар қайси модулга тест саволлари тузилади. Ўқув жараёни аниқ саволларга аниқ жавоблар топишга қурилган бўлиб, саволлар ва жавоблар ўзаро узвий боғлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни яъни мажмуни ташкил қилади.

Педагогик технологияда репродуктив усул қаторида илланувчи-тадқиқот ва бошқа усуллар ҳам ишлатилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароларини шакллантиришда халқ хўжалиги учун зарур бўлган маълум билим ҳажмига эга мутахассис ҳамда турли муаммоларга дуч келганда, мустақил изланиб, уларни ҳал қилиб кетадиган тадбиркор кишиларни тарбиялашда типик ҳаракатларга, репродуктив ва ностандарт вазиятлардан йўл топиб, чиқиб кетишга ўргатувчи тадқиқот услублари мос тушади. Бизга зарур бўлган усул ушбу икки анъанавий услублар қоришмасидан ҳосил бўлиб, технологиялаштирилган интегратив усулдир. Уни педагогик технология дейилмоқда.

Ўқув жараёнининг педагогик технология тамойиллари асосида тузилган лойиҳасини, алоҳида олинган битта дарсга, битта мавзуга ёки ўқув предметининг бир қисмига ва бутун ўқув предметига тузиб чиқиш мумкин.

Педагогик технологияни яратиш тамойилларининг **биринчиси**-ўқув предметини бир бутунлик сифатида кўриб, ундага турдош билимлар йиғиндисини мантикий тугалланганлиги асосида “катта”, “ўрта” ва “кичик” модулларга ажратиб чиқишлик. **Иккинчиси**, муайян фандан кутилган умумий мақсадни ҳамда умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолатда, унинг қисмлари (катта модул) ва дарслар (ўрта модул) ҳамда дарс ичидаги кичик модулларининг ҳар биридан кутилаётган мақсадларни идентификациялаштириб чиқиш ҳамда кичик модуллар ичида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш; **учинчиси** дарс модуллари ичида ечиладиган масалаларни ҳар бири бўйича тест саволларини тузиб чиқиш; **тўртинчиси** мақсадлари аниқ бўлиб, тест саволлари тузилганидан кейин мақсадларга эришиш усуллари танланиб, улар ишлатиладиган аниқ жойларни белгилаб олиш.

Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб ўтганимиздек, мажму ёндашув тамойилига биноан дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликларга ва фанлараро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу педагогик технологиянинг **бешинчи** тамойили ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, дарс бериш усуллари устида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда янги услублар яратишда замоннинг энг илғор илмий йўналишларидан бири-ҳар бир нарса ва ҳодисага мажму сифатида ёндашиш зарур. Акс ҳолда, фаолият анъанавий тус олиб, кечаги кунни ифода этиб қолади. Шу нуқтаи назаридан ҳар қандай педагогик фаолият давомида мажму ёндашув тамойили марказий ўринда туриши керак. Шундагина педагогик фаолият замонга мос бўлиб, жамият ижтимоий буюртмасини шараф билан бажариш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Махсус фанларни ўқитишда педагогик усуллари таснифлаш ва технологиялаштириш нималарни англатади?
2. Академик Ю.К.Бабанский таклиф қилган ва дидактикада кенг тарқалган усуллар гуруҳидан хабарингиз борми?
3. Педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини асослаб берган Россиялик, Ўзбекистонлик ва Япониялик олимлардан кимларни биласиз?
4. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларни яратиш тамойилларини таҳлил қила оласизми?

2.2.Таълим тизимида методика ва технология уйғунлиги.

Маълумки, бугунги кунда таълим тизими ва жараёнига кириб келаётган педагогик технологиялар, уларни қўллаш борасида кўплаб илмий изланишлар, бахс-мунозаралар мавжуд.

Албатта, турли хил қарашга эга бўлган бу фикр мулоҳазалар бир-бирини инкор этмайди, балки тўлдиради, деб ўйлаймиз.

Хўш аслида технология нима дегани ўзи?

Илмий - педагогик адабиётларда технология сўзи грекча «*techne*» - санъат ва маҳорат, «*logos*» - таълимот сўзидан олинганлиги қайд этиб ўтилган.

ЮНЕСКОнинг таърифлашича эса, «педагогик технология» бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб билимлар яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир.

Ўтмишга назар ташласак, педагогик технология атамаси ғарб педагогика фани ва амалиётига дастлаб 1950-60-йиллардан бошлаб кириб келган. Шу кунгача олимлар томонидан педагогик технологиялар хусусида таъриф, тушунча, изоҳлар жуда кўп билдирилган. Лекин шуни айтиб ўтиш жоизки, айрим амалиётчи ўқитувчилар томонидан педагогик технология методиканинг айнан ўзи ёки дарсларда интерфаол усуллар, техника воситаларидан фойдаланиш дея қатъий фикр билдирилмоқда. Шу боис ўқитувчилар орасида нотўғри тушунча бўлмаслиги учун педтехнология ва методикани бир-биридан ажратиб олиш зарурдир.

Бугунги кунда методиканинг ўзи икки хил маънода таърифланади, яъни, биринчидан, методикага фан сифатида қараш кераклиги, унинг ўз предмети ва тадқиқот йўналиши эътироф этилади. Иккинчи томондан эса, методикага метод ва усулларнинг уйғунлашуви, яъни технологик жараён сифатида қаралади. Ўқитиш технологияси - бу жараён. Агар методикага фан деб қаралса, методик асосларга илмий асослар сифатида қаралади. Бунда эса методика ва технологияни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди. Яъни, технологияни кенгроқ, маънода тушуниш керак. Чунки технология методикадан фарқ қилган ҳолда фақат билим бериш эмас, балки аниқ мақсад ва натижага йўналтирилган таълим жараёни ҳамдир.

Методика ва технологиянинг бир-биридан фарқини 3. Абасов шундай тушунтиради: «методика, бизнинг фикримизча, таълим мақсадларига йўналтирилган таълим мазмуни, ўқитишни ташкил этишнинг биргаликдаги мажмуидир. Бир ҳил мазмунга эга бўлган методика, услуб ва усуллар ёки методик тизим икки ўқитувчида икки ҳил натижа бериши мумкин. Педагогик технология қўлланганда эса, турли ўқитувчилар турли ҳил ёндашувда, турли ҳил восита ва усуллардан фойдаланишсада, бир ҳил натижа олишлари мумкин».

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўқитувчининг шахсий маҳорати ва характери методикада акс этади, яъни методика ўқитувчига натижани кафолатламайди. Технология эса, методикадан фарқ, қилган ҳолда кўплаб олимларнинг фикрича, илмий ва амалий хулосаларга асосланади.

Технология методика, дидактика ҳамда таълим-тарбия назариясини инкор этмайди, уларнинг ўрнини босмайди ҳам. У маълум алгоритмларни ишлаб чиқади, ўқув жараёнини конструкциялайди ҳамда кафолатланган натижага эришишнинг аниқ ва қатъий йўллари белгилайди («Школа технологии» №5, 2002 й, 58-бет).

Ушбу хулосалардан кўриниб турибдики, педагогик технологиянинг ҳам, методиканинг ҳам ўз ўрни бор. Лекин ҳар қандай педагогик технологиялар, ҳар қандай янги усул ва методлар педагогик жамоа, ота-оналар томонидан яхши қабул қилиниши ҳамда таълим тизимининг яхшиланиши, ривожланиши, шу билан бирга ўқувчиларнинг шахс сифатида камол топишларига ижобий таъсир кўрсата олиши керак. Бунинг учун амалда қўлланилаётган ёки қўлланилмоқчи бўлган педагогик технология замирида илмий асос - ижтимоий, иқтисодий, педагогик психологик ва фалсафий асос бўлиши ва таъкидлаб ўтилганидек, таълим тизими ва шахс камолоти, жамият тараққиётига ижобий таъсир қила олиши лозим.

Тажрибадан маълумки, педагогик технологияларни қўллашда мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар томонидан зиддиятлар, қарама-қаршилик ва норозиликлар юзага келиши мумкин (Бунга ҳозирда қўлланилаётган рейтинг тизимини мисол қилиш мум-

кин). Бундай вазиятлар юзага келмаслиги учун, аввало, қуйидагиларни амалга ошириш зарур, деб ўйлаймиз:

А) ўқитувчиларга қўлланилмоқчи бўлган педтехнология, унинг мақсади ва кутиладиган натижалар тўғрисида тўлиқ ахборот бериш;

Б) қарорлар қабул қилиниши босқичида мазкур масала юзасидан ўқитувчилар орасида кенг миқёсида муҳокамалар ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш;

В) ўқитувчиларнинг позицияларига кўра турли ҳилдаги гуруҳлар билан табақалаштирилган ишлар олиб бориш;

Г) моддий, молиявий ва психологик ёрдам, моддий техник таъминот, инновацион фаолиятга ижобий ёндашишни шакллантириш;

Д) ҳамма ўқитувчилар учун доимий ва мажбурий илмий методик ўқишларни (муаммоли семинар, конференциялар, давра суҳбатлари, тренинглар) ташкил этиш.

Маълумки, ДТСга ўтиш билан боғлиқ охириги 20-30 йиллар мобайнида Россиялик олимлар ривожланган ғарб давлатлари таълим-тарбия тизимини, шунингдек, педагогик технологияга оид ишларни чуқур ўрганиб бордилар ва шу асосда илмий тадқиқот ишларини яратдилар (М.А.Гуссаковский, М.А.Богославский «Научные достижения и передовой опыт в области педагогики и народного образования» М. 1991г.). Ўз навбатида илғор педагогик амалиёт ва тадқиқотларга асосланган ҳолда педагогик жараёнларни ривожлантиришнинг илғор йўналишларини аниқладилар. Бу йўналишларнинг янги педагогик технологияларни қўллашда методологик асос сифатида қабул қилиниши таълимнинг оқилона ташкил этилишига омил бўла олади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Педагогик мақсадларнинг йўналишларини гуманитарлаштириш, яъни инсонга бериладиган таълим ва тарбия жамият томонидан инсоннинг ўзи учун хизмат қилишига имкон бериш.

2. Педагогик жараёнлар орасидаги асосий субъектлар ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини объектив-субъектив шаклдан диалог муносабатига асосланган субъектдан субъектга кўчириш.

Бунда ўқитувчининг маънавий интеллектуал таъсири остида ҳар бир ўқувчининг ўз имкониятларини тўла ишга сола олишлари таъминланиши керак.

3. Шу вақтгача мустаҳкам ўрнашиб қолган шахсни бир ҳилда ижтимоийлаштиришдан фарқли ўлароқ миллий, табиий, демографик ва руҳий-физиологик асосларга ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари диққат-эътиборини кучайтириш. Бундай ҳолда ҳар бир боланинг шахсида зохир бўладиган ички кечинмаларни авайлашга эътибор беришни кучайтириш муҳимдир. Бунда «ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш» чақириқларига қарама-қарши ўлароқ, шахсни шакллантиришда фаолият-хизмат тарзида ёндашиш йўналиши аниқ, кўринишга эга бўлиши керак.

4. Таълим мазмунига бўлган қизиқиш «моддий» томондан «ривожлантирувчи» йўналишга ўтиш. Бошқача қилиб айтганда, таълим мазмуни «тайёр» ҳолда бериладиган билимлар мақдорида эмас, балки ўқувчиларнинг ижобий ташаббуслари, фаолиятларини рағбатлантириш, кўникма ва малакаларини шаклланишига хизмат қилмоғи керак. Яъни, дунё, маданият, табиат, ҳаёт, оила, саломатлик каби тушунчаларни ўз ичига олган педагогик жараённинг асосий функциясини ташкил қилувчи тарбия масалаларини таълим орқали ҳал қилишга интилишдир.

5. Давлат ва мактаб орасидаги ўзаро муносабатлар характерининг ўзгариши бу мактабларнинг мустақил фаолият кўрсатиши билан боғлиқдир. Бу республикадаги ўзига хос хусусиятлари, шароитлари билан фарқ қиладиган ҳудудларда мактабларнинг ўзига хос равишда ривожланишларига давлат томонидан керакли шароитлар яратиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам мустақил давлатимизнинг янгиланган таълим сиёсатини амалга ошириши ва замонавий педагогик технологияларнинг самарали қўлланилишида маҳаллий идоралар, ҳокимликларнинг мустақил фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, замонавий педагогик технологиялар таълим тизимига кириб келар экан, керакли педагогик шарт-шароитлар бўлиши тақозо этилади. Кўпгина педагогик олимларнинг илмий

изланишларидан маълумки, агар педагогик жараёнда моддий-техник таъминот, мазмун, метод, усул, ўқитувчи шахси ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда таъсир этсагина, бу жараён мукамал ва самарали бўлиши мумкин.

Ҳап замонавий педагогик технологияларни таълим тизимида қўллаш хусусида борар экан, у мактабнинг моддий-техник таъминотида ҳам ўз талабини қўяди.

Машғулотларни гуруҳларга ажратиш ва индивидуал ўтиш учун ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари фаолиятларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, олган билим, кўникма ва малака-ларини амалда қўллаш, қўл меҳнати, амалий фаолият жараёнида амалга оширишларига шароит яратишни (синф хонаси, кутубхона, спорт зали, устахона ва ҳ.к.) кўзда тутиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиши, керакли материаллардан фойдалана олиш учун замонавий педагогик–психологик, дидактик ва фалсафий адабиётлар, илмий-оммабоп журналлар, газеталар, бадиий адабиётлардан фойдалана олиши учун бой фондга эга бўлган кутубхона, унинг ишини енгиллаштириш учун синф хоналари компьютер билан таъминланиши ҳам муҳимдир.

Педагогик жиҳатдан таъминланишнинг яна бир элементи, бу ўқитувчи шахси, мактаб педагогик жамоасини шакллантириш, педагогик технологияларнинг кириб келиши билан боғлиқ замонавий мактабларда жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишларини яхшилаш мақсадида педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати, касбга тайёргарлик даражаларини муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни қўллашда мактабларнинг мослашув жараёнидан ўтишига имкон бериш ҳам педагогик жиҳатдан таъминланишнинг элементларига киради. Шу билан бирга боланинг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги ахборотга эга бўлиш замонавий педтехнологияларни қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги замонавий таълим, илғор педагогик технология янги руҳ ва мазмундаги, педагогик тафаккур, тараққийпарвар фикр, ғоялар маҳсулидир. Янги фикр, ғоялар ўз навбатида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хато ва камчилик-

ларнинг чуқур таҳлил қилиниши натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ижтимоий-маданий муҳит аҳволи таҳлил қилинган ҳолда таълимни инсонпарварлаштириш, юзага келган мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиб бориш, янгича ишлаш янги педагогик тафаккурнинг асоси бўлиб қолади. Бу эса ўз навбатида таълим натижасини кафолатлайдиган, таълим тизимининг ривожланиб бориши, жамият тараққиёти, шахс камолотига хисса қўшадиган замонавий педагогик технологияларнинг кириб келишига замин яратади.

Баён этилган фикрлар шундай хулосаларга келишимизга имкон беради: таълимнинг ҳар бир босқичида замонавий педагогик технологияларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда жамият муносабатларини ислоҳ қилиш, яъни демократиялаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, таълимни инсонпарварлаштиришга самарали таъсир кўрсатадиган илмий концептуал асосга эга бўлгандагина қўллаш мувофиқдир. Қўлланилаётган технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига енгиллик олиб келиши, ўқувчининг ҳоҳлаб, қизиқиб ўқишига имкон бериши ва жамият тараққиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини кафолатлаш керак. Замонавий педтехнологиялар қўлланилишидан олдин адаптациядан ўтиши, педагогик шарт-шароитлар, моддий-техник база ҳисобга олинishi лозим.

Агар педагогик технологияларни қўллашда илмий асос ва кафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолоти, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғанок бўлаверади.

Савол ва топшириқлар

1. Хўш айтингчи, технология нима дегани? У ҳақдаги баҳс-мунозара ва илмий изланишлардан хабарингиз борми?
2. Педагогик технологияларни таълим тизимида қўллашда турли хил зиддиятли вазиятлар юзага келмаслиги учун қандай ишларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайсиз?

3. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллашнинг илмий асосланган, кафолатланган натижалари борми?

2.3.Махсус фанларни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни

Ўқув тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш вазифаси ҳам бевосита ўқитувчидан ижодкорона фаолиятни, қолаверса, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган соҳа билимларини эгаллашга жалб этади. Мадомики, технология мавжуд экан, уни таълим тарбияга сингдириш шарт экан, бу жараён қаерда кетиш мумкин деган савол туғилиши табиий. У шаксиз педагогик корхонада, педагогик ишлаб чиқаришда рўй беради.

Технология бу шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо қилган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир. Технология тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир кучига эга бўлиб назариячи олимлар ва ўқитувчиларни янгича тафаккур, эркин ижод қилишга ундайди.

У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Самарадор ўқув билим фаолиятининг асосларини топиш.
- Уни экстенсив (куч, вақт, ресурс йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосдан кўра интенсив (жадал) мумкин қадар илмий асосда кириш.
- Талаб этилган натижаларни кафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан фойдаланиш.
- Ўқитиш давомида тўсиқларни тузатишлар киришини лойиҳалаш методига таянган ҳолда йўқотиш.
- Таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва зарурий ҳаракатларни алгоритмлаш.
- Техник воситаларни яратиш, улардан фойдаланиш методикасини ўзлаштириш.

Технология мураккаб жараён сифатида қатор ўқитиш босқичларидан, ўз навбатида бу босқичларининг ҳар бири ўзига хос амалиётлардан иборат бўлади.

Амалиёт ўқитувчининг синфда (аудитория) мавзу бўйича ўқув унсурларини тушунтириш мақсадида бажарган ишларининг йигиндиси бўлиб, ўқитиш жараёнининг ушбу босқичида тугалланган қисмини ташкил этади.

Амалиёт технология асосини ташкил этиб, таълим мақсадини режалаштиришда ва амалга оширишда эътиборга олинadиган асосий унсур ҳисобланади.

Бирор бир ўқув унсурини тушунтириш учун ўқитувчи самарали таълим воситалари материалларидан фойдаланиш давомида у ёки бу алгоритмик ҳаракатни мақсадга мос ҳолда аниқ бажаради.

Техник назорат-ўқитувчи фаолиятига тегишли бўлиб, технологияда иштирок этаётган воситаларнинг техник ҳолатини аниқлаш ва баҳолашдир. Бинобарин қўлланилиши зарур бўлган ўқитишнинг техник воситаларини машғулот олдида тайёрлаш ёки ишлатиш жараёнида ўзгарадиган хусусиятларини белгилаб олиш таълим жараёнининг бир маромда, узлуксиз давом этилишини, вақтдан самарали фойдаланишни кафолатлайди.

Вақт ўтиши билан у ёки бу техник восита кўрсаткичлари ўзгариши, паспортида кўрсатилган миқдордан фарқланиши мумкин. Шу боисдан **допуск** тушунчаси технологияда қўлланилади.

Допуск (ўлчаш фарқи) энг катта ва энг кичик чекли ўлчамлар орасидаги фарқ ўлчовдир, дидактик жараёндир. Фойдаланаётган ҳар бир техник восита учун допуск майдони ишлатиш чегараси мавжуд бўлади. Агар шу чегара бузилса педагогик технология сифатида путур етади ёки кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Демак ўқитишнинг техник воситасини яроқли ҳолга келтириш чоралари кўрилади. Допуск тушунчасига шунингдек рейтинг тизимида ҳам дуч келишимиз мумкин.

Педагогик технология моҳият жиҳатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки «шерик»лари қатори ўз хусусий соҳасига методлари ва воситаларига эга маълум

«материал» билан иш кўради ва у инсон онги тафаккури билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида бошқа технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос жиҳати тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

Технологик ёндошув асосида ўқувчиларнинг ўқув билим фаолиятини қандай ташкил этиш керак? Педагогик технология «синф дарс» тизимини қонуниятлари асосида жорий қилинадими ёки уни инкор этадими? каби саволларга жавоб берайлик. Кичик гуруҳларда ишлатишни ташкил этаётган ўқитувчи олдида биринчи галда гуруҳ таркиби масаласи туради. Тадқиқотчилар фикрига кўра, гуруҳ таркибининг мақбул сони 5 кишидан иборат бўлиши эътироф этилди. Гуруҳни саралашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши лозим: **Биринчи ўринда** турли предмет бўйича гуруҳ тузилиши мумкинлиги ҳисобга олиниши зарур, аммо бир предмет чегарасига ҳам гуруҳ таркибини турғун сақлаш тавсия этилмайди. У алоҳида ўқувчиларнинг ҳаракатланишини ҳисобга олган ҳолда доимо ростланиб турилиши лозим. Ўқув гуруҳининг яхлитлигида ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Ўқув жараёнини кичик гуруҳларда ташкил этиш дарснинг барча босқичларида янги материалларни баён қилишда ўтилганларни мустахкамлашда, машқ бажаришида қўл келиши таъкидланиши: кичик гуруҳларда ишлаш технологиясини дарснинг барча босқичларида қўллаш мумкин деган фикрни ўқув предметларига ҳам кўчириш мумкин. Бироқ бу ерда гуманитар предметлар тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, адабиёт, баъзи ҳолларда география ва биология фанлари янги ўқув материалининг катта қисмини ўрганиш учун кичик гуруҳларнинг ташкил этилишига имкониятлар очиб беради. Тадқиқотларнинг кўрсатишича кичик гуруҳларда ишлаш, кичик ёшдаги болаларни, юқори синф ўқувчиларини ўқитишда ҳам бир хил даражада самарали бўлади. Фронтал ишлаш шароитида ўқув материаллари мазмуни ва узатиш усуллари ҳар бир ўқитувчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳамда вариантланмайди. Бу эса ўқувчига ўз хусусий фикрини билдиришга ва ривожлантиришга, ўз нуқтаи назарини асослашга имкон бермайди. Ўқув ахборотларини

ўзлаштириш самарадорлигининг муҳим шарти бу жараёнга бўлган ўқувчидаги имкониятни, мисол учун, ўз тенгқурлари билан муҳокамага киришиш у ёки бу савол бўйича мавқеини ҳимоялаш ва бошқа ҳолатлар. Бундай имкониятларни фронтал шакл ҳам, индивидуал шакл ҳам бера олмайди. Бунинг учун бирмунча қулай кичик гуруҳда ишлашдир. Бунда кичик гуруҳларда ўзлаштириш даражаларининг бир ҳил эмаслигининг сабабларини топиб ўқитувчи ўз хусусий педагогик фаолиятини тузатади. Айнан шунинг учун ўқув жараёнини ҳар бир ўқувчини ўқитишнинг алоҳида босқичларида нималарга эришганини доимо ҳисобга олиш билан амалга оширилади. Кичик гуруҳларда ишлашнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Энг асосийси ўқишга қизиқиш кескин ошади, ижобий муносабатлар шаклланади. Ўқувчиларнинг жавобларидан маълум бўлишича бирор-бир ўқувчи доскада топшириқни бажараётган бўлса, қолганларнинг учдан икки қисми бегона ишлар билан ёки ўзаро гаплашиш билан банд бўлар экан. **Иккинчи ўринда** ўқитувчининг тушунтириши, **учинчи ўринда** фронтал топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар кўпроқ бепарволикка йўл қўйишар экан. Кичик гуруҳларда ишлаш пайтида эса бор йўғи 2,1% ўқувчиларнинг фикри чалғиши кузатилади.

Умуман олганда педагогик технологиялар ўқув таълим тизимида узлуксиз жараён бўлиб, мураккаб тизим ҳисобланади. Энди бу йирик йўналишга махсус фанларни қўшиб янгича ёндошиш бундан ҳам мураккаб ҳисобланади. Умуман сифат бу объектнинг сифат белгисини ифодоловчи хоссалар, аломатлар мажмуи. Сифат объектларининг кишилар эҳтиёж ва талабларини қондиришни, унинг мақсадга ва қўйиладиган талабларига мувофиқлигини таъминлайди.

Педагогик технология бу олдиндан лойиҳалаштирилган ўқув тарбия жараёнини мунтазам ва тадрижий тарзда амалга оширилишини таъминловчи технологик тартиблар йиғиндисидир.

Педагогик технология бу фақат таълимда техник воситалардан фойдаланишгина эмас, балки, ўқув тарбия жараёнини мазмундор техникавий амалга оширишдир. Хусусан конструктор

циялаш ва усуллар ҳамда материалларни қўллаш воситасида таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил этиш йўли билан таълим жараёнини оптималлаштириш тамойилларини аниқлаш ва усулларини ишлаб чиқиш аҳамиятлидир.

Педагогик технологияларни моддийлаштириш (дарсликлар, таълим методикаси, ўқитувчи, педагог ўқитувчи фаолияти)-шахсни белгиланган сифатларда шакллантиришга мақсадли ва олдиндан кўзланган педагогик таъсирни яратиш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ воситалар, усуллар ва жараёнларнинг ташкиллаштирилган мажмуи. Унинг тузилишини қуйидаги инвариант усуллар белгилайди: ўқувчи; таълим тарбиянинг мақсади, таълим ва тарбиянинг мазмуни; тарбия ва ўқитиш жараёнлари; ўқитувчилар педагогик фаолиятини ташкиллаштириш шаклларида иборат. Махсус фанларни ўқитишда педагогик экспериментга алоҳида эътибор бериш керак.

Тадқиқотчи махсус яратган ёки назорат қилаётган шароитларда, ўқув ёки назорат қилаётган шароитларда, ўқув ёки тарбия ишлари соҳасидаги **эксперимент, таълим усуллари, воситалари ва уларнинг натижалари** ўртасидаги боғлиқликни белгилаш педагогик омиллар ўртасидаги сабаб, оқибат муносабати ҳақидаги янги билимларни олишга имкон берувчи педагогик тадқиқот усулларининг мажмуидир.

Назоратдаги ва эксперимент гуруҳларни қиёслаш ўрганилаётган объект ёки тизимга хос тегишли ўзгаришларни қайд этиш асосида кўрилади.

Янги педагогикада моделлаштириш ҳам махсус фанларни ўқитиш ва педагогик технология ўртасида боғлиқлик вазифасини бажарувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Махсус ўхшаш моделлар яратиш йўли билан амалда мавжуд педагогика тизимини моддий ёки фикран тиклаш, бунда мазкур тизимни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тамойиллари намоён бўлди.

Моделлаштириш ёрдамида тизимнинг кам аҳамиятли хоссаларидан четлатиш мумкин, лекин ҳар қандай модел шундай педагогик ҳодисалар тоифасини маълум даражада соддалаштиришни назарда тутадиги, у нарсани идроклаш сифатида кўри-

нади ва объектнинг айнан ўхшаш барча томонидан унинг такрори бўлиши мумкин эмас. Педагогик фаолият ўқув программаси ёки бир қатор бошқа программалар, шунингдек таълимнинг бошқа вазифалари ва унинг ижтимоий мақсадларида кўзда тутилган натижаларига эришиш учун таълим муассасаларида махсус тайёргарлиги бўлган мутахассислар томонидан амалга ошириладиган фаолият педагогнинг ваколатлилиги, педагог фаолиятининг самаралилиги қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади; билим даражаси ва у бошқаларни ўқитмоқчи бўлганини тушуниши; ўқитиш технологиясини эгаллаганлик даражаси; шахсни ўқитиш тарбиялаш ва ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни бир вақтда бажаришга эришиш қобилияти. Махсус фанларни ўқитишда ҳар доим замонавий педагогик технологиялар қонунлари ҳисобга олинган ҳолда таълим-тарбия ишлари олиб борилиши шарт, аммо махсус фан бўлгани учун махсус йўналишлар ишлаб чиқиш керак. Масалан, Археология ўз илмий йўналишига эга, унга алоҳида тизим керак. Этнографияга алоҳида усул керак. Булар шундай тизимлаштирилиши керакки, натижани олдиндан билиш шунга қараб хулосалар ва яна янгиликлар киритишга ҳаракат қилишга имкон туғилсин.

Бунда **биринчи навбатда** педагогиканинг классик қонуниятларига бўйсуниб иш бошлаш. **Иккинчидан** замонавий педагогика асосларидан унумли фойдаланиш. **Учинчидан** айнан махсус фаннинг қайси илмий йўналишда бўлса ўшани ҳисобга олиш (масалан: этнография бўлса, унинг энг муҳим томонлари асосларини ҳисобга олиш). **Тўртинчидан**, педагогнинг ўз услуби, шахсий педагогик қобилиятини ишга солиш зарурдир.

Савол ва топшириқлар

1. Махсус фанларни ўқитишда технология тушунчаси ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўз ичига олган педагогик фаолият сифатида нималардан хабардор қилади?
2. Технологик ёндашув асосида ўқувчи ёшларнинг билим фаолиятини қандай ташкил этса бўлади?
3. Янги педагогик технологияларни моддийлаштириш деганда нимани тушунаси?

III БОБ. ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Махсус фанларни янги методик ва педагогик технологиялар асосида ўрганилиши

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолотловчи, жамиятни маънавий янгилайдиган, ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётини шакллантирадиган ва уни жаҳон ҳамжамияти даражасига кўтариб, узвийликни таъминлайдиган очик демократик ҳуқуқий давлат қурмокда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 8-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқларида “Таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни-сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий ахборот коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлаш доимий устувор вазифамиз бўлиб қолади” деган эди.¹

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки таълим-тарбия жараёнига давлатимиз раҳбарияти катта эътибор қаратди. Бир қатор қонунлар қабул қилинди. Таълим тўғрисидаги ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам юксак аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп қарра такрорланади. Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқ қилади?

Педагогик технологияга аталган турлича таърифлар мавжуд. Аммо «педагогик технология» ҳақида таърифлардан эътиборга лойикроғи ЮНЕСКО таърифидир.

«Педагогик технология бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини қўйувчи техник ҳамда шахс ресурс-

¹ Ш.М. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Т. “Ўзбекистон”, 2019 йил, 1-жилд, 16-бет.

лари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир».

Аслини олганда педагогик технология бу ўқитишга ўзига хос бўлган янги (инновация) ёндошувдир. У педагогикадаги ижтимоий муҳандислик тафаккурининг ифодаланишидир.

Дастлаб 70-йиллар бошларида ривожланган мамлакатлар АҚШ, Японияда педагогик технология масалалари бўйича журналлар чиқарила бошланган, кейинчалик бу муаммо устида ихтисослашган муассасалар иш бошлаган.

1996 йилда Миср университетида ЮНЕСКО ҳомийлигида педагогик технология бўйича халқаро анжуман бўлиб ўтди. Кўпгина мамлакатлар ўқитишда технологик ёндошувдан фойдаланиб, ўқувчилар ўзлаштиришини оширишда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича синов тажриба марказида ўқиётган 50 минг боладан 75 % анъанавий ўқитишда фақат энг яхши ўқувчилар эришадиган натижаларни қўлга киритишган. Бир қатор бошқа мамлакатларда ўтказилган тажрибалар ўқитишнинг бу тизимини қўллаш ўртача ўқувчига анъанавий ўқитишда 80-85 % ўқувчилар эришадиган натижадан юқорироқ натижага эриш имконини беришни кўрсатди. Педагогик технологияни ўзлаштириш Сингапур, Корея ва Японияга 9, 13 ёшлик ва битирувчи синф ўқувчиларни ўртасида математика бўйича 3 та юқори ўринни эгаллаш имконини берди. Таълимнинг самарадорлигини оширишга технологик ёндашув АҚШда ўттиз йиллар муқаддам сақланган эди.

Педагогик технология (бу иборанинг бирламчи тушунчасида) **бихевлоризм** ғояларига асосланади. Бу йўналишнинг психологиядаги энг муҳим коидаси **организмнинг** кўрсаткичи (стимуляция) билан унга жавоби ўртасидаги алоқани бир маънолигининг сўзсиз тан олинишидир. Бу таълим жараёнини тажриба-синов тарзида ўрганишга ҳам бир хилда дахлдордир.

Америка педагогикаси бихевлористик рағбатлаш ва қувватлаш назариясини қабул қилган. У таълим жараёнида эгалланган билим, кўникма, фикрлаш тарзи, баҳолаш, хулқ каби ҳатти

ҳаракатлар мажмуасини намоиш этишни олдинги қаторга олиб чиқди. Масалан:

- матндаги атайлаб йўл қўйилган хатони ўқиб чиқиб, ҳеч бўлмаганда 90 % аниқликда топиш;

- ўқувчилар уч хоналик 10 та сон устида беҳато амаллар бажаришда намоиш этадилар;

- «Гамлет»ни ўқиб чиқиб, унинг қисқа мазмунини ёзма равишда ифода қиладилар;

- ўқувчи ҳайвонларнинг атроф муҳитга қандай мослаша боришини тасвирлаб беради;

- кутубхонада мустақил ишлаб ўқувчи ўз гуруҳида маълум мавзу бўйича маъруза қила олади;

- қурбақанинг ички аъзоларини жаррохлик йўли билан аниқлайди.

Маълумки педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир неча ўқитиш услублари ишлаб чиқилган: *муаммоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодоловчи ўйинлар, роллар бажариш, мавзувий ўқитиш* ва ҳаказо¹. Аммо улар олий таълим тизимида кенг қўлланилади деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча бунинг сабаби ҳар бир машғулотга тайёргарлик педагогнинг изланишини кўзда тутиш, юксак касбий маҳоратини, ижодий ёндашув ва кўп вақтни сарфлашни талаб қилишда бўлса керак. Энди тубдан фарқ қилувчи таълим турларини кўриб чиқамиз: *оғзаки-кўрғазмали, технологик ва изланувчан-ижодий*.

1) Оғзаки-кўрғазмали (иллюстратив) ёндошув. У анъанавий бўлиб ва асосан ўқитувчининг ахборот бериш, талабаларнинг билимини қабул қилиш, тўплаш ва хотирасида сақлаш билан белгиланади. Шу билан бирга билиш тушунчасининг асл моҳияти хотирада сақланувчи ахборот сифатида қаралади. Бундай билимлар, уларни қўллай олиш кўникмалари орқали текширилиб кўрилади (имтиҳонларда) яъни ҳеч қандай қўлланмаларсиз, хотирадаги билимларни тўғридан-тўғри саволларга жавобан ифода этиш. Бу тизимдаги билимлар эса сақлаб қолиш натижаси, кўпинча расмий маълумотдир. Улар хотирада

¹ Турғунбеков К., Тешабоев А. «Педагогика маҳорат асослари» т. 2002 й. 20-бет

тубдан юзага келтирилади. Қайта эсга олиш даражасидаги билим узок вақт хотирада сақланмайди. Шунга кўра ўқитувчининг асосий вазифаси зарурий ахборотни маълум қилиш ва уни хотирада мустаҳкамлаш устида ишлашдир. Бундай ўқув жараёнида ўқув предмети саволлар миқдори, ваъз, лаборатория ва амалий машғулотлар оралиғидаги соатлар тақсимооти, дарс ўтиш жойи қатъий белгилаб олинади.

2) **Педагогик технология.** И.П.Подласкийнинг таъкидлашича: технология яратилгунча шахсий маҳорат ҳукумронлик қилади. Маълумки, маҳсулдор таълим ўқувчиларни ёд олинган қоидалар асосида, бир ҳил вазиятдаги намуна бўйича ҳатти-ҳаракатларни ўзлаштириш имконини беради.

«...Муқаддам қўлланилган ва ўқитувчи учун ишлаб чиқилган дарсма-дарс ишланма ўрнига педагогик технологияда ўқувчининг ўқув ўзлаштириш жараёнининг таркиби ва мазмунини аниқлаб берувчи ўқув жараёнининг лойиҳаси сифатида таклиф этилади» деб ёзган В.П.Беспалько.

Педагогик технология доирасида маҳсулдор даражадаги таълим аниқ қайд этилган ва қисмлари тавсифланиб, кутилган натижалари билан асл ҳолига қайтариш лозим бўлган конвейрли жараён сифатида кўрилади¹.

Албатта педагогик технологияда ўқув ашёлари аниқ қайд этилган, ўқув мақсадига мос ҳолда ишлаб чиқилган, ўқув мавзуларини тавсия этишнинг муқобил йўлларини кўзда тутаяди, ҳар бир қисми тест ва қўшимча тузатишлар киритиш билан ҳамоҳанг бўлади. Ўқув ишлари юқори натижаларга эришишга қаратилган. Бундай йўналтирилганлик машғул бўлиш, мусобақалашуш ва ўзаро ёрдамлашуш тушунчаларидан халос эмас. Шу билан бирга у бутун таълим жараёнига маҳсулдор кўриниш беради. Шунини таъкидлаш жоизки, маълум шароитларда бир ўқув мавзусини маҳсулдор усулда иккинчисини изланувчан тадқиқот усулда педагогик технологияга ўтишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб ҳизмат қилади.

3) **Изланувчан-ёндашуш.** Бундаги мақсад ўқувчиларда муаммони ҳал этиш, янги, охиригача тугалланмаган тажрибани

¹ Фарберман Б. «Илғор педагогик технологиялар» Т. 2000 й. 7-бет

мустақил ўзлаштириш. Таъсир этишнинг янги йўллари яратиш қобилиятларини, шахсий идрокни ривожлантиришдан иборатдир. Изланувчан таълим андозасининг таълим мазмуни табиат ва жамият билан ўзаро таъсири натижасида шахс тадқиқотчилик ва жадал ижодий ҳарактерли фаолият йўлига бошлайди. Шу билан бирга педагогик таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаришда демократик, рағбатлантирувчи йўл тутди, уларнинг шахсий ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, ҳамкорликда ишлашга даъват этади, ўқувчилар ўқув фаолиятининг оператив техник жиҳатларини ўзлаштиришга қадар унинг аҳамияти ва рағбатларини биринчи ўринга олиб чиқади. Аввал таъкидлаганидек, ҳозирга қадар ўқитишда изланувчан ёндашувни ўз ичига олувчи педагогик технология кўринишлари ишлаб чиқилган.

Ўқув жараёнининг технологик шакл модели ва унинг амалий тадбиқи янгилик хусусиятига эга ва анъанавий таълимни қайта шакллантиради. Таъкидлаш лозимки, педагогикада ҳам технологик, ҳам изланувчан ёндашувлар зарур. Ҳар бирининг қўлланиладиган, ўрни бор ва уларнинг мақбул равишда бирга қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон педагоглари педагогик технология билан етарлича таниш эмаслар. Албатта, бу ҳолатни тузатишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Технологик ёндашув доирасида яратилган дидактик лойиҳалаш усулларига бўлган муносабатингиз ўқув жараёнини самарали ва шу билан бирга ўқув жараёнини ижодий режалаштириш, янги фикрлар билан бойитиш, уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради. Дарсликлар яратувчи муаллифлар ҳам педагогик технология асосида ўқитишнинг хусусиятларини ҳисобга олишлари жуда муҳимдир.

Тарбиялаш технологияси нисбатан янги атама бўлишига қарамай ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Тарбиялаш технологияси педагогикада янги йўналиш ҳисобланган. «Ижтимоий педагогика» билан биргаликда фуқаролик ғурури, ватанпарварлик, ижтимоий фаоллик, масъулият ҳисси ва бошқа шахсий сифатларни шакллантиришда жиддий таъсир қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, тарбиялаш технологияси ёшлар билан тарбиявий ишларнинг ғояси, мазмуни ва таркибини эмас, балки

бу соҳадаги ҳукумат ишлаб чиққан мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш билан шуғулланади. Тарбиялаш технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасини кўриб чиқади.

Замонавий тарбиялаш технологияси ҳар томонлама (комплекс) ёндошувни амалга оширади ва қуйидаги мажбурий талабларга риоя қилади.

1. Тарбияланувчиларга 3 йўналиш бўйича таъсир этилади.

- тафаккурига, сезгиларга ва хулқига.

2. Тарбия (ташки педагогик таъсир) ва ўз ўзини тарбиянинг ўзвийлиги туфайли ижобий натижага эришилади.

3. Тарбия жараёнида иштирок этувчи барча восита ва тадбирларнинг мувофиқлаштирилиши: ижтимоий институтлар, бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, оила, мактаб, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоалар ҳар томонлама ёндашувнинг зарурий шартидир.

4. Шахснинг маълум сифатлари амалдаги тарбиявий ишлар мажмуи орқали ҳосил қилинади.

Илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва қўллаш бобида қуйидаги тавсияларни келтириш мумкин:

- Олий ўқув юртининг илмий кенгашларида педагогик технологияни қўллашга қаратилган тажрибалар режасини муҳокама қилиб, уни амалга ошириш;

- Профессор ўқитувчиларни ўқув адабиётлари ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш;

- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида педагогик технологияларни ўзлаштириш» мавзусида кириш маърузасини профессор-ўқитувчилар учун ўтказиш;

- Олий ўқув юрти раҳбарлари, факультет деканлари, кафедра мудирларини мақсадли «педагогик технологиялар»га бағишланган 8-12 соатлик курсларда ўқитиш;

- Етакчи услубиятчилардан (ҳар бир кафедрадан биттадан) 36 соатлик дастур асосида маслаҳатчи тайёрлаш;

- Олий ўқув юртлари «Илғор педагогик технологиялар» бўйича илмий-амалий семинар ўтказиш;

- Маслаҳатчи педагоглар, ташаббускорлар томонидан педагогик технология асосида ўтказиладиган дарсларни методик таъминотини ишлаб чиқиши;

- Тажрибалар натижасини муҳокама қилиш ва истиқбол вазифаларни аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимида олиб борилаётган ислохатлар 1997 йилги «Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингандан кейин сезиларли даражадаги ўзгаришларга олиб келди. Бу ўринда шунини айтиб ўтиш ҳам жоиздирки, янги таҳрирдаги қонунда таълимни ислоҳ қилиш, замонавий кадрлар, педагогик кадрларни етиштириб чиқариш масалалари муҳим ўрин олган ва таъкидланган. Ўз навбатида ўқитишнинг замонавий турларига тўхталиб, ахборот технологияларини янада ривожлантириш ва таълим беришда эски тузум исканжасидан чиқиш, айниқса янги педагогик технологияларни қўллаш ва уни янада ривожлантириш масалалари кўтарилган.

Таълим беришда янги педагогик технологияларининг самараси албатта олдинги анъанавий ўқитишдан кўра юқори натижани беради. Ҳозирги вақтда дунёнинг ривожланган давлатларида ўқитиш янги педагогик технологиялар асосида олиб борилмоқда.

Чунки бу усулнинг самараси катта бўлиб, бунда ўқувчи ёки талабанинг ўзи дарсни ўтказди, муаммони ечади, ўқитувчи уни назорат қилиб туради. Турли йўللار билан эркин муҳокама қилинган ҳолда машғулотлар ўтказилади.

Педагогик технология педагогнинг талабаларга таъсир қилишини ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаолиятининг технологиклигини англаш усулларини таклиф этади.

Ҳозирги давр таълим технологиялари муаммоси, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушуриш ва аниқлаштиришни талаб қилади. Олий мактаб олдида педагогик технологияларининг илмий асослари уларнинг таснифи, моҳиятини очиқ бериш ва ўқув жараёнининг технологиялаштириш муаммоларини таъминлаш масаласи турибди. Педагогик

технологиянинг мезонидан бири бошқарувга асосланганлигидир. У ўқув жараёни диагностикаси уни режалаштириш ва амалга оширишни лойиҳалаш ундаги ўқитиш методлари ва воситаларини ўзгартириб туришидан иборат бўлади.

Педагогик технологияларининг самарадорлик мезони таълим жараёнининг аниқ шароитларида олинадиган юксак натижаларни кўзда тутади.

Қайта тиклаш педагогик технологиялар мезонларидан биридир. Унда педагогик технологияларни бошқа ўқув юртларида қўллаш имконияти тушунтирилади. Шундай қилиб олий мактабга мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини мураккаб ва доимий ҳаракатдаги тизимини ташкил этади. Бу тизимда бўлғуси ўқитувчининг технологик тайёргарлиги алоҳида ўрин тутади. У бўлғуси педагогнинг интеллектуал ривожланиши, фаол ўқиши, ижодий шахснинг ривожланиши тафаккурининг касбий йўналганлигини идрок қилиш, ўқув билиш фаолиятини ташкил этишда тадқиқий (илмий) тамойилларини амалга ошириш билан боғланган. Бўлғуси педагогнинг технологик тайёргарлиги олий ўқув юртида педагогик технологияларни амалга оширишни талаб қилади. Олий ўқув юрти таълим жараёнида фойдаланиладиган ва кенг тарқалган педагогик технологиялари: муаммоли ўқитиши, ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси, программалаштирилган ўқитиш технологияси, компьютер ахборот технологияси, муаллифлик технологиясидир.

Муаммоли ўқитиш технологияси. Муаммоли ўқитиш бу такомиллашган ўқитилиш технологиясидир. Ҳозирги, олий мактабдаги самарадор ўқитиш технологияси бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишни репродуктив шаклларига нисбатан тобора ошиб боради.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Шунингдек ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб бундай вазиятларни яратилишининг махсус усуллари ишлаб чиқиш зарур.

Шундай қилиб, ўқитишда муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги кутилмаган тўсиқ» билан боғланган ақлий машаққат ҳолати эмас. У билиши мақсадлари махсус тақазо қилинган ақлий тафаккурлик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излари ва енгил юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай машаққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўлавермаслигини таъкидлаш ўринли бўлади. Енгил билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий машаққат муаммоли бўлмайди. Бундай машаққат ақлий изланишни кафолатламайди. Муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш машаққатларидан фарқ қилиб унда талаба машаққат талаб қилган объект (тушунча, факт)нинг аввал ва айна вақтда маъсул бўлган вазифа масала бўйича ички, яширин алоқаларини англаб етади.

Шундай қилиб, муаммоли вазиятнинг моҳияти шуки, у талабага таниш бўлган маълумотлар ва енгил фактлар, ходисалар (қайсики, уларни туриши ва тушунтириш учун аввалги билимлар камлик қилади) ўртасидаги зиддиятдир. Бу зиддият билишларни ижодий ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи кучдир. *Муаммоли вазиятнинг белгилари қуйидагилардир:*

- Талабага нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши;
- Вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билим машаққатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли ўқитишни ташкил этишнинг **биринчи шарти** ўқув ахборотларининг такомиллашиб бориш тизимидир.

Муаммоли ўқитишни ташкил этишнинг **иккинчи шарти**да муаммоли ўқитиш амалга оширилади ва унда ахборотнинг ўқув вазифасига ўтказилиши вақтида уни ечиш усулини танлаш имконияти кўзда тутилади.

Муаммоли ўқитишни ташкил этишнинг **учинчи шарти** таълим олувчининг субъектив мавқеи, уларни билиш мақсадларини англаб етиш ва қарор қабул қилиш масаласини ҳал қилиш ва натижани қўлга киритиш учун ўзларининг ихтиёрида бўлган воситаларни баҳолай билишидир.

Муаммоли ўқитишга асосланган ўқув машғулотларини ўтказиш методикаси унда қўлланиладиган методларни асослаб беришни талаб қилади. Бунда: ижодий, қисман ижодий ёки эвристик, ахборотларни муаммоли баён қилиш, ахборотни муаммоли бошлаш орқали баён қилиш асосий методлар ҳисобланади.

Дельфин методи. Гуруҳ аъзоларидан ҳар бир муқобилга муайян изчилликда баҳо бериш талаб қилинади. Тадбирни ўтказиш тартиби қуйидагича. Масалан, статистик методлар орқали 5 та камчилик (дефект) сабаблари аниқланган.

Қайси бири муҳим камчилик? Муҳокама иштирокчилари муаммоли аввало муҳимлилик даражасига кўра саралаб чиқадилар. Ўзлари учун муҳим ҳисобланган муқобилни биринчи ўринга, икинчи даражаларини бешинчи ўринга қўядилар. Шундан сўнг ҳар бир муқобилга ҳар бир иштирокчи камчиликларнинг сабабларига тўхталган ҳолда 10 баллик тизим асосида баҳо қўйиб чиқади.

Бунда энг юқори балл сифатида 1 ва энг паст 10 балл этиб белгиланади. Учинчи босқичда муқобилларнинг ҳар бири ўзаро кўпайтирилади ва ҳосила рақам топилади. Энг кам рақам тезликда ва биринчи навбатда бартараф қилинадиган сабабни билдиради. Ҳисоблашни осонлаштириш учун махсус жадвал ясалиши мумкин.

Муқобилларни баҳолаш

<i>М.К</i>	<i>Муқобиллар</i>														
	1			2			3			4			5		
	Т	Б	Х	Т	Б	Х	Т	Б	Х	Т	Б	Х	Т	Б	Х
<i>А</i>	4	7	28	3	4	12	1	1	1	2	3	6	5	10	50
<i>Б</i>	5	2	10	3	6	18	2	7	14	1	10	10	4	4	16

В	2	8	16	1	1	1	4	3	12	3	4	12	5	2	10
Г	5	10	50	4	5	20	3	4	12	2	3	6			
Ҳосила			10			51			39			34			77
			4												

Изоҳ: Т-тоифа баҳоси (1дан 5 гача)

Б-балл бўйича баҳо (1дан 10 гача)

Х- ҳосила (яъни ТҚБ)

МК- муҳокама қатнашчилари.

Фикрлар ҳужуми (мозговая атака). Бу методдан мақсад мумкин қадар катта мақдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айна бир ҳил фикрлаш инерциясидан холи қилиш ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни энгишдир. Бу метод А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган. Бу методнинг асосий тамойили ва қондаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлоқ тақиқлаш, ҳар қандай луқма ва хазил мутоибани рағбатлантиришдир. Бу методдан фойдаланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи машғулот раҳбарига боғлиқ. **Фикрлар ҳужуми** иштирокчиларининг мақдори 15 кишидан ошмаслиги керак. Машғулотнинг давомийлиги бир соатгача.

«Фикрларнинг муддатли ҳужуми». Деструктив берилган баҳо билан диалог методи. Бу метод Е.А.Александров томонидан таклиф қилинган ва Г.Я.Буш томонидан ўзгартирилиб йўлга қўйилди. Диалогнинг моҳияти шундаки, жамоа бўлиб ғоялар ишлаб чиқишда иштирокчиларнинг ижодий имкониятлари фаоллаштирилади ва унга зид ғоялар қўйилади.

Машғулот босқичма-босқич қуйидаги тарзда ўтказилади:

1-босқич. Миқдор ва технологик мулоқоти жиҳатидан мақбул кичик гуруҳларни шакллантириш;

2-босқич. Вазифа, муаммодан келиб чиқадиган мақсадларни ифодалаш;

3-босқич. Тўғридан-тўғри «Фикрлар ҳужуми» қондасига асосан ҳар бир гуруҳда ғоялар ишлаб чиқиш;

4-босқич. Ғояларни тартибга солиш ва таснифлаш;

5-босқич. Ғояларни деструктивлаш; яъни амалга ошириш имкониятига қараб баҳолаш;

6-босқич. Аввалги босқичларда билдирилган танқидий мулоҳазаларга баҳо бериш.

Иштирокчилар: 1) Ғоялар ишлаб чиқувчи; 2) Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ғояларни баҳоловчи; 3) Зид ғояларни ишлаб чиқувчи гуруҳларга бўлинадиган бўлса, самарали натижага эришиш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. Махсус фанларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлигини тушунтириб беринг?
2. Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан қандай фарқ қилади?
3. Замонавий тарбиялаш технологияси қандай мажбурий талабларга риоя қилади?
4. Махсус фанларни ўқитишда муаммоли ўқитиш технологияси ва муаммоли вазиятнинг белгилари нималардан иборат?

3.2.Янги педагогик технология тамойиллари ва элементлари

Илғор ижодкор педагоглар анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, ўқувчини ақлий меҳнатини амалга ошириш усуллари излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситаларини яратдиларки, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. Қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани

олишни белгилайди. Таълимга тестларнинг олиб кирилиши, диагноз ва диагностик таҳлилнинг олиб кирилиши, билимларни кўп балли баҳолаш тизимида аниқлашга ўтиш, боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида, ўқувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шаклларида вужудга келиши биз бу пайтгача ўрганиб қолган анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақоза этади.

Ҳозирги вақтда ўқув меҳнати ҳам бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакаларини шахсда шаклланишини талаб қилади, бунинг учун эса ирода, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш, хаёл каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш ҳамда қўйиладиган методларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларини белгилашимиз ва таълимнинг олиниши зарур бўлган натижасини ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади. Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади.

Таълимни амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- Таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- Таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;
- Таълим жараёни бошқариловчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- Таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

Ҳозирги вақтда янги педагогик технологиянинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- Мунтазам таҳлил қилиб бориш;
- Лойиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурини танлаш;

- Методларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш (таълим методлари);

- Олиниши зарур бўлган натижасини олдиндан тахмин қилиш (мақсадларнинг амалга ошишига эришиш);

- Таълим жараёнининг яхлитлигини таъминлаш.

Янги педагогик технологиянинг таълим жараёнига тадбиқ қилиниши, таълим жараёнига бир қатор янги элементларни олиб киришни тақоза қилади. Булар:

- Диагноз;
- Ўқув бирликларини (мезонларини) белгилаш;
- Диагностик таҳлил;
- Тузатиш киритиш (коррекция);
- Қайта тўлатиш (кемтиклик йўқотиш);
- Кутилиши лозим бўлган натижани олиш;
- Рейтинг.

Юқоридаги тамойиллар ва элементларга асосланган ҳолда ва янги педагогик технологияларни таълимга жорий қилиш, айниқса хорижий ҳамда ҳамдўстлик давлатларидаги педагогик технологиялардан фойдаланиб ўзимизнинг янги педагогик технология тизимини вужудга келтириш борасида амалга оширилаётган ишларни умумлаштириш ва амалда қўллаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Таълим жараёнининг иштирокчилари педагог ва ўқувчи ўртасида ўқув меҳнатини режасини ишлаб чиқиш; яъни педагог бўлим ёки бобни ўрганиш режасини тузар экан, ушбу режада ўқувчи фаолияти ўз аксини топмоғи лозим.

2. Фаннинг ички боғланиши ёки фанлараро боғланиш имкониятларидан мақсадли фойдаланиш; Маълумки, ҳар бир ўрганиладиган кичик ёки йирик ўқув бирликлари олдин ўрганилганларига таянади. Демак ўқувчини янги бўлим, бобни ўрганишга олиб киришда ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимлар янги бобни, бўлимни ўрганишга етарли бўлмаса "оралик тайёргарлик" олиб бориш ва шундан кейингина ўқувчини билимларини ўрганишнинг навбатдаги босқичига олиб кириш лозим. Бундай ишлаш янги педагогик технологиянинг асосий элементларидан бири ДИАГНОЗ (ташхис) ҳисобланиб

ўқувчиларнинг янги билимларини ўзлаштириш қанчалик даражада тайёр эканликларини аниқлашдан иборат.

3. Ўқув бирликлари (мезонлари)ни белгилаш. Ўқув бирликлари ўқувчи томонидан ўрганилиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, қонунлар, ходисалар, воқеалардан иборат бўлиб, улар орасидаги мантиқий боғланишнинг таъминланиши шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ўқитувчи боб, бўлим учун ажратилган соатларда ўқувчилар ўрганиши керак бўлган ўқув бирликларни аниқлайди, у учун ажратилган вақтни ҳам белгилайди. Ўқув бирликлари ўзлаштирилиши (билиши) зарур бўлган мезонлар ҳисобланиб, ўқувчи билимини баҳолашнинг чегаравий қиймати билан ўлчанади, яъни ўқувчи ушбу кўрсатилган мезонларни билсагина баҳоланади. Ўқитувчи шу пайтда гуруҳга нисбатан ўртача баҳо билан ишламайди, балки аниқ ўлчовларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Шунинг учун ҳам ўқув бирликларини билиш ўқувчи учун зарур топшириққа айлантирилади.

Ўқув режасини тузишда ўқитувчи ўқувчилар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини бўлимлар, боблар, семестрлар бўйича аниқлайди ва ўқувчиларга топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб беради. Берилган топшириқлар ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топшириғига ўтказилади.

4. Диагностик таҳлил. Билим, кўникма ва малакадаги камчиликни аниқлаш, уларни тўлдириш ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига кутарилиш мақсадида диагностикалаштириш амалга оширилади.

Диагностикалаш қуйидаги мақсадларни амалга оширади:

- Ўқувчилар ўзлаштириш даражасини диагностикалаштириш бўлимлардаги етишмовчиликларнинг олдини олиш;
 - Аниқланган етишмовчиликларини тўлдириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқиш;
 - Махсус топшириқлар билан ишлаш соатларини белгилаш.
- Якуний диагностик таҳлил қилиш.

Диагностик таълим технологиясининг навбатдаги босқичи бўлиб, унинг асосий элементларидан ҳисобланади. Ўзлаштириш-

даги камчиликлар сабабини аниқлаш, ҳар бир ўқувчининг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришида тузатишлар киритиш йўли билан таълим жараёнининг кафолатланганлиги таъминланади. Диагностик таҳлил назорат турларидан тест сўровида амалга оширилади. Тест сўрови натижаларини диагностик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қилади:

1. Қайси ўқувчи қайси ўқув бирликларида қийналади.

2. Ўқитувчи қайси билимларини кучайтириши лозимлигини аниқлайди.

5. Тузатиш киритиш (коррекция). Бўлим, бобнинг ўзлаштирилиш даражасининг диагностик таҳлили натижасида 50%дан кам кўрсаткич олинса, ўқитувчи таълим жараёнининг боришига тузатиш киритиши лозим. Тузатиш киритишда қуйидагилар бажарилади:

- Ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни аниқлаш. (диагностик таҳлил асосида)

- Қайта ўрганилиши лозим бўлган мавзуларни янгича ўргатиш методикасини ишлаб чиқиши.

- Ўқув режасида тузатиш киритиш соатларини белгилаш.

6. Қайта тўлдириш (нуқсонларни йўқотиш), қайта тузатиш киритиш (коррекция)дан мақсад, олинган билимлардаги камчиликларни бартараф этишдан иборат. Камчиликларни бартараф этиш тўлдириш асосида амалга оширилади. Қайта тўлдириш асосан амалий тадбиқий машғулотларида амалга оширилади. Шу мақсадда ўқитувчи ўқувчилар ўзлаштириш даражасидаги "тўлдиришни" амалга оширмоғи лозим.

Бунда ўқитувчи танлаётган ўқув вазифасининг даражасини ўқувчиларда мавжуд бўлган реал билимларга мослаштириши зарур.

7. Кутилиши лозим бўлган натижани олиш. Бу элемент янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология таълим жараёни натижасида кафолатли бўлишини талаб қалар экан, жараённинг боришини кўзда тутилган мақсадда амалга оширилиши ва натижали бўлишининг мақсадли режалаштирилишини ўқитувчи олдига мақсад қилиб қўяди. Жараён бориши давомида шу жараён таҳлил қилиб

борилади, тузатишлар киритилади, қайта тўлдиришлар амалга оширилади ва олдиндан кутилиш режалаштирилган натижа олинишига эришилади.

Биз янги педагогик технология деб илгари сурган ғоянинг мақсади ана шундадир.

Таълимда технологик ёндашиш вариантлари


1. Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига кафолатли эришишда ўқув жараён лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало юзакиликда эмас, балки режалаштирилган натижани олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- Тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- Ўқувчиларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- Бажариладиган ўқув ишлари мажмуаси;
- Натижани баҳолаш.

Бундан кўринадики, ўқув жараёни "модулли" кўринишга келиб, турли мазмун билан тўлдирилган, умумий тизимга мос ҳолда ишлаб чиқилган блоклар, қисмлардан иборат.

Тузатишлар - коррекция




Тузатишлар коррекция

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштиришда педагогдан юксак малака талаб этади, материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва консультатив вазифаларни бажаради.

Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

- Фаннинг идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- Ўқув мақсадли шажараси;
- Ўқув мақсадларни назорат топшириқларига айлантириш;
- Мақсадга эришиш усуллари;
- Эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш;

Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири маълум йўналишдаги педагогик операциялар тизимини ташкил этади.




Тузатишлар коррекция (фақат хусусий ўқув мақсадлари учун)

Мақсадлар каталогини ишлаб чиқиш

2. Педагогик технологияни тушунишнинг асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлиги ўқувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрганишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб ўқув жараёнини тўла қамраб олиши керак.

Педагог одатда ўз олдида ўқувчилар ўқув материалининг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишсин, маълум билимларни эгаллаб амалиётда қўллашга ўргансин деган мақсадни қўяди.

Педагог ўз олдида қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади? Педагогик мақсадларга эришгани, ёки эришмаганлигини билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, педагог ўзининг меҳнати самарали эканлигига ва танлаган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Одатда жамиятдан буюртмани умумий кўринишда олади. Фан бўйича берилган ўқув дастурларида берилган мақсадлар ҳам жуда оз кўринишда бўлади. Бундан чиқиш учун мақсадларни аниқлаштириш борасида маълум бир тизимни тузиш мумкин: жамиятнинг умумий талабларидан таълим тизими вазифаларига маълум ўқув юрти, ўқув фани, унинг тематик ва алоҳида ўқув масалаларига.



Таълимнинг интерактив методлари

4. «Кичик гуруҳларда ишлаш»



Мақсади:

Ўқувчи кичик гуруҳларда ишлаганда, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

Қўллаш усули:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Керакли асос яратилади. Ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак.

3. Гуруҳлар бегиланади. Ўқувчилар гуруҳларга 3-5 кишидан бўлинишлари керак.

4. Аниқ кўрсатмалар берилади.

5. Қўллаб-қувватлаб ва йўналтириб турилади.

6. Муҳокама қилинади.



«Ақлий ҳужум» бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Бу метод орқали шахсни техник ривожлантириш мумкин. У тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

«Ақлий ҳужум» методини принципи жуда содда:

- Сиз бир гуруҳ иштирокчиларни тўплайсиз, ҳамда улар олдида бирор муаммоли вазиятни ечиш бўйича ўз ечимларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сурайсиз. Мазкур этапда иштирокчилардан ҳеч бири бошқа қатнашувчиларни ғояси, фикрини муҳокама қилиши ёки баҳолаши мумкин эмас.

«Ақлий ҳужум» методини қўлашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган ғоя ва фикрлар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.


2. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар, улар ҳатто бўлмағур бўлса ҳам, ҳисобга олинади.

3. Қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши.

4. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

5. Ғоя ва фикрларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади.

«Мунозара»



«Мунозарани ўтказиш методи»

1. Етакчи, мунозара мавзусини танлайди ва қатнашувчиларни таклиф этади.

2. Етакчи қатнашувчиларга муаммо бўйича «Ақлий ҳужум» масаласини беради ва уни ўтказиш тартибини бегилайди.


3. Етакчи «Ақлий ҳужум» вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзиб бориш учун котиб тайинлайди. Бу этапда етакчи гуруҳ қатнашчиларини ҳар бир аъзоси ўз фикрини билдиришга шароит яратиб беради.

4. Етакчи иккинчи этапга ўтишдан аввал қисқа танаффус эълон қилади, иккинчи этапда «Ақлий ҳужум» қатнашчилари билдирган фикр ва ғояларни, гуруҳлаштириб, уларни таҳлил қилишга ўтилади.

Таҳлил орқали қўйилган вазифани энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилинади.

"Нафис арра"

Мазкур метод ёрдамида ўқувчилар ўрганиладиган материал бўйича маълум билимга мустақил эга бўлиши, жамоа билан ишлаш малакасини ошириши, ахборот алмашиш ҳамда жамоа бўлиб қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлади.



Методнинг этаплари

- Гуруҳда ўрганиладиган материал номи доскага ёзилади ва қандай саволларга жавоб топилиши лозим эканлиги тушунтирилади.

Гуруҳ ўқувчилари 5-6 кичик гуруҳларга (бошланғич гуруҳ) бўлинади ва ҳар бир гуруҳ ўрганиладиган материал бўйича алоҳида маълум мавзуларни олади. Ҳар бир гуруҳ ўрганиладиган мавзу бўйича, олдиндан тайёрланган, керакли материаллар жамланмаси билан таъминланади;

Бошланғич гуруҳлар 10-12 минут давомида тақдим қилинган материални ўрганади ва муҳокама қилади. Натижада Сиз ўзига берилган мавзунини яхши биладиган 5-6 гуруҳ экспертларига эга бўласиз; кейинги этапда ҳар бир гуруҳдаги қатнашчига маълум тартиб рақами берилади ва тартиб рақамлари бир хил бўлган ўқувчилардан янги (экспертлар) гуруҳлари тузилади;

15-20 минут давомида янги экспертлар гуруҳини ҳар бир аъзоси олдинги гуруҳга берилган мавзу мазмунини тушунтириб беради. Натижада умумий мавзунини яхлитлиги бўйича ўзлаштириш таъминланади; экспертлар гуруҳининг ҳар бир аъзоси олинган ахборотни маълум бир вазиятда қўллай олишини таъминлаш учун мавзу бўйича бирор муаммоли вазият гуруҳларига берилади ва ҳар бир гуруҳ ушбу муаммони тўғри ечимини топиши лозим;

- муаммо ҳар бир эксперт гуруҳида муҳокамадан ўтгач гуруҳларнинг сардорлари муаммо билан синфни таништиради ва унинг ечимини кўрсатиб беради;

- дарс охирида ўқувчилар билимини текшириб кўриш ва баҳолаш учун ўрганилган материал бўйича экспресс тест ўтказилади.

Педагогик технологияда ўқув мақсадларини қўйилиши ўзининг маълум хусусиятларига эга. Бу шундан иборатки, таълим мақсадлари ўқувчилар ҳаракатида ифодаланадиган аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади.

Таълим мазмунини одатга кўра асосан тематик йўналишга эга ва унда ўқитишнинг аниқ мақсадларини кўриш қийин. Ўқитиш

вазифаларини таққосланадиган мақсадларини енгиллаштириш учун, ўзлаштирган ўқувчиларни малакасини ифодаловчи феъллардан фойдаланиш мумкин: билади, тушунтиради, чиқаради, ишлатади, намойиш қилади, ажратади, топади ва ҳоказо. Феълларни умумий ёки хусусий кўринишда ҳам ифодалаш мумкин: ўрганиш, аниқлаш, танишиш, тушуниш, белгилаш, ажратиш, тўплаш, тузиш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, мақсадларни аниқроқ тайинли қўйишнинг асосий йўли - маълум натижа билан якунланадиган ҳаракатларни ифодаладиган феъллардан фойдаланишдир.

Таққосланадиган таълим мақсадларини (вазифаларини) шакллантириш қуйидаги тизим бўйича босқичма-босқич амалга оширилиши керак: тайинли ўқув машғулотининг умумий мақсади» ўқитишнинг хусусий мақсади > таққосланадиган ўқитиш мақсади (вазифа).

Педагог кадрларга қўйиладиган замон талаблари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи, педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди, бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;
- ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилати;
- таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати;

Умумлаштирилган модел доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «қиёфа»сини ифодалайди. Малакавий талаблар педагогнинг умумлаштирилган моделидан келиб чиқадиган алоҳида йўналишлар бўйича, қуйида дифференциалланган тайёргарлик йўналишларидан бир нечтаси берилмокда.

Касбий тайёргарлик (фанни чуқур билиш, касбий мувофиқлик, эрудиция)

Педагог;

- ўқитиладиган фан мансуб бўлган тармоқ билимлар соҳасининг тарихи ва ривожланиш истиқболлари;
- ўқитиладиган фаннинг ўқув жараёнидаги ўрни ва роли ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*; - «Таълим тўғрисидаги қонун ҳақида»;
- «Кадрлар тайерлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида;
- ўз фани бўйича ўқув дастурини;
- ўз фани ва тегишли тармоқнинг замонавий илмий ва амалий ютуқларини;
- ўз фанининг тушунчалари, атамалари ва таърифлари, қонуниятлари, тамойиллари, усуллари ва услубларини;
- илмий амалий ижодиёт методологиясини;
- фан бўйича тегишли машғулотлар олиб боришда далил-лаш ва инкор қилиш усулларини;
- илғор педагогик технологиялар, ўқув жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фан бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик усулларни; - мувофиқ соҳанинг, малака ошириш учун керак бўлган касбий ахборотни билиши *ва қўллай олиши*;
- ўқитиладиган фан бўйича билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- фанга таълуқли турли маълумотлар (маъруза, дарс, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар)ни малакали ўтказиш ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкилий ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштириш усуллари («Кичик гуруҳларда ишлаш», «Ақлий ҳужум», ишбилармонлик уйинлари, диалог ва бошқа янги ва шаклда ифодалаш усуллари)ни ахборотли (тарқатма материал ва шу кабилар) ва услубий таъминлаш;
- ўқувчининг фан бўйича олган билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг объектив (мазмун бўйича) шаклларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича *кўникмаларга эга бўлиши шарт*.

«Илғор педагогик технологиялар»

Педагог;

Илғор педагогик технологияларнинг илмий-услубий асослари;

- Илғор педагогик технологияларнинг тарихи;
- ўқув жараёнига ёндашиш тамойиллари ҳақида *тасаввурга эга бўлиш*;
- ўзлаштиришнинг унумли ва изланув поғоналари учун педагогик технологияларни;
- ўқитиладиган фанга таалукли илғор педагогик технологияларни;
- ўқув жараёнининг мувофиқ вазиятларини ўрганишга доир тушунтирув - кўргазмавий, технологик ва изланув усулларини;
- ўқитишнинг фаол усулларини билиши ва *қўллай олиши*;
- ўқитишга технологик ва изланувчан ёндашиш усулини ишлаб чиқиш;
- уй вазифаларини мақсадли, диагностик, керакли ҳажмда бериш, лойиҳаларнинг мантиқий тузилмаси, коррекция;
- ўқув мақсадлари ва вазифаларининг тизимини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадлари ва вазифалари асосида тест топшириқларини тузиш бўйича кўникмаларга *эга бўлиши шарт*.

Ахборотли технология

Педагог:

- ахборотдан жараён сифатида билим олиш ва ижод қилиш;
- фан, техника ва маданиятдаги ахборот ва креатив жараёнлар;
- ахборотда жамиятни ривожлантириш муаммолари;
- сунъий интеллектнинг ахборот тизимлари ва билим бериш усуллари;
- ахборотлашнинг техник воситалари ва телекоммуникация воситалари;

- универсал ва муаммоли-мўлжалли ахборот технологияларини амалга оширишнинг дастурий воситалари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;

- ўқитиладиган фанга таълуқли бўлган универсал ва муаммоли - мўлжалли ахборот технологияларни;

- таълимда мультимедия технологиясини;

-ахборотни моделлаштириш асосларини;

- ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини;

- ўқув материаллари ҳақида ахборотли маълумот тизимини билиши ва *қўллай олиши*;

- ўқитиладиган фан бўйича маълумотлар базасини яратиш;

-глобал интернет компьютер тармоғидан фойдаланиш;

- ўқув жараёнида амалий дастур пакетларини қўллаш;

-ўқув жараёнида электрон почтадан фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши *шарт*.

«Рейтинг назорати ўқувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш»

Педагог:

- ривожланган давлатларда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш ва назорат қилиш тизимлари:

- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини рейтинг назорат қилишнинг мақсад ва вазифалари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*:

- Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишни рейтинг тизими тўғрисидаги низомини;

- ўқувчилар билимлари кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини ташкил этиш ва ўқув—услубий таъминлашни режалаштиришга оид услубий кўрсатмаларни:

- "ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш учун оғзаки сўров, ёзма усулларини ва тестлашни *билиш ва қўллай олиш*.

- ўқилётган фан бўйича ўқувчиларнинг билимлари кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини режалаштириш, ташкил этиш ва ўқув-услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг билимларини турли назорат ишлари (оғзаки, сўров, ёзма, тестлаш) усулларида баҳолаш;
- ўқитилаётган фаннинг бўлимлари бўйича ва ёппасига ёзма назорат қилиш ишларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш;
- ўқилиётган фан бўйича тезкор (экспресс) назорат қилиш учун тестлар ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкилий ва услубий таъминлаш

Педагог:

- ривожланган давлатлар ўқувчиларнинг мустақил билим олиш тахнологияси, унинг ташкилий ва услубий таъминланиши;
- «Шахс ахборотли муҳит» тизимдаги жараёнлар ва уларни бошқариш;
- ахборотли жамиятни ривожлантириш муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- мустақил билим олишнинг «ўқишни ўргатиш» тамойилини;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун глобал интернет компьютер тармоғини;
- ўқитилаётган фан бўйича мустақил билим олишнинг турли ташкилий шакллари;
- «Лойиҳавий ўқитиш»ни;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун фаол ўқитиш методологиясини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкил қилиш, режалаштириш ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларни мустақил (турли-туман манбалардан) билим олишларига раҳбарлик қилиш;

- ўқувчиларни мустақил билим олиш воситалари ёрдамида олган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш;
- мустақил билим олишда илмий билиш ва илмий тадқиқот усулларида фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Савол ва топшириқлар

1. Махсус фанларни ўқитишда таълим жараёнини самарали бўлишини таъминлайдиган технология нима?
2. Таълим тизимида диагностик таълим технологияси қандай вазифаларни хал қилади?
3. Таълимда технологик ёндашув вариантларини тушунтириб беринг?
4. Таълимнинг интерфаол методларини эсланг ва тушунтириб беринг?

3.3.Махсус фанларни ўқитишда педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари ва ана шуларга асосланган маъруза машғулотларини ўтказиш

Педагогик технология таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ташкилий, услубий, амалий шунингдек, ўқув жараёнининг ахборотли ҳамда техник воситалар ёрдамида уюштирилиши борасидаги имкониятларга эгаллиги боис ўқитувчилар, педагог ва психолог олимлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳиятини билиш мазкур жараён борасида аниқ, тасаввурга эга бўлишимизга имкон яратади. Шу боис биз қуйида педагогик технологиянинг асосий тамойиллари ва уларнинг моҳияти хусусида сўз юритмоқчимиз.

Педагогик технология умумий дидактик тамойилларга эга бўлиши билан бирга, айнан ўзигагина хос бўлган тамойилларга ҳам эгадир. Улар қуйидагилар:

Бир бутунлик, яхлитлик тамойили. Ушбу тамойил икки жиҳатни ўзида акс эттиради:

- таълим, тарбия ҳамда шахс камолоти бирлиги;
- педагогик технологиянинг муайян, қатъий тизимга эғалиги. «Тизимлилик» тушунчаси бу ўринда ҳам маълум ўқув фанини ўқитиш жараёнига хосликни англатади.

Асослилик тамойили. Мазкур тамойил фанларнинг ўрганиш объекти, ички моҳияти ва хусусиятларига кўра турли йўналишларга бўлиб ўрганиш афзалликларини ифода этади. Ўқув фанлари табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар тарзида туркумлаштирилган. Ҳар бир ўқув фани унинг учун «ядро», «ўзак» саналувчи маълумотларга эга бўлиб, ушбу маълумотлар шахс томонидан фанлар асосларининг ўрганилиши, аниқ, мутахассислик бўйича мустақил билим олиш, уни гуруҳлаштириб ва кенгайтириб бориш учун таянч тушунчалар бўлиб хизмат қилади.

Бундай моҳиятли ёндашув маълум йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ишида фанлараро алоқадорлик хусусиятидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқув фанларининг йирик йўналишлар тарзида бириктирилиши шахс хотирасида нисбатан зўриқишни камайтиради, шунингдек, фикрлаш қувватини оширади, тафаккурнинг юзага келишини таъминлайди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида таълим жараёнининг ташкил этилиши талабаларга барча соҳалар бўйича оз-оздан маълумот беришдан иборат деб талқин этилган бўлса, 90-йилларда ушбу жараённинг ташкил этилиши маълум аниқ, фан моҳиятини ўзлаштириш, ўзлаштирилган билимлар негизида янги маълумотларга эга бўлиш учун қулай шарт-шароитни вужудга келтириш жараёни сифатида эътироф этилди.

Моҳиятли ёндашув асослантиришнинг муҳим омили саналади. У шунингдек, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларни умумлаштириш тарзида синергетик ёндашувни ҳам кўзда тутлади.

Маданиятни англаш тамойили. Мазкур тамойил олмон педагоги Дистерверг томонидан XIX асрда истеъмолга киритилган бўлиб, бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бу тамойил талабаларга ижтимоий жамият маданий тараққиётнинг мавжуд даражасидан келиб чиқиб, таълим берилишини назарда тутди. Ўтган асрда таълим самарадорлигини таъминловчи етакчи омил сифатида кафедра (минбар) ортида турган маърузачи педагогнинг билим даражаси ва маҳорати эътироф этилган бўлса, бугунги кунда маърузачи ўқитувчининг билими, салоҳияти ҳамда маҳорати даражасининг юксаклиги билангина юқори натижаларни қўлга киритиб бўлмаслиги барчамизга аён. Бу борада замонавий таълим имкониятлари: компьютер, мультимедиа воситалари, жамият ижтимоий маданияти ва иқтисодий тараққиёти кўламининг эътиборга олинishi муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда биз «мутахассисларни билиш, бажара олиш» ғоясига таянувчи бозор иқтисодий муносабатлар жараёнини ташкил этишга тайёрлаб олишимиз лозим.

Таълимни инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили. Тилга олинган ушбу ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан (юнонча *humanus*-инсонийлик, *humanitas*-инсоният) бир ўзакка эга бўлсада, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъноларни ифодалайди. Инсонпарварлаштириш ОЎЮда ўрганиладиган фанлар сирасига ижтимоий фанлар (тарих маданият-шунослик, социология, психология, филология ва бошқалар)-нинг киритилишини, инсонийлаштириш тушунчаси эса шахс ва унинг фаолиятига нисбатан ижобий ёндашувни англатади. Бошқача айтганда инсонпарварлаштириш бу инсон ва ижтимоий жамият билан боғлиқ барча муносабатлар жараёнида инсон омили, унинг қадр қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлашга асосланувчи фаолият жараёни бўлса, инсонийлаштириш - «барча шароитлар инсон ва унинг камолоти учун» деган ғоя асосида ташкил этилувчи фаолият жараёни саналади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳар бир ўқитувчи ушбу тамойилга қатъий амал қилиши лозим ёки ўз мутахассислигига оид муаммоларни ҳал этишда уни жамият манфаатлари билан уйғун келишига эътибор бериш лозим. Эндиликда педагог (ўқитувчи) талабаларнинг қобилияти ва имкониятларини ўрганиб авторитар тарзда эмас, балки таълимий ҳамкорлик

ғояларига содиқлик асосида таълим жараёнини инсонийлаштириш тамойилига амал қилинишини таъминлайди. Ушбу ҳолат ўз навбатида юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили. Ушбу тамойил қуйидаги икки жиҳатга эга: биринчидан, ОЎЮнинг ҳар бир ўқитувчиси ўз фани соҳасига талабаларни жалб қилган ҳолда тадқиқотларни олиб бориши лозим;

иккинчидан, ўқитувчи таълим технологиясини ишлаб чиқади, уни амалиётда синаб кўради, кузатади ва тузатишлар киритади, яъни у таълим жараёнини тадқиқ этади.

Ўқитиш жараёнининг мазкур икки жиҳати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ўқитувчининг касбий ҳамда педагогик маҳоратини ошириб боришга ва талабаларни бўлажак мутахассислик фаолиятига пухта тайёрланишига замин ҳозирлайди.

Таълимнинг узлуксиз тамойили. Мазкур тамойил талабаларнинг касбий сифатларга эга бўлишлари, уларнинг ҳаёт фаолиятлари давомида такомиллаштириб боришини назарда тутаетди. Шахсга унинг бутун умри учун асқотиши мумкин бўлган билимларни бериш мумкин эмас, чунки мавжуд билимлар ҳар беш йилда ўзгариб, мазмунан бойиб боради. Демак, мазкур тамойил ўқитувчининг ўз фаолиятида мустақил таълимни ташкил этишга эътибор бериши, педагог етакчилигини таъминлаган ўқитишдан талабаларнинг мустақил таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиб беришини ифода этади.

Фаолиятли ёндашув тамойили. Назария ва амалиётнинг дидактик боғлиқлигига асосланади. Дидактика назариясида билим тушунчаси икки хил маънода изоҳланади: талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳамда улар томонидан ўзлаштириб, амалий фаолият жараёнида қўлланиладиган, шахсий тажрибага айланган билимлар. Билимлар фаолият юритиш жараёнидагина мустахкамланади, шу сабабли талабаларда назарий билимларни амалда қўллай билиш лозим. Амалиётдаги тадбиқига эга бўлмаган билимлар тез орада унутилиб юборилади.

Педагогик технологиянинг асосий тамойилларига амал қилган ҳолда педагогик фаолиятни ташкил этиш ўқитувчининг педагогик маҳоратини ошиб боришига ҳамда талабаларнинг касбий сифатларни эгаллаши, шунингдек, уларда шахсий тажрибаларнинг ҳосил бўлишига замин яратади.

Маъруза машғулотларига технологик ёндашув, режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади. Мақсадга йўналтирилганлик, таълимни алоҳида ўргатувчи эпизодларга бўлиш, жараён натижаларини ташхисли текшириш каби ўқув жараёнининг қирралари бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига мужассамлаштириш имкони туғилади.

Илғор педагогик технологияларга асосланган маъруза машғулотларини ўтказишга доир ўқув мақсадлари билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунда мақсад деб ўқитувчининг фаолияти назарда тутилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, сўзлаб бериш ва х.к.) вазифаларга эса ўргатиш натижалари киритилади. Демак, вазифалар деб талабаларнинг дарс бошланганда билмай, сўнггида ўрганган, агар шу машғулотда ўргатилмаганда, кейинчалик бу нарсани қила олмаган ҳаракатларини тушуниш лозим.

Бизнинг назаримизда, маъруза машғулотида вазифаларни янада аниқроқ қўйиш ўқитувчи учун катта масъулият юклайди ва қуйидаги талаблар қўйилади:

- ҳар бир вазифани «дарс якунида талабалар қуйидагиларни бажара олишлари лозим...» деб бошлаш лозим;
- ҳар бир вазифа тартиблаб чиқилади;
- ҳар бир вазифа феъллар билан якунланиши лозим;
- ҳар бир вазифани талабалар бажариши имконияти даража-сида қўйиш лозим;
- ҳар бир вазифа фақат битта натижани кўзлаши керак;
- вазифани шундай қўйиш лозимки, унинг ишлатилишини мезонлаш, қандай қилиб мақсадга эришганлигини аниқлаш мумкин бўлсин.

Шуни эсда тутиш лозимки, вазифалар ўқув саволларини, мавзуларни, бўлимларни, предметни, нималарни баҳолаш кераклигини (оғзаки, ёзма ёки тест услубида) аниқлаб беради. Вазифалар аниқланган бўлса, шундан сўнг ўқув натижаларини аниқлаш учун назорат топшириқлари тузиш лозим. Назорат топшириқлари оғзаки, ёзма, назорат саволлари ёки тест бўлиши мумкин.

Фанлардан илғор педагогик технологияларга асосланган маъруза машғулотларини яратишда маъруза матни қисмлари (асосий саволлар) бўйича ўқитувчи мақсади, талабалар бажариши лозим бўлган вазифалар (идентив ўқув мақсадалари) ва назорат топшириқлари (тўрт хил даражали) ўртасида узвий равишда педагогик, рухий ва методик боғлиқлик бўлиши лозим.

Нazorat топшириқлари тизимида турли хил даражали топшириқлар ўртасида қуйидаги меъзон бўлиши керак:

1-даражали топшириқлар барча назорат топшириқларининг 40, 2-даражали топшириқлар 30, 3-даражали топшириқлар 20 ва 4-даражали топшириқлар 10%ини ташкил этади.

Биз қуйида «Тарих ўқитиш методикаси» фанининг бирор мавзуси бўйича илғор педагогик технологияларга асосланган маъруза матнини яратиш бўйича тавсиялар келтирамиз:

МАВЗУ: Фарғона водийсидаги жой номлари (2 соатга мўлжалланган маъруза).

Асосий саволлар:

1. Фарғона вилоятидаги жой номлари
2. Андижон вилоятидаги жой номлари
3. Наманган вилоятидаги жой номлари

Таянч тушунча ва иборалар: Фарғона, Совай, Қўқононбой, Чувалача, Боғдод, Бочқир, Андижон, Мингтепе, Наманган, Поп, Чуст, Бешариқ, Ропқон.

Идентив ўқув мақсадлари (талабалар бажариши лозим бўлган вазифалар):

1.1. Фарғона вилоятидаги жой номларини таърифлайди.

1.2. Андижон вилоятидаги жой номларини таърифлайди.

1.3. Наманган вилоятидаги жой номларини таърифлайди

Сўнгра барча асосий саволлар бўйича маъруза матнлари келтирилиши лозим, ҳар бир асосий савол маъруза матнидан сўнг талабалар даражасини синаш учун **Назорат топшириқлари** берилади.

Савол ва топшириқлар

1. Махсус фанларни ўқитишда педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари ва уни ўзига хос хусусиятларини тушунтириб бера оласизми?
2. Таълимни инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили нима? ва унга амал қилиниши ҳолатлари қандай?
3. Илғор педагогик технологияларга асосланган маъруза машғулотларини ўтказиш вазифаларини биласизми?

IV БОБ. ТАРИХ ТАЪЛИМИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

4.1.Тарих таълимида янги педагогик технологияларнинг роли

Мустақиллик йилларида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш истиқболи тақдиримизни белгилайдиган ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимиз бўлишини таъминлайдиган жараёнига айланди. Яъни, ватанимиз келажагининг устунлиги бўлган ёш авлод онгида миллий ғоя тафаккури, ватанпарварлик ва инсонпарварликни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар, айниқса тарих фанининг ўрни ва роли бекиёс бўлиб, унинг янги педагогик технология асосида ўқитиш методикаси алоҳида ва муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, бу борада истиқлолнинг ўзи бош тарихий воқеа бўлиб, ўтган йиллар давомида тарихни ўқитиш ва ўрганиш, умуман тарихнинг долзарблиги тўғрисида биринчи Президент Ислам Каримов фаолияти бекиёсдир. Жумладан «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» мавзусидаги тарихчи олимлар ва журналистлар билан (1998 йил, 28 июнь) суҳбати, «Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги (1998 йил, 27 июль) Фармони ва бошқа Ватан тарихини ривожлантириш ҳақидаги фикрлари тарих таълими тизимида ва хусусан тарих ўқитиш методикаси учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Барча эришилган мувоффақиятларни мустаҳкамлаш, келажаги буюк давлатни барпо қилиш, аввалам бор ёшларни миллий ғоя ва мафкура руҳида тарбиялаш тарихий вазифа бўлиб қолди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов «Маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифалардан биридир»¹, -деган эдилар.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга оширишга амалдаги оширишга амалдаги таълим тизимини тубдан ислох

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, «Шарқ», 1997, 14-бет.

қилиш уни замонавий илм фаннинг илғор тажрибаси ва ютуқларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими муассасаларининг барча шакл ва турларида ўқув-тарбиявий жараёни илмий-методик жиҳатдан тўла таъминлаган ҳолда эришиш мумкин.

Тарих таълими тизими соҳасига ташқи томондан доимо бўлиб турадиган ўзгаришлар амалдаги таълим тизими олдига фан, техника, технология, ишлаб чиқариш маданият ва кундалик педагогик амалиёт талабаларининг кўникуви муаммоларини узлуксиз равишда кўндаланг қўймоқда. Шу муносабат билан тарих таълими тизимида тарих фанининг тадқиқот жараёни самарадорлигини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш, илғор педагогик ва ахборот технологияларини замонавий ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш, таълим мазмунини шакллантириш ва узлуксиз таълим бўғинларига мослаб давлат стандартлари тузиб чиқишга киришилган ва у ҳар фан хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим тузилиши ва моҳияти, кадрлар тайёрлаш ислоҳ қилиш тарих фани олдига ҳам аниқ вазифалар қўйди. Бундай вазифалар қаторидаги Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фан, техника ва технологиялар соҳасидаги мувоффақиятлар истиқболларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялаш ва таълим беришнинг мақсад, моҳият, усул, восита ва ташкилий шакллари илмий таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг барча мажмуаси киради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига мувофиқ тарих фани ва амалиёти олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимида ривожланишнинг мақсад, вазифа ҳамда истиқболи йўналишларини амалга ошириш баркамол, ўзини такомиллаштиришга, шахсий ва ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассисни шакллантиришга қаратилмоғи лозим.

Булардан ташқари, Республикамизда тарих фанининг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий шароитда бозор ислоҳоти, миллий-маданий ва анъанавий хусусиятлар, маънавий-ахлоқий ва илмий меросимиз, умуминсоний қадриятларни ҳисобга олган

ҳолда таълим тизимида энг муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг истиқболини олдиндан белгилаш ва ишлаб чиқишдан иборатдир. Кўрсатилган мақсаднинг амалга ошуви жамиятни ривожлантириш ва бош муаммони ечишга қодир бўлган баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади. Шунинг учун олий ўқув юртлари ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари - интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерфаол методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Тарих таълими тизимида педагогик технология масалалари, муаммолари ўрганаётган ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича педагогик технология бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ТСО, компьютер, масофали ўқиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, тарих таълими тизимида педагогик технологиянинг энг асосий негизи бу ўқитувчи ва ўқувчи талабанинг натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда

қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқув ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса кила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Тарих таълими тизимида ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу якка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқитувчи-талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Республикамининг ўзига хос таълим тизимида узвийликни сақлаш таълимнинг ҳар бир бўғинида умумий ва касб-ҳунар таълими дастурларини такомиллаштиришга истиқболли ёндашувни талаб этади. Шунингдек, бу талаб илмий билимларнинг тарих тизимида мослашган истиқболли мувозанати шароитидагина амалга ошиши мумкин. Шунинг учун ҳам узлуксиз таълим ва тарих фани соҳасида ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник, демографик, маданий-тарихий ва бошқа тармоқлар тараққиётининг истиқболини белгилашда, унинг яхлит ривожланишида интеграциялашни кўзловчи узлуксиз таълимнинг тизимли ёндашуви муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барча фанлар тадқиқотида бўлгани сингари тарих таълимида ҳам янги педагогик ва ахборот технологияларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Таълим ва тарбиянинг янги технологиялари тажриба майдонларида синовдан ўтказилади. Бунда ҳар бир таълим бўғинининг тажриба-синов майдонларига Ўзбекистан Республикаси Олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг олимлари тегишли вазирликларнинг буйруқлари билан бириктирилиб қўйилади.

Устувор йўналишлардаги илмий-тадқиқотларни амалга оширишдан кутиладиган асосий натижалар:- узлуксиз таълим

тизимининг назарий-методологик базаси; узлуксиз таълимнинг янгиланган мазмуни; шахсни камол топтиришнинг ижтимоий-тарбиявий тизими, шу жумладан, ўқувчиларнинг махсус тоифа контингенти; умумий таълим ва касб-хунар дастурлари бўйича давлат таълим стандартлари; ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлоди (янги дарсликлар, ўқув-методик ва меъёрий ҳужжатлар, тест материаллари ва бошқалар); замонавий ахборот-педагогик технологиялар; таълим сифатини ва узлуксиз таълим тизими фаолияти натижаларини баҳолашнинг мезонлари ва тартибларини яратиш; ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда меҳнат қила оладиган мутахассис кадрларнинг янги авлодини шакллантириш ва ҳоказолар¹.

Шу тариқа, илмий тадқиқот мавзулари ва муаммоларнинг устувор йўналишларини ҳаётга кенг жорий этиш учун илм-фаннинг турли соҳалари олимлар ҳамда мутахассислари ҳамкорлигида иш юритсалар, таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга имкон яратилади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Таълим тизимида педагогик технология шундай билимлар соҳасини, улар ёрдамида учинчи минг йилликда давлатимиз таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфикрлик, билимга чанқоқлик, ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари тизимли равишда шакллантиради.

Тарих таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларининг моҳияти ва вазифалари нималарга боғлиқ. Аввало, педагогик тахнология бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шакллантиришни кафолатлайдиган жараёнدير.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажрата олмаяптилар. Таълим тизимида янги педагогик технология ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ

¹ Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури: педагогик илмий-тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. Тошкент, «Фан» 1999, 11-бет.

қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларини кўриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишини таъминлайди. Ёхуд педагогик технология ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган муолажалар йиғиндисидир.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида педагогик технология ўқув жараёни технологик воситалари ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинади. Фақат 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланади. Япон олими Т.Сакамото томонидан «ўқитиш технологияси - бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлиги эътироф қилинади.

Таълим тизимида қатор йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинади. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган «Дастурли таълим» (Программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ иттифоқ миқёсидаги «Шаталовчилик ҳаракати»ни эслаш кифоя¹.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳиятини бирлаштиришга имкониятлари етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга йўл очади. Фикримизча, янги педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида ёки фақат таълим амалиётини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизим деб қараш мумкин эмас. Педагогик технология бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятини акс эттиради.

¹ Н.Сайидахмедов. Янги педагогик технологиялар. Тошкент «Молия» 2003 й. 8-9 бетлар.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири «шахс манфаати ва таълим устуворлиги»дир. Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан бу моделни амалга ошириш билан ҳаётимиз жабҳаларида рўй берадиган «портлаш эффекти» натижалари рўй-рост кўрсатиб берилди, яъни:

- ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;
- инсоннинг ҳаётидан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;
- жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади;

- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;

- фуқаролик жамиятини кўришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади¹.

«Портлаш эффекти» сари шижоат билан қадам ташлаш, йўлларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма-босқич ва изчил хал этиш масалалари нафақат педагог назариячи ва амалиётчиларни жунбушга келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёнини янги қурол ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир.

Маълумки, бугунги кунга келиб тарих таълимида ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Келажакда иқтисодий бўҳронлар ортида қолиб ўқув юртлари дастурли «машина» билан етарли даражада таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин

¹ И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент «Ўзбекистан». 1998 й. 30-бет

кўмакдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариши мумкин.

Тарих таълимини технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёти йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда педагогик технологиянинг ўзига хос томонлари ва яқин келажакда у билан боғлиқ вазифаларни белгилашга ҳаракат қиламиз.

1) Кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологиянинг ўрнини асослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш;

2) Замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология каби соҳа технологиялари билан педагогик технологияларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;

3) Истикболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;

4) Тегишли бошқарув органлари (Таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни татбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;

5) Республикамиздаги олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагог ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан қуроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;

6) Олий ўқув юртлари талабалари, айниқса, мутахассис-педагог (тарихчи-педагог)лар учун 40 соат ҳажмида педагогик технология назарияси ва амалиёти бўйича махсус курс жорий этиш;

7) Республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчиларнинг иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш ва ҳоказолар.

Бугун мамлакатимиз истиклоли шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар

асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд, умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври келди. Миллий Дастурда таъкидланганидек, яқин келажакда «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожланади»¹.

Ўзбекистан Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир. Шу сабаб биз бу педагогик тушунчанинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқдамиз.

Гап замонавий технологияларни таълим тизимида қўллаш хусусида борар экан, у мактабларнинг моддий техник таъминотига ҳам ўз талабини қўйди. Машғулотларни гуруҳларга ажратиб ва индивидуал ўтиш учун ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари фаолиятларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, олган билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллаш, қўл меҳнати, амалий фаолият жараёнида амалга оширишларига шароит яратишни кўзда тутиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиши керакли материаллардан фойдалана олиши учун замонавий педагогик-психологик, дидактик ва фалсафий адабиётлар, илмий-оммабоп журналлар, газеталар, бадиий адабиётлардан фойдалана олишлари учун бой фондга эга бўлган кутубхона, унинг ишини енгиллаштириш учун синф хоналари компьютер билан таъминланиши ҳам муҳимдир¹.

Педагогик жиҳатдан таъминланишининг яна бир элементи, бу ўқитувчи шахси, мактаб педагогик жамоасини шакллантириш, педагогик технологияларнинг кириб келиши билан

¹ Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент. «Шарк» 1997 й. 59-бет.

¹ Юлдуз Амиржонова. Методика ва технология бир-биридан қандай фарқланади? "Ma'rifat" газетаси, 2003 й. 19 март.

боғлиқ замонавий мактабларда жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишларини янгилаш, мақсадида педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати, касбига тайёргарлик даражаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни қўллашда мактабларнинг адаптация жараёнидан ўтишига имкон бериш ҳам педагогик жиҳатдан таъминланишнинг элементларига киради. Шу билан бирга боланинг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги ахборотларга эга бўлиш, замонавий педтехнологияларни қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги замонавий таълим, илғор педагогик технология янги рух ва мазмундаги, педагогик тафаккур, тараққийпарвар фикр, ғоялар маҳсулидир. Янги фикр ва ғоялар ўз навбатида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хатолар ва камчиликларнинг чуқур таҳлил қилиниши натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ижтимоий-маданий муҳит аҳволи таҳлил қилинган ҳолда, таълимни инсонпарварлаштириш, юзага келган мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиб бориш, янгича ишлаш янги педагогик тафаккурнинг асоси бўлиб қолади. Бу эса ўз навбатида таълим натижасини кафолатлайдиган, таълим тизимининг ривожланиб бориши, жамият тараққиёти, шахс камолотига ҳисса қўшадиган замонавий педагогик технологияларнинг кириб келишига замин яратади.

Мамлакатимизда мафкуравий мўлжалларнинг тубдан янгиланиши, миллий истиқлол ғоясининг омма онига узлуксиз сингдириб борилиши педагогик тафаккурни ҳам ўзгартирмоқда. Мафкуравий жараёнлар педагогик воқеликни акс эттирадиган таълимий фаолият лойиҳаларини асослайдиган фан соҳаси, тасаввурларни қамраб олмасдан иложи йўқ. Янги педагогик билимлар кўлами кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кенгайиб бормоқда, тадқиқот йўналишлари эркин шахсни шакллантириш муаммоларига қаратилаяпти, бу эса таълим-тарбия тазимида янгича методологик ёндашувларни юзага келтираётир.

Технологик ёндашув таълим тараққиётининг характерлантирувчи кучи сифатида бугун амалиётга тезкор татбиқ этилмоғи

зарур. қолаверса, биринчи Президент И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузасида «Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур» деган кўрсатмаларини унутмаслигимиз, ҳар бир фан ўқитувчиси янги технологияларни лойиҳалашга ижодий ёндашиши лозим¹.

Педагогик технология фан мавзулари бўйича олдиндан лойиҳаланиши ва у ўқитиш текислигига кўчирилса. Якуний натижани кафолатланиши билан фарқланишини эслатиб ўтамиз. Шу билан биргаликда ҳар қандай педагогик технология асосини илмий жиҳатдан кўрилган дидактик жараён ташкил этади. Ана шу жараёни ажратилган ўқув вақти доирасида амалга ошириш олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик маҳоратини даражалаб беради.

Баён этилган фикрлар шундай хулосаларга келишимизга имкон беради: таълимнинг ҳар бир босқичида замонавий педагогик технологияларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда жамият муносабатларини ислоҳ қилиш, яъни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, таълимни инсонпарварлаштиришга самарали таъсир кўрсатадиган илмий-концептуал асосга эга бўлгандагина қўллаш мувофиқдир.

Қўлланилаётган технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига енгиллик олиб келиши, ўқувчининг ҳоҳлаб, қизиқтириб боришига имкон бериши ва жамият тараққиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини кафолатлаши керак. Замонавий педтехнологиялар қўлланилишидан олдин адаптациядан ўтиши педагогик шарт-шароитлари, моддий-техник база ҳисобига олиниши лозим.

Агар педагогик технологияларни қўллашда илмий асос ва кафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолоти, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғаноқ бўлаверади.

¹ Н.Сайидахмедов. Технологик ёндашув устуворлиги. "Ma'rifat" газетаси 2003 й. 19 феврал.

Савол ва топшириқлар:

1. Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фан, техника ва технологиялар соҳасидаги муваффақиятларини нималарда деб биласиз?
2. Бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашни қониқарли деб ҳисоблай оласизми?
3. Тарих таълими тизимида педагогик технологияларнинг қандай усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсиз?
4. Тарих таълимида янги педагогик ва ахборот технологияларининг моҳияти ва вазифалари нималарга боғлиқ?

4.2.Махсус фанларни ўқитишда интерфаол методлар асосида семинар машғулотлари ташкил этиш.

Методик хизматни ташкил этишда семинар ўқишлардан, тренинг машғулотларидан унумли фойдаланиш ўзининг самарасини бериб келмоқда.

Уларнинг ташкил этиш турлари босқичлари, эътибор талаб томонлари жуда кўп. Жумладан, семинар дастурларини ишлаб чиқишдан аввал бир неча ғояларни белгилаш ҳамда муаммоларни аниқлаш унинг асосий мазмунини ташкил этади.

1. Семинар ўтказиш вақти.
2. Семинар ўтказиш жойи.
3. Семинарни ким ўтказади?
4. Семинар ўтказиш учун канча вақт талаб қилинади?

Семинар ўқиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришда бу жараён мавзусининг ўзига хослиги, жой ва шароити, қатнашчиларининг имконияти ва эҳтиёжи ҳамда ҳамкорлигидаги фаоллигини ташкил эта олиш ҳисобга олиниши керак. Шунда қафолатланган натижага эришиш мумкин. Бунда ҳар бир

семинар-ўқитиш технологиясига режа тузиб олиш мақсадга мувофиқ.

Мавзу	Фанлар интеграцияси
Мақсад ва вазифалар	Ўқитиш самарадорлигини ошириш
Машғулот жараёни	Методлар: оғзаки баён қилиш, суҳбат, мунозара, баҳс
Мазмуни	Амалий, кичик гуруҳларда ишлаш
Шакли	Жамоада ишлаш
Воситалар	Тарқатма воситалар. Техника воситалари
Усул	Назорат, ўз-ўзини назорат, оғзаки назорат
Баҳолаш	Рағбатлантириш
Кутиладиган натижа	Тренинг учун: янгиликни етказиш, Иштирокчи учун: янгиликни ўзлаштириш

Ўтказилаётган семинар-ўқитишда иштирокчилар қандай натижага эришишлари лозим? Уларни аниқ вазифаларга йўналтирилганлигининг 3 тури мавжуд.

1. Мазмунга қарашли натижалар.

2. Методларнинг ўтилишига қарашли натижалар.

3. Семинар ўқитишда ўтказиш тартибига тегишли натижалар. катнашчиларни кутилаётган натижага эришишлари учун ёрдам берадиган усуллар: «Ақлий хужум», «Кластер», «Бумеранг», «Скоробей технологияси», «ФСМУ технологияси», «ВЕР технологияси», «Блиц ўйини» технологияси .

Изюминка (диққатни жалб этиш) бу иштирокчиларни ўқув машғулотининг мазмуни ёки услубига қизиқишни оширадиган, таҳлилга тортадиган саволлар.

Маъруза-ўқув материалларини оғзаки баён қилиш усули. Одатда бу усул видео, кўргазма намойиш қилиш билан олиб борилади. Маъруза катта хажмдаги ўқув материалларига нисбатан узок вақт давомида монолог баён этиш. Бу усулнинг асосий вазифаси таълим бериш, ўргатиш.

Ушбу усулнинг самарадорлиги қуйидагича асосланади:

1. Маъруза қилишда унинг мазмунини чуқур илмий-ғоявий кетма-кет бўлиши;
2. Тушунарли, ҳиссиётга бой ва содда тилда ёритилиши;
3. Ёш ва руҳий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда қисқа савол-жавоб ўтказиш;
4. Режа тузиш ва ҳар бир режа баёнидан сўнг хулосалаш;
5. Муаммони баён қилиш;
6. Ёзиб олиш, зарур бўлган жойларни ажратиб кўрсатиш;

Тайёргарлик кўриш учун:

1. Мавзу, мақсад ва долзарб муаммоларни аниқлаш;
2. Адабиётлар билан танишиши;
3. Қатнашчиларнинг салоҳияти, билим даражаси, қизиқиши, психологиясини ҳисобга олган ҳолда режа тузиш;
4. Жиҳозлар, таълим воситаларини ташкил этиш; Маъруза-кириш, баён, хулосадан иборат бўлиши керак. Тингловчиларни қизиқтириш учун кириш қисмига пухта тайёргарлик кўриш лозим. Маърузанинг кириш қисми вақтида тингловчилар томонидан олинadиган дастлабки маълумот мияни маъруза давомида бериладиган ахборотни қабул қилиб олишга тайёрлайди. Маърузачи билдирадиган барча фикрлар иштирокчи томонидан фақат ўзлаштирилиб қолмай, балки яна ижодий тарзда қайта ишлаши ҳамда ўз қараши бўлиб қолиши керак. Баён икки-уч қисмдан иборат бўлади. Якуний қисм эса белгиланган мавзу юзасидан қисқа хулосалар ёки унинг ғоясини таърифлаб беришга қаратилади.

Семинар тренингда қуйидаги маъруза турларидан фойдаланиш мумкин:

1. Муаммоли маъруза
2. Маъруза конференция
3. Конспектсиз маъруза
4. Муаллифнинг маърузаси
5. Маъруза мунозара

6. Аниқ вазиятни таҳлил қилиш маърузалари.

Маърузада савол бериб, тингловчиларнинг жавобларидан фойдаланиб, вақтинча эркин фикр алмашишга рухсат этиб, кундалик ҳаётдан мисол келтириб уларни савол беришга ундаб, илгари ўрганилган факт ва вазиятларни янгилари билан таққослаш билан амалга оширса бўлади.

Суҳбат ўтказиш ва ўқитишнинг диалогик савол-жавоб усули. Бу усулнинг етакчи функцияси мотивация қилиш, аниқ мақсадни кўзда тутадиган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида белгиланган мавзу бўйича эсга олишга ва баён этишга ҳамда муҳокама қилишга ундайди. Таълим олувчилар, тренер билан биргаликда, кадамма-қадам янги билимларни мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш, якунлаш ва умумлаштириш йўли билан ўзлаштирадilar.

Суҳбатлар белгиланган мақсад асосида қуйидагилардан ташкил топади.

1. Ташкил қилиш.
2. Янги билимлардан хабардор қилиш.
3. Синтезловчи-таълим олувчилар томонидан билимларни тизимлаштириш, эслаб қолиш ва англаш.

Суҳбатлар эркин вазиятда олиб борилади, саволларни аниқ ифода этиш ва бериш муҳимдир. Улар ўзаро мантиқий боғлиқ бўлиши, ўрганилаётган нарсанинг туб маъносини очиқ бериши, билимни таркибли равишда ўзлаштиришга имкон бериши лозим. Саволлар ўз маъноси ва шакли билан қатнашчиларнинг ривожланиш даражасига мос бўлиши керак.

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолияти
1-босқич. Тайёрлов	Суҳбат мавзуси. Мақсади ва вазифаларини белгилайди. Асосий ва ёрдамчи саволларни аниқлайди. Саволлар бериш, умумлаштириш, хулоса чиқариш тартибини белгилайди.
2-босқич. Кириш	Мавзунинг мақсади ва вазифасини эълон қилади. Мавзу бўйича билим малака

	эслатилади.
3-босқич. Суҳбат	Қатнашчиларнинг мулоҳазаларини умумлаштириш, ҳаммани фаол ҳаракат қилишга ундаш. Тўғри жавобларни маъқуллайди нотўғриларини маъқулламайди.
4-босқич. Хулоса	Суҳбат натижаларини умумлаштиради
5-босқич. Якун	

Суҳбатда савол бериш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун савол беришда ҳар бир саволни барча гуруҳларга бериш учун ва қўшалок саволлар бермаслик керак. Агар саволга ҳеч ким жавоб бермаса саволни бошқача тузиш керак бўлади.

Суҳбатга тайёргарлик ишлари қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

1. Суҳбат мавзусини аниқлаш, мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
2. Ҳамкорликка оид тушунчалар моҳиятини очиқ беришга ёрдам берадиган саволлар тузишни маълум тартибда ишлаб чиқиш;
3. Суҳбатга киришиши ва якунловчи қисмлар мазмунини ифодалаш;
4. Суҳбат мазмунини тингловчилар фаолияти, ҳуққ атвори билан боғланишнинг тўғри йўлини танлаш;
5. Суҳбатнинг мавзу ва мақсади, ўтказиш вақти ҳамда тингловчиларга мавзуга оид тушунчаларини бойитишга ёрдам берадиган адабиётларни тавсия қилиш;

Китоб билан ишлаш технология чизмаси.

Иш босқичи	Ўқитувчи фаолияти
1-босқич. Тайёрлов	Тингловчилар мустақил ўрганишлари учун ўқув материаллари танлайди. Ўқув фаолияти мақсад вазифаси, натижалари баҳолаш мезони

2-босқич. Мавзуга кириш	Тингловчиларни ўрганилаётган мавзу билан таништириш мақсадида илгари ўрганилган қайси материал билан янгисини таққослаш ва боғлаш зарурлиги ҳақида батафсил суҳбатлашади.
3-босқич. Китоб устида ишлаш	Баҳолаш мезонини эълон қилади, кузатади ва индивидуал ёрдам беради.
4-босқич. Якунлаш	Ўрганилган материални ўзлаштириш сифатини текширади, таҳлил қилади ва натижаларини эълон қилади.

Кичик гуруҳларда ишлаш асосида қатнашчи ўз фикрини ишлаб чиқиш, уни гуруҳда муҳокама қилиш ва ҳар хил фикрлар асосида ўрганади.

Гуруҳлар билан ишлашнинг қуйдаги турларини кўрсатишимиз мумкин:

- Гуруҳларга ҳоҳлашлари бўйича ёки ҳисоблаш, ўйинлар тарзида ажратиш мумкин;
- Гуруҳлар билан ишлаш учун топшириқлар танлашда муаммоли бўлишига эришиш;
- Вақт аниқ белгиланиб, топшириқлар танлашда бажаришга доир йўриқнома берилиши керак.
- Тақдимот ўтказилади. Тақдимот юзасидан мунозара ўтказилиб якунланади.

Лойиҳалар усули билим ва малакаларни таҳлил қилиш, баҳолашни амалий қўллашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулларни амалга оширади.

Савол ва топшириқлар

1. Махсус фанларни ўқитишда семинар, тренинг машғулотларидан унумли фойдаланиш самарадорлигини биласизми?
2. Семинар машғулотларини ўтказишда маърузанинг қандай турларидан фойдаланиш мумкин?
3. Семинар машғулотларида китоб билан ишлаш технологиясини тушунтириб бера оласизми?


ИЛОВАЛАР


Педагогик технология


- * Ўқув жараёнидаги ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ – бу аниқ-кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

* Педагогик технологиянинг хусусиятлари

- ❖ Талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;
- ❖ Талабанинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;
- ❖ Талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;
- ❖ Педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этилиши.







*** ФАҢЛАРНИ ҲАҚИҚАТЧИ МЕТОДИКАСИ ҲАҚИДА ТАҲКИҚАТЛАР**

*** Педагогиканинг умумий қоида ва қонуниятларига асосланиб, фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб, дидактик вазифаларни амалга оширади (П. Лейбентруб ва бошқалар).**

*** Махсус педагогик фан бўлиб, фан мазмуни орқали таълим ва шахсни ривожлантиришнинг барча вазифаларини ҳал этишга қаратилган. Бунда бирламчи мазмун усул ва воситалар хусусиятини белгилайди (П. Гора ва бошқалар).**

*** Методика – фан эмас, балки методик ишланма, тавсия ва маслаҳатлар мажмуаси. Ҳозирда мазкур қараш янги атама – технология номи билан юритилмоқда (В.Н.Вернадский ва бошқалар).**


**ХОЗИРГИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИГА
ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА**


**Сифат, яъни ўқитишнинг белгиланган даражасини
эгаллаш;**

**Самарадорлик, яъни ўқитишга сарф қилинган харажатлар, албатта
максимал самара бериши лозим.**


**Ушбу вазифаларни ечиш ўқитиш жараёнини технологиялаштиришга,
инновацион ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга олиб
келади**

Педагогик тизимнинг модели





ДАРСНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛ



Таълимий (дидактик)

мақсадлар

Билим кўникма, малакани
Шакллантириш

Дарс жараёнида ўқувчиларга ўз
фикрларини мустақил баён
этишга ўргатиш, керакли
адабиётлардан усталик билан
фойдаланиш, уларни излаб,
топишга ўргатиш

МЕТОДЛАР


Информацион репродуктив
Репродуктив муаммоли

Муаммоли қисман изланишли
Ахборот-репродуктив, актив

Дарс вақтида ўқувчилар фаолияти ташкил этиш формалари

Фронтал (бир неча ўқувчидан)
якка ҳолда


Якка ҳолда жуфт бўлиб гуруҳни
фронтал шаклида



Ноанънавий дарслар ТЕХНОЛОГИК КАРТА

Мавзу	Таълим тизимида методика ва технология уйғунлиги.
Мақсад ва вазифалар.	Магистр талабаларига таълим тизимида методика ва технология уйғунлигининг моҳияти, аҳамияти, асослари ва тартибини тушунтириш. Мавзуга оид тарқатилган материалларни талабалар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат мунозара орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиб, уларнинг билимларини баҳолаш.
Ўқув жараёнининг мазмуни	Методика ва технологиянинг бир-биридан фарқлаш тушунчаси. Педагогик технологияга турли хил ёндашувлар. Педагогик технологияга оид ишларни чуқур ўрганилиши. Янги педагогик технологияларни қўлланшнинг методологик асослари. Замонавий педагогик технологиялар қўлланилишидан олдин адаптациядан ўтиши, педагогик шарт шароитлар, моддий-техник база ҳисобга олиниши.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<u>Метод:</u> оғзаки баён, суҳбат-мунозара. “ФСМУ технологияси”. <u>Форма:</u> маъруза ва амалий машғулот, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш. <u>Восита:</u> тарқатма материаллар, матнлар. <u>Усул:</u> тайёр, ёзма материаллар, кўргазмалар. <u>Назорат:</u> оғзаки назорат, ёзма назорат, кузатиш, ўз-ўзини назорат. <u>Баҳолаш:</u> раёбатлантириш, 5 балли тизим асосида.

Кутиладиган натижалар.	Ўқитувчи: Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларга дарсга нисбатан қизиқишни уйғотади. Бир вақтнинг ўзида кўпчилик талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларга эришади. Талаба: Методика ва технология уйғунлигига оид янги билимларга эга бўлади. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Нутқ ривожланади, эслаб қолиш қobiliяти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида янги педагогик технологияларга оид кўп маълумотларга эга бўлади.
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда татбиқ этиш, такомиллаштириш, ўз устида ишлаш, мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик ва педагогик ҳамда методик маҳоратни ошириш. Талаба: Янги педагогик технологиялар асосида матн билан мустақил ишлашни ўрганиш. Ўз фикрини янги усуллар билан раён баён қила олиш. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиш, уларни илмий ва услубий тадбиқ эта олиш. Ўз фикрини ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб бир ечимга келиш. Кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.



«Кластер» (тармоқлар) методи.

Фикрларнинг тармоқланиши –бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга таълуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Бу метод бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

«БУМЕРАНГ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқувчи-талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқари турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрни эркин ҳолда баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча ўқувчи-талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

Таълим билан қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

- Жамоа билан ишлаш маҳорати;
- Муомалалик;
- Хушфеъллик;
- Қўниқувчанлик;
- Ўзга фикрига ҳурмат;
- Фаоллик;
- Раҳбарлик сифатларини шакллантириш;
- Ишга ижодий ёндашиш;
- Ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш;
- Ўзини ҳолис баҳолаш

«СКАРАБЕЙ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

«Скарабей» технологияси ҳар томонлама бўлиб, ундан ўқув материалнинг турли босқичларини ўрганишда фойдаланилади.

- бошида-ўқув фаолиятини рағбатлантириш сифатида (Ақлий ҳужум);

- мавзуни ўрганиш жараёнида ўзининг моҳияти, тузилиши ва мазмунини белгилаш;

- улар орасидаги асосий қисмлар, тушунчалар, алоқалар характерини аниқлаш;

- мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш, янги жиҳатларини кўрсатиш;

- охирида олинган билимларни мутаҳкамлаш ва яқунлаш мақсадида.

Таълимдан ташқари мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларини амалга ошириш имконини беради:

- ўзгалар фикрига ҳурмат;

- жамоа билан ишлаш маҳорати;

- фаоллик;

- ҳушмуомалалик;

- ишга ижодий ёндашиш;

- имкониятларини кўрсатиш эҳтиёжи;

- ўз қобилияти ва имкониятларини текширишга ёрдам беради;

- «мен»лигини ифодалашга имкон беради;

- ўз фаолияти натижаларига маъсуллик ва қизиқиш уйғотади.

«ВЕЕР» ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологияларнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бирйўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталарда муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантииқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади.

«БЕЕР» технолгияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қатнашувчининг гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

«БЕЕР» технологияси мувзунни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

- бошида ўз билимларини эркин фаоллаштириш;
- мавзунни ўрганиш жараёнида унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етиш;
- якунлаш босқичида олинган билимларни тартибга солиш;
- аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади;
- Афзаллик-бирор нарса билан қиёлангандаги устунлик, имтиёз;
- Фазилат ижобий сифат:
- Нуқсон номукамаллик қоидаларига, мезонларга номувофиқлик;
- Хулоса муайян бир фикрга мантииқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш;
- Таълимдан ташқари «Елпиғич» тахнологияси характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради;
- Жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати;
- Муаммолар, вазиятларги турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати;
- Хушмуомалалик;
- Ишга ижодий ёндашиш;
- Фаоллик;
- Муаммога диққатни жамлай олиш маҳорати.

ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, бахс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (тинг-

ловчиларнинг ўқув-семинари ҳақида фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи-талабаларни, ўқув жараёнида эгалланган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалланганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ушбу технология тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи, фикрларнибаён этишга ёрдам беради.


ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(Ф)-Фикрингизни баён этинг

(С)-Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг

(М)-Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи)
мисол келтиринг

(У)-Фикрингизни умумлаштиринг.



**Фойдаланилган ва тавсия этилган
АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т, "Ўзбекистон" НМИУ, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т. "Ўзбекистон", 2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т. "Ўзбекистон", 2016.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т. "Ўзбекистон", 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т. "Ўзбекистон", 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2018, 1-жилд.
7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2019, 2-жилд.
8. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. – Т. "Ўзбекистон" НМИУ, 2019, 3-жилд.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т. "Ўзбекистон", 1992.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т. "Ўзбекистон", 1997.
11. Ислон Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. Шарқ, 1997 й.
12. Азизходжаева Н.Н. Педагогическое технологии и педагогическое мастерство. Т. изд. полигр. Творческий дом. им. Чулпана, 2005 г.
13. Ахлиддинов Р., Саидов Х. ва бошқалар. Истиқлол ва таълим: Халқ таълими мустақиллик йилларида (1991-2001), Т. «Шарқ», 2001 й.

- 14.Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактаб-ларида ўқитиш методлари. Т. «Ўқитувчи» 1990 й.
- 15.Бесполько В.П. Слагаемые педагогической технологии. М. «Педагогика», 1989 г.
- 16.Баркамол авлод орзуси. Т. «Шарқ» 1999 й.
- 17.Бўри Зиёмухаммадов. Педагогик маҳорат асослари. Т. “ТИБ-КИТОБ”, 2009 й.
18. Бўри Зиёмухаммадов.Педагогика.Т.“Турон Иқбол”,2006 й.
19. Воловикова М.Л Понятие «Педагогическая технология» в современном педагогике. Интернет материаллари:2000,zspru @ zspru. Edu.ru
20. Голиш. Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. –Т.ТАСИС, 2001.
21. Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. Т. «Ўқитувчи» 2000 й.
22. Йўлдошев Ж.Ғ, Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Т. “Ўқитувчи” 2004 й.
23. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. М. «Знание». 1989 г.
24. Ларнер И.Я. Внимание о технологии обучения// «Сов. Педагогика», 1990, №3,С.139,
- 25.Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектирован. пед. технологии.-«Педагогика», 1997, №6. С.26.
26. Назарова Т.С. Педагогические технологии: новый этап эволюции. Педагогика. 1997 г.
27. Очилов М. «Янги педагогик технологиялар». Қарши. «Насаф» нашриёти. 2000 й.
28. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т. «Ўзбекистон» 1987 й.
29. Полтарак Д.И. ва бошқалар. Методика использования средств и обучения в преподавания истории. М. «Просвещение» 1987г.
- 30.Сайидахмедов Н. Янги педогогик технологиялар. Т. «Молия» 2003 й.
- 31.Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси.-Т.: 1999. 7-8-бетлар.

32. Турсунов И.Й. Халқ таълимининг долзарб муаммолари. Т. «Ўқитувчи» 1990 й.
33. Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. Т. «Университет» 2002 й.
34. Тошпўлатов Т., Гаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. Т. «Турон Иқбол» 2010 й.
35. Турғунбоев К. Педагогик маҳорат асослари. АНДУ, 2002 й.
36. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар: Илмий амалий Конференция материаллари. Т. ЎзПФТИ. 1999й, 4-5 май.
37. Толипов.Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологиларни татбиқий асосларий. Т. «Фан», 2006 й.
38. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. Т. «Фан» 2000й
39. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар.-Т.: 1999.4-бет.
40. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. Илмий-назарий семинар-Т.: 8-9 апрел, 1993. 3-бет.
41. Хамдамов Р., У.Бегимқулов, Н.Тойлақов. Таълимда ахборот технологиялари. Олий таълим муассасалари учун. ЎзМЕ давлат илмий нашриёти, -Т. 2010.
42. Чориев А. Проблемы народного образования и подготовки педагогических кадров Узбекистана. Т. «Фан» 1997 й.
43. Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиши тарихи. Т. «Ўқитувчи» 1998 й.
44. Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси. –Т. «Фан ва технологиялар», 2014.
45. Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотлар, мақсад ва йўналишлар. Т. «Ўзбекистон» 1999 й.
46. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: Педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. Т. «Фан» 1999й.
47. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. Т. «Шарқ» 2000 й.
48. Юзвичене П.А. Теория и практика модульного обучения. –Каунас, 1989.С.126.

ИЗОҲЛАР

[illegible]

[illegible]

Яраш Гаффоров

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

5A120302-Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)
магистрлар учун ўқув қўлланма

Тошкент – “Ишончли ҳамкор” – 2020й

Муҳаррир:	Халимджон Тахиров
Техник муҳаррир:	Сайера Меликузиева
Мусахҳих:	Мавлуда Юнусова
Саҳифаловчи:	Дилфуза Усманова

Нашриёт лицензия № 2044, 25.08.2020 й.

Босишга рухсат этилди 17.12.2020й.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. “Times new roman” гарнитураси,
кегли 12.. Offset босма усулида босилди. Шартли босма
табоғи 13. Адади 50 дона Буюртма №

Zebo prints МЧЖда чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани,
22-ҳарбий шаҳарча